O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

2009 йил, 20 ноябрь, жума № 47 (2330). | Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Пятница, 20 ноября, 2009 год, № 47 (2330). | Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу - цена договорная

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗ МАМЛАКАТИМИЗ ОЗОДЛИГИ ВА МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ, КЕНГ МИҚЁСДАГИ ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, МУҚАДДАС ЗАМИНИМИЗДА ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИШОНЧЛИ КАФОЛАТИ БЎЛИБ КЕЛМОҚДА ВА БУНДАН КЕЙИН ҲАМ ШУНДАЙ БЎЛИБ ҚОЛАДИ.

Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

Ф А Р М О Н И

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОИЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2009 йилнинг 1 декабридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,12 баравар оширилсин.

2. 2009 йилнинг 1 декабридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи – ойига 37 680 сўм;

ёшга доир пенсиялар – ойига 74 660 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд – ойига 37 680 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 74 660 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 45 220 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2009 йилнинг 1 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Белгилансинки, 2009 йилнинг 1 декабридан бошлаб барча турдаги пенсияларнинг ўртача 1,12 баравар оширилиши уларнинг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қайта ҳисоблаб чиқилишини инобатга олган ҳолда амалга оширилади, бунда 1991 йилнинг 1 январигача ва ундан кейинги йилларда тайинланган пенсияларнинг миқдори тенглаштирилиши назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги ўн кун муддатда пенсияларни қайта ҳисоблаш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин ҳамда барча турдаги пенсияларни оширишнинг аниқ миқдорларини белгиласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишини таъминласин.

Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджёти ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2009 йилнинг 1 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.


7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 8 июлдаги ПФ-4119-сонли Фармони (7-банди истисно қилинган ҳолда) 2009 йилнинг 1 декабридан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисобласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2009 йил 16 ноябрь



Бахром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

Машғулотлар тоблар, юрт посбонларин!

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

17 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И. Собиров олиб борди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисини чақириш тўғрисида қарор қабул қилди. Ялпи мажлис шу йил 4-5 декабрь кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтади.

Сенатнинг ялпи мажлиси кун тартибига Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги, шунингдек, 2010 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури тўғрисидаги масалалар киритилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга йўналтирилган қонунларни, шу жумладан, «Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи тўғрисидаги низомни ва Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи тавсифини тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини кўриб чиқиш назарда тутилмоқда.

Сенатнинг ялпи мажлисида шунингдек, давлат қурилиши ва бошқаруви, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, ташқи сиёсат соҳасидаги қонунлар, жумладан, «Вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир қонунларнинг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 329-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари кўриб чиқилади.

Шунингдек, «Инқирозга қарши чораларнинг 2009–2012 йилларга мўлжалланган дастурини сўзсиз бажариш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъуллиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қарори бажарилишининг бориши ҳақидаги масалани муҳокама қилиш ҳам назарда тутилмоқда.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинади.

Олий Мажлис Сенати қўмиталари ва Девонининг йигирманчи ялпи мажлисни тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ ишларини мувофиқлаштириш учун Кенгаш томонидан махсус ишчи гуруҳ тузилди.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Матбуот хизмати.



5 МАЛАКА

СЕРГАК ПОСБОН – ЮРТГА ҚАЛҚОН



8 КОНСТИТУЦИЯ

САЛОҲИЯТЛИ ВА ЕТУК ПОСБОНЛАР



22 ЁШЛАР

«ЯНГИ АВЛОД» КАШФ ЭТАЁТГАН ИСТЕЪДОДЛАР



23 СПОРТ

ШЕР БИЛАКЛИ ШЕРАЛИ

ЖАРАЁН

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

13 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси М. Абдусаломов бошқарди.

Марказий сайлов комиссияси "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонуннинг 27-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар ва сиёсий партияларнинг оммавий ахборот воситаларидаги сайловолди ташвиқоти тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Марказий сайлов комиссияси, сайловолди ташвиқотини ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқни таъминлаш мақсадида, сиёсий партиялар билан келишган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этувчи депутатликка номзодлар ҳамда сиёсий партияларнинг электрон ва босма оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартибини белгилади.

Марказий сайлов комиссияси сайловчиларни сайлов куни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар билан кенг таништириш, сайловолди ташвиқотини ўтказишда тенг шароит яратиш мақсадида ташвиқот плакатларининг намуналарини тасдиқлади.

Йиғилишда кўриб чиқилган масалалар юзасидан Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Йиғилишда Марказий сайлов комиссияси ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

(ЎзА).

МИЛЛИЙ РАМЗЛАР – МИЛЛАТ РАМЗИ



1991 йил 18 ноябрь Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи қабул қилинган кун. Асрлар давомида рамз ва тимсоллар ҳар бир элат учун миллий ғурур, фидойилик ва ватанпарварликни шакллантиришда энг муҳим воситалардан бири саналган. Шу боисдан ҳам дунёда ҳар бир халқнинг давлат сифатидаги мавқеини мустаҳкамловчи миллий рамзлари бор. Бугун Ватанимиз ҳам ўз миллий рамзлари ва тимсолига эга бўлган, курраи-заминда ўз нуфузи ва овозига эга юрт.

Давлатимиз мадҳияси, туғи(байроғи) ва туғроси(герби) мамлакатимиз аҳли – ҳар бир фуқаро учун муқаддасдир. Албатта, шу юртда истиқомат қилаётган, камол топаётган инсон юрагида Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатнинг таянч нуқтасида ифтихор, шон-шараф, ор-номус, ишонч тимсоли бўлган миллий байроғимиз туради. Давлатчилигимиз тарихининг қай бир даврини кузатмайлик, давлат рамзлари Ватан тимсоллари сифатида ҳамиша азиз ва муқаддас саналган. Ҳамма замонда ҳам улар шунчаки давлат сиёсатини амалга ошириш воситасигина бўлиб қолмай, жуда катта ижтимоий-маънавий аҳамият касб этган. Тарихдан маълумки, улуғ аждодларимиз давлат тимсоллари учун ўз жонларини фидо этганлар. Чунки жангу жадалларда байроқнинг қулаши ёки душман қўлига ўтиши мағлубият билан баробар бўлган.

Ўзбекистон Республикаси давлат рамзи бўлган миллий байроғимизда ҳам халқимизнинг хоҳиш-иродаси, ақл-салоҳияти, асрлар мобайнида топталган, бугун эса тўла маънода тикланган ғурури ва кайфияти акс этган. Ҳа, байроғимиз эндиликда чин маънодаги халқимиз ифтихори тимсолига айланди. Мустақил юртимизнинг рамзи бўлган байроғимиз қабул қилинган кун табиийки, барча жамоат бирлашмалари, ўқув муассасаларида кўтаринки руҳда нишонланади. Жумладан, Республика Маънавият тарғиботи марказида ҳам Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамкорлигида «Байроғимиз–фахримиз, ғуруримиз!» мавзуида анжуман бўлиб ўтди.

Тадбир аввалида Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Миҳожиддин Мирзо сўзга чиқиб, давлат тимсолларига кўнгил кўзи билан қараш кераклиги, ҳар бири муқаддас бўлган бу рамзларнинг Ватанимиз тимсоли эканлиги, шундай экан, доимо уларга ҳурмат назари билан қараш, эҳтиром кўрсатиш лозимлиги хусусида атрофлича фикр юритди. «Байроқ ҳақида гапирилганда, Сидней олимпиадасида ғолиблик шоҳсупасига кўтарилган Муҳаммадқодир Абдуллаев кўз ўнгимда гавдаланади. Унинг юксак ҳилпираган байроғимиз ва мадҳиямиз садолари остида шоҳсупага кўтарилгандаги мағрур ва масрур ҳолати, юракдаги титроғи ҳар биримизнинг вужудимизга ўтганига шубҳа йўқ. Ўз тақдирини Ватан тақдири билан боғлаган ва юраклардаги ниятлари миллат мақсадларига муштарак инсонларгина бу ҳисни вужудидан ўтказа олади. Ўйлаб кўринг, нима учун байроқ баландда туради? Пойида мингларни бирлаштириш учун. Ҳатто, жангда йиқилганни турғаза олиш қудратига эга байроқ нима учун бизларга муқаддас бўлмасин!?» – деди Миҳожиддин Мирзо.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари А.Маматов йиғилганларни байрам билан муборакбод этиб, байроғимизнинг қабул қилиниш тарихи ва ҳуқуқий асослари ҳақида маъруза қилди. Республика Маънавият тарғибот марказининг ижтимоий-сиёсий тарғибот бўлими бошлиғи Ҳ.Жуманиёзова байроғимиз – фахримиз, ғуруримиз бўлиш билан бирга Ватан тушунчаси билан муштарак рамз экани, ёшларда ҳам ана шу ифтихор, ғурур ҳиссини камол топтиришнинг маънавий-маърифий асослари ҳақида сўз юритди ҳамда шу ҳақдаги шеърларидан ўқиб эшиттирди.

Анжуман меҳмонлари Ўзбекистон жисмоний тарбия институти магистрантлари, миллий кураш бўйича жаҳон чемпионлари Ўғилой Нуралиева, Шерали Жўраевлар она Ватан каби азиз ва муқаддас байроғимиз ҳақида ҳаяжон билан сўзлар эканлар, ғалаба дақиқаларида баланд кўтарилган миллат байроғи ота-оналари, жонажон туғилиб ўсган маконлари ва минглаб мухлисларни ёдларига солишларини айтдилар.

Тадбир сўнгида Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли хонандалари томонидан тайёрлаб келинган концерт дастури йиғилганлар эътиборига ҳавола қилинди.

Вилоят ШОДИБЕКОВА,
Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маърифат маркази илмий-услубий бўлими мутахассиси.

«Энг илғор экипаж» кўрик-танлови

МАҲОРАТ, ТАЖРИБА ЮКСАЛАР БУНДА

Бугун Қуролли Кучларимизда турли тадбирлар, кўрик-танловлар ўтказиш анъанага айланиб улгурди. Айни дамда жанговар машина экипажлари ўртасида ўтказилаётган «Энг илғор экипаж» кўрик-танлови ҳам шулар жумласидандир.



Ҳар йили ўтказилиб келинаётган мазкур кўрик-танлов кўплаб маҳоратли, билимли ҳарбий хизматчиларни кашф этмоқда. Қисм ва округ босқичидан муваффақиятли ўтган экипаж аъзолари айни кунларда танловнинг ҳал қилувчи учинчи босқичида иштирок этиб, бор билим ва тажрибаларини ишга солиб, ғолиблик сари интилишмоқда.

Иштирокчилар саф кўриги, соҳа бўйича тест синовлари, алоқа, техника тайёргарлиги, оммавий қирғин қуролларидан ҳимояланиш ва жисмоний тайёргарлик ҳамда нишонларга ўқ отиш, зирҳли техникани бошқариш каби синовлардан ўтишади.

– Барча жамоалар хизмат жойларида малакали мутахассислар бошчилигида мазкур танловнинг ҳал қилувчи босқичига катта тайёргарлик кўришгани илк синов машғулотидаёқ ўз самарасини берди, – дейди комиссия аъзоси офицер Муҳиддин Абдуллаев. – Экипаж аъзолари нафақат ғолиблик учун баҳслашмоқда, балки бундайин нуфузли танловда иштирок этиб, тажриба алмашишнинг ўзи ҳам улкан шараф эканлигини улар яхши англашади. Танловни кўтаринки руҳда ўтказиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ўйлайманки, иштирокчилар танловда муваффақиятли қатнашиб, билим ва маҳоратларини намойиш қилишиб, жамоалари шарафини муносиб ҳимоя қилишади ҳамда билдирилган юксак ишончни албатта, оқлайдилар.

Дарҳақиқат, посбонлар мазкур танловга улкан тайёргарлик кўришгани саъй-ҳаракатларида ўз аксини кўрсатмоқда. Буни биринчи куни ўтказилган саф кўригидан ҳам билса бўлади. Комиссия аъзолари томонидан ҳар бир жамоанинг саф кўриги тайёргарлиги юқори баҳоланди. Кўрик-танловнинг очилишига бағишланган тадбирда сўзга чиққан масъул офицерлар ҳам буни алоҳида таъкидлашиб, уларга муваффақият тилашди. Албатта, бундайин эътибор посбонлар руҳиятига яхши таъсир кўрсатиб, кейинги шартлардан муваффақиятли ўтишларига руҳлантиради. Биз ҳам танлов иштирокчиларига омад тилаб, Қуролли Кучларимиз ташкил топганлигининг 18 йиллигига ўз ютуқлари ила муносиб туҳфа тайёрлашларига ишонамиз. Кўрик-танловнинг якуний натижалари, ғолиб ва совриндорлари ҳақида газетамизнинг кейинги сонларида батафсил маълумот берамиз.

Фирдавс АҲРОРОВ,
Муаллиф суратга олган.

АКТУАЛЬНО

В помощь руководителям групп общественно-политической подготовки

НАРОД, УСТРЕМЛЕННЫЙ В БУДУЩЕЕ

На торжествах, посвященных 18-летию Независимости Республики Узбекистан, Президент Ислам Каримов сказал: **«Наш народ, опираясь только на свои силы и потенциал, выбрал собственный путь развития и за минувшие памятные годы, благодаря самоотверженному труду, мужеству и отваге, терпению и великодушию, достиг значительных успехов, признаваемых во всем мире».** И как бы продолжая эту мысль на юбилее 2200-летия Ташкента, заявил, что **такой созидающий и великодушный народ «может покорить любые вершины».**

Опыт, высокая сознательность, организованность и сплоченность, непреклонная воля и твердая вера в правоту избранного курса реформ обусловили созидающую и преобразующую роль нашего народа, его способность добиться свершений, которые возможны лишь в течение столетий.

На чем базируется наша уверенность в возможности узбекского народа «покорить любые вершины»?

Прежде всего на том, что, реализуя свою собственную, разработанную Президентом И. А. Каримовым «узбекскую модель» развития, мы принимаем, претворяем в жизнь глубоко продуманные программы, которые являются образцом для многих стран и народов. Среди этих программ – уникальная по своему содержанию Национальная программа по подготовке кадров, Государственная программа реформирования здравоохранения, Национальная программа развития школьного образования, программы укрепления здоровья женщины, рождения и воспитания здорового поколения, программа повышения правовой культуры населения, развития детского спорта. В этом же ряду и **долгосрочная Программа реформирования и модернизации Вооруженных Сил** и некоторые другие программы, каких не имеет ни одно из государств на всем постсоветском пространстве. А известная нам **Антикризисная программа является важнейшим средством борьбы с негативными проявлениями и последствиями мирового финансово-экономического кризиса и образцом для всего цивилизованного мира.** Основательность и вдумчивость народа при решении больших и малых проблем удержали нас от броских и обманчивых рецептов и рекомендаций, которые нам навязывались извне, и указали собственный путь поэтапного осуществления реформ, с опорой на свои силы и возможности, на свой потенциал. Что и было успешно осуществлено за годы независимости.

Во-вторых, наша уверенность базируется на лучших национальных качествах, отличительных чертах характера, особенностях менталитета нашего народа и его все возрастающего самосознания. За годы независимости, несмотря на отдельные сложности и трудности, наш народ не растерял своих лучших качеств, наоборот, укрепил их, развил и глубоко осознал свою преобразующую роль на путях обновления и прогресса. Приняв Программу социально-экономических и общественно-политических преобразований страны, разработанную Президентом Исламом Каримовым на конец XX и начало XXI века, он за короткий период добился невиданных успехов, благодаря своему самоотверженному труду, мужеству и стойкости, своей устремленности и веры в торжество идеалов независимости.

В чем суть наших успехов? В стабильно высоких темпах роста экономики страны, сохранившихся даже в условиях жесточайшего мирового финансово-экономического кризиса. В кардинальных преобразованиях всех сторон нашей общественной жизни. В коренных, качественных преобразованиях всего облика страны, начиная от нашей прекрасной столицы и до самого отдаленного кишлака. В динамичном повышении уровня жизни населения, заработной платы, пенсий, стипендий и других пособий. И главное – в изменении сознания и мышления людей, их мировоззрения, в повышении нравственного потенциала общества.

В-третьих, наша уверенность базируется на высоком нравственном потенциале общества. Ничто не поднимает нравственный потенциал общества так высоко, как внимание к человеку, справедливость, постоянное обсуждение стоящих перед обществом проблем и путей их реализации на самых различных уровнях. Общество и государство тогда сильны, когда в центре их внимания находится человек, его заботы и потребности. Эта мысль была высказана Президентом Исламом Каримовым в его знаменитой книге «Узбекистан: свой путь обновления и прогресса». Она была закреплена в Конституции Республики Узбекистан. В статье 13 подчеркивается: **«Высшей ценностью является человек, его жизнь, свобода, честь, достоинство и другие неотъемлемые права».** И не просто человек, а всесторонне развитая, свободная личность, которая хорошо знает свои права, опирается на свои силы, имеет самостоятельный взгляд на происходящие вокруг нее события и активно участвует в общественной жизни. Сегодня, в преддверии выборов в Законодательную палату и местные Кенгаши народных депутатов, нелишне напомнить, что, какую бы сферу деятельности нашего народа мы ни взяли – экономику, сельское хозяйство, науку, образование здравоохранение, культуру, спорт, реалистически оценивая глубину их реформирования, нельзя не признать, что те факторы, которые расширяют социально-экономические возможности личности и всего народа, имеют не сиюминутный, а долговременный характер. И, как правило, в каждой из них наглядно видны забота о человеке, повышении его значимости в общественной жизни. Возьмите проблему занятости, успешно решая ее сегодня, государство не довольствуется достигнутым, а разрабатывает целостную программу на 2010 год, придав ей форму закона. В результате – человек получает работу, значит, обеспечивается материально, и из безработного превращается в реальную производительную силу.

В-четвертых, в том, что в наше время под влиянием широкого внедрения в социально-экономическую сферу новых и новейших достижений науки и техники, информационных и коммуникационных технологий повысилась образованность, общая и правовая культура нашего народа, меняется его профессиональная структура, растет число высококвалифицированных работников, число занятых в сфере услуг и сфере интеллектуального труда. Огромная забота в стране уделяется молодежи. Наша республика – одна из немногих стран, в которой все дети имеют доступ не только к начальному образованию, но и к получению среднего образования, которое у нас является всеобщим обязательным и бесплатным. И сегодня показатель грамотности населения страны составляет 99,3 процента. Это наилучший показатель не только среди стран СНГ, но и среди развитых государств Европы, Азии и Америки.

В-пятых, наша уверенность базируется на все возрастающей активности и повышении авторитета политических партий и общественных организаций. Особенно заметно возросла их роль в период глобальной человеческой беды – мирового финансово-экономического кризиса, в борьбе за реализацию разработанной Президентом страны Антикризисной программы. Объективно их роль и значение повышаются и в связи с вступлением нашей страны в период подготовки к выборам. Поскольку именно они выступают основной мобилизующей силой и дают проникнутые социальным оптимизмом ответы на коренные вопросы нашего поступательного развития. Сегодня все наши политические партии – подлинные выразители и стойкие защитники интересов государства и своего электората. Они превратились в важнейший инструмент повышения политической и деловой активности граждан, выразителя интересов и воли народа. Возросли значение и роль таких общественных организаций, как ОДМ «Камолот», Комитета женщин страны, фондов «Нуроний», «Махалля» и других.

В-шестых, наша уверенность базируется на богатстве земли. Богатство земли – это богатство народа. Природа щедрой рукой одарила нашу землю всем, что необходимо человеку для нормальной жизни. Благоприятный климат, плодоносящая земля, богатство недр ставит нашу страну в особое положение. Ее геостратегический потенциал, минерально-сырьевые ресурсы уникальны. На ее территории имеются все химические элементы таблицы Менделеева. По запасам золота республика занимает четвертое место в мире, по запасам урана и меди седьмое и десятое. Узбекистан обладает огромными запасами газа, нефти, угля, цветных металлов, строительных материалов, фосфоритов, кварца, различного рода солей и других полезных ископаемых. Наш общий минерально-сырьевой потенциал оценивается более чем в 3,3 триллиона долларов США. Это наше бесценное богатство, которое успешно ставится на службу народа и роста его благосостояния. Прибавьте к этому наши передовые позиции по производству хлопка, овощей, фруктов, другой продукции, и вы поймете, как прекрасна наша земля. Недавняя блистательная победа хлопкоробов Узбекистана, сдавших на государственный хирман 3 млн. 400 тыс. тонн «белого золота», явилась, как подчеркивает глава нашего государства, **«результатом самоотверженного труда опытных дехкан и фермеров, специалистов и механизаторов, всех сельских тружеников, внесших достойный вклад в эту победу».**

В-седьмых, наша уверенность базируется на все возрастающей мощи Вооруженных Сил. Только при этом условии возможно наше мирное строительство, уверенное продвижение вперед по пути обновления и прогресса. В наше неспокойное время Вооруженные Силы страны выступают залогом безопасности, стабильности страны, мира и спокойствия народа. Это обязывает военные кадры и весь личный состав мыслить и действовать в духе требований Верховного Главнокомандующего и времени, в котором мы живем. В этой связи выделим три важных момента, которые требуют к себе особого внимания.

Первый. На торжествах, посвященных 2200-летию Ташкента, глава нашего государства подчеркнул, что **«достигнутые нами успехи не должны порождать эйфорию и беспечность».** Это его замечание всецело относится и к Вооруженным Силам, и обязывает нас не снижать своих темпов в боевой учебе.

Второй. Выдвигая и реализуя захватывающие воображение экономические и социальные задачи, руководство республики не упускает из поля зрения вопросы духовности человека, его нравственного совершенствования. Отсюда и наша задача: свою повседневную деятельность строить так, чтобы каждый военнослужащий совершенствовался профессионально, качественно выполнял свои обязанности, и в то же время воспитывался гармонично развитым, честным, совестливым, трудолюбивым и беспредельно верным своей независимой Родине, народу и Президенту человеком, чтобы он обогащался духовно, совершенствовался как личность. Отсюда внимание к политической подготовке, морально-психологической закалке военнослужащего, ко всей воспитательной работе. Не забывать и о личном примере и индивидуальной работе. Нам важно научить солдата думать и творчески, с усердием, нести службу, любить и негодовать, терпеть и радоваться, шаг за шагом выковывать из него бойца, гражданина, человека высокой общей и правовой культуры.

Третий. Не упускать из внимания то, что прежде всего мы должны воспитать ответственного человека. Ответственного за судьбу своей независимой Родины, ее безопасность, за спокойствие и мирную жизнь нашего народа. От осознания личной ответственности каждого военнослужащего всецело зависит боеспособность Вооруженных Сил, их боевая готовность. Нам важно сформировать у военнослужащего государственный подход к боевой готовности и бдительности. Показать и доказать на фактах нашего 18-летнего независимого развития, что каждый наш военнослужащий, в том числе и рядовой солдат, лично приобщен к решению стратегических задач, что именно на него ложится вся тяжесть ответственности за судьбу независимости, мир и благополучие народа.

Во всей нашей работе должна быть заложена устремленность в будущее. Велик народ, который думает не только о сегодняшнем дне, но и устремлен в будущее. А устремленность нашего народа – в его кардинальных преобразованиях во имя нынешнего и будущих поколений, в его верности избранному курсу реформ, в его единстве и сплоченности **вокруг главной идеи, четко сформулированной Президентом Исламом Каримовым и воплощающей в себе все основные цели, задачи и приоритеты – построения правового, демократического государства, сильного гражданского общества, обретения достойного места в ряду развитых государств.** Военнослужащие Вооруженных Сил глубоко сознают эту общенациональную задачу и свою личную ответственность за безопасность страны и мирной жизни нашего народа. Они будут и впредь делать все для того, чтобы изо дня в день крепла обороноспособность нашей великой и независимой Родины, ее боевая мощь и боевая готовность Вооруженных Сил.

Анфим ХЛЫЗОВ.

МАШҒУЛОТ

ЮКСАК ТАЙЁРГАРЛИК – МУВАФФАҚИЯТНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Шу кунларда барча қисм ва бўлинмаларда янги ўқув йили машғулотлари кўтаринки суръатда давом этиб, ҳарбий хизматчилар соҳалари бўйича пухта билим олишга интилишяпти. Айниқса, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган йигитлар учун бу каби машғулотлар катта ҳаёт мактабини ўтамоқда. Вазифаларига кўра улар малакали офицер ва сержантлардан ҳарб илмининг сир-асрорини пухта ўзлаштириб, Ватаннинг муносиб посбони бўлишга ҳаракат қилишмоқда.



Айни дамда эса юрт ҳимоячилари жанговар шайликни янада ошириб, Қуролли Кучларимиз ташкил топганлигининг 18 йиллигини муносиб кутиб олишга интилишган. Албатта, юксак натижаларни қўлга киритиб, илғорлар сафидан жой олиш ва касб байрамларини жанговар ютуқлар билан қарши олиш посбонларимизнинг эзгу мақсадидир. Шу боисдан ҳам ҳозирда ўзларига юклатилган вазифани юракдан ҳис қилишиб, машғулотларни юксак савияда олиб боришяпти. Айниқса, дала-ўқув машғулотларига жиддий эътибор қаратишиб, маҳорат ва билимларини янада бойитиб, жанговар шайликни юксалтиришга бор диққатларини қаратишган.

Артиллериячилар қисмида бўлганимизда ҳам назарий ва амалий машғулотларнинг юксак савияда ўтказилаётганига гувоҳ бўлдик. Батарея ва гуруҳ командирлари қўл остидаги посбонларнинг ҳар томонлама тобланиб, пухта билимга эга бўлиб, тажриба ва маҳоратлари юксалиши йўлида режадаги машғулотларни кўргазмали воситалар ёрдамида олиб боришмоқда.

– Айни кунларда посбонларга артиллерия сабоқларини назарий ва амалий машғулотлар давомида мукаммал ўргатаяпмиз, – дейди дивизион командири офицер Фирдавс Умаров. – Бунинг учун барча шарт-шароитлар яратилган бўлиб, етарли моддий-ўқув базага эгамиз. Шунингдек, машғулотларга тажрибали офицер ва сержантлар тайёрлаш мактабида ўқиб, билим ва малакасини ошириб қайтган кичик командирларни жалб қилганмиз.

Дарҳақиқат, қисм ҳудудида тайёрланган артиллерия майдончасида посбонлар амалий машғулотларни ўтказишиб, яқинда бошланажак тўпчилар йиғинига пухта тайёргарлик кўришмоқда. Албатта, улар ўз олдиларига олий мақсад қўйишган, яъни йиғинда фаол иштирок этиб, ўзлаштирган билим ва маҳоратларини намойиш қилишиб, илғорлар сафидан жой олишни режалаштиришган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур ҳарбий қисм ўтган ўқув йили якуний синов натижаларига кўра, қўшин тури ўртасида «Энг илғор ҳарбий қисм» дея эътироф этилган. Бундан кўриниб турибдики, улар юқори тайёргарлик, маҳорат ва тажрибага эга. Шу кунларда ўтказилаётган дала-ўқув машғулотлари мобайнида барча вазифаларни мукаммал бажаришиб, ҳар бир посбоннинг соҳа сир-асрорларидан янада кўпроқ билимга маҳоратини тоблайди, тажрибасини оширади. Офицер Ф.Умаров етакчилигидаги тўпчилар дивизони янги ўқув йили режасидаги ҳамда йиғинга тайёргарлик жараёнидаги машғулотларни ўтказмоқда. Белгиланган ҳудудда ўз позицияларини эгаллаган посбонлар батарея командирлари бошчилигида жанговар вазифани бажаришга тайёрланишмоқда. Командир томонидан офицер Руслан Шодиев батареясига алоҳида топшириқ қўйилди. Унга кўра батарея шахсий таркиби денгиз сатҳидан 1200 метр баландликда жойлашган – ҳаракатдаги ва ҳаракат қилмаётган нишонларни яксон қилишлари лозим. Офицер гуруҳ ва тўп командирларини йиғиб, вазифани тушунтирди. Шундан сўнг гуруҳ командирлари билан биргаликда нишон жойлашган ҳудудни харита асосида ўрганиб чиқди ва керакли жойларга белги қўйди. Шахсий таркиб тайёргарлигини текширар экан, зарур топшириқ ва кўрсатмалар беришни ҳам унутмади. Офицер Баҳодир Ҳусанов берилган нишон бурчагини ва баландлигини аниқлаб, отишни бошқариш асбобида ишлаётган гуруҳ командири офицер Рустам Мансуровга маълумот берди. Гуруҳ командирининг буйруғи янгради:

– Нишон 54-65 бурчакда, 9,450 метр узоқликда жойлашган. Мўлжал 350, даража 30-18, асосий йўналиш айланасидан ўнгга 0-65, ўт оч!

Буйруқ янграши биланоқ мўлжалга олувчи оддий аскар Исроил Соипов нишонга ўт очди. Нишон яксон қилинди. Бу вазифани сержант Пардабой Ибрагимов командирлигидаги тўпчилар гуруҳи аъло даражада бажаришди.

– Қўл остимдаги посбонларнинг барчаси ўз вазифаларини жуда яхши билишади, – дейди кичик командир. – Ҳар қандай топшириқни ўз вақтида, аниқ бажариб ўргатишган. Шу сабабли дала-ўқув машғулотлари мобайнида ҳам белгиланган вазифани муваффақиятли бажардик.

Тўпчилар гуруҳида ўқловчи вазифасида хизмат қилаётган оддий аскар Мансур Эгамов хизмати мобайнида ўзини ҳар томонлама кўрсатиб, командирлар эътиборига тушган посбонлардан бири. У жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликларда ҳам, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўтказилаётган маданий-маърифий тадбирларда ҳам ҳамиша олдинги сафда ҳамда сафдошларига намуна бўлиб келмоқда. Муддатли ҳарбий хизмат унинг қалбида ҳарбийликдек шарафли касбга ҳавас уйғотди. Шу боис келажакда ҳарбий билим юртига ўқишга кириб, офицер сифатида Қуролли Кучларимиз сафларида фаолият юритишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бугунги нишонга отиш машқини бажаришда ҳам унинг ҳиссаси катта. Шунингдек, оддий аскарлар – Сардор Тошматов, Элнур Нурпўлатов, Зокир Мўминов, Нозим Камолиддинов, Фаррух Ҳодиев, Нуриддин Шерматовлар ҳам ўз вазифаларини пухта бажариб, топшириқнинг юқори натижалар билан бажарилишига муносиб ҳисса қўшдилар. Посбонларга офицерлар билан биргаликда сержантлар тайёрлаш мактабларида ўқиб, асл профессионаллар бўлиб шаклланаётган сержантлар – Фарҳод Тожибоев, Шерзод Раҳмонов, Умид Ҳакимов, Фарҳод Рўзиевлар ҳам юқори савияда билим бериб келишмоқда.

Қисм шахсий таркиби ўтказиладиган тўпчилар йиғинига жиддий тайёргарлик кўришгани машғулотлар давомида яққол билиниб турибди.

– Тайёргарлик давомида асосий этиборни тўп ва жанговар машиналарнинг шайлиги, созлиги ҳамда моддий-ўқув базанинг бутлигига қаратдик, – дейди батарея командири офицер Дилшод Турсунов. – Айни дамда қурол-яроғ ва техникани қишки шароитда фойдаланиш режимига ўтказиш ишларини муваффақиятли якунладик. Бу ишлар ҳам тайёргарлигимизга катта ёрдам берди. Ҳозирда эса шахсий таркибнинг амалий машғулотларда фаол иштирок этиб, соҳа билимларини пухта эгаллашларига ҳамда тажриба ва маҳоратларини юксалтиришларига улкан эътибор қаратганмиз.

Ҳа, жанговар шайлик, посбон маҳорати ва тажрибаси тинчлигимизни ишончли кафолатлайди. Буни чуқур ҳис этган тўпчилар шахсий таркиби машғулотларни юксак савияда ўтказиб, ўз билим ва кўникмаларини янада ошириб боришмоқда. Ишончимиз комилки, улар йиғинини муваффақиятли якунлашиб, бу йил ҳам илғорликни қўлдан чиқармасдан, улкан ютуқ ва натижалар билан Қуролли Кучларимиз ташкил топганлигининг 18 йиллигини муносиб кутиб олишади ва жанговар шайликни янада мустаҳкамлашади.





эга бўлишларига алоҳида эътибор қаратишган. Бу дала шароитида олиб борилаётган амалий машғулотларнинг юксак савияда ташкиллаштирилганидан ҳам кўриниб турибди.

– Ҳар бир ўтказилаётган машғулотдан посбонларнинг бирор-бир янги нарсани ўрганишларига, соҳаларининг профессионали бўлиб етишишларига асосий эътиборни қаратаяпмиз, – дейди батарея командири офицер Азиз Ғаффоров. – Айниқса, олдимизда айни дамда ўта масъулиятли дала-ўқув машғулоти турибди. Буни яхши англаган посбонларимиз бор имкониятларини ишга солиб, билим ва маҳоратларини мустаҳкамлашмоқда. Олдимизга қўйилган вазифани аъло даражада бажариб, ўтган ўқув йилида қўлга киритилган ютуқларни, илғорлик «эстафетаси»ни бой бермасликка ҳаракат қиламиз.

... Дала-ўқув машғулотлари ўтказиладиган майдон. Бу майдон посбонларни ҳақиқий синовдан ўтказиб, уларнинг

Кичик сержант Аҳрор ОЧИЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

МАЛАКА

СЕРГАК ПОСБОН – ЮРТГА ҚАЛҚОН

Она Ватанни ҳимоя қилиш, халқ фаровонлигини таъминлашдек масъулиятли вазифа эр йигитга ғурур ва ифтихор бағишлайди. Буни яхши англаган юрт ҳимоячилари сарҳадларимизда ҳамиша шай ва сергак туриб, бурчларини виждонан ўташмоқда.



Сарҳадларимизни ҳимоя қилиш посбондан катта масъулият, малака ва билим ҳамда ўта сезгирликни талаб қилади. Буни қоровуллик хизмати мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

... Техника паркида ўз вазифасини ўтаётган соқчи доимгидек ҳушёр ва сергак. Соқчи шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Самандар Ўринов пост ҳудудида белгиланган йўналиш бўйича ҳаракатланиб, вазифасини адо этмоқда. Ҳар бир товуш ёки шарпа унинг эътиборидан четда қолмайди. У қандайин масъулиятли вазифани бажараётганини яхши англайди. Шу боис йўналиш бўйлаб ҳаракатланар экан, имкон қадар сергак бўлишга интилмоқда. Шу пайт девор томондан эшитилган товуш соқчининг эътиборини тортди. Яқинлашиб борганида эса девор тагида ётган қутини кўрди. У англаб етдики, қути девор ортидан ичкарига атайлаб отилган. Соқчи тезда қоровул бошлиғига вазият ҳақида хабар берди. Посбон ишонч билан, аниқ ҳаракат қилди. Қоровул бошлиғи зудлик билан қисм навбатчисига соқчи берган ахборотни етказди ва қоровуллар билан биргаликда постга етиб келди. Юқори қўмондонликка бу ҳақида хабар берилди, низом талаблари асосида ҳаракат қилинди. Соқчининг сезгирлиги, ўз вазифасига виждонан ёндашгани ва низом қоидаларини яхши билгани содир бўлиши мумкин бўлган кўнгилсиз ҳодисанинг олдини олди. Соқчи шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Самандар Ўринов қоровул хизматини аъло тарзда ўтаганлиги, тезкор ва аниқ ҳаракати учун Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғи томонидан Фахрий ёрлиқ билан тақдирланди.

– Қоровулларни танлашда уларнинг руҳий ҳолатига ҳам чуқур эътибор қаратамиз, – дейди қоровул бошлиғи офицер Антон Сон. – Улар низом талабларини яхши билиши, ҳар қандай ҳолатда ўзини йўқотмасдан тез ва аниқ ҳаракат қилиши керак. Шуни инобатга олган ҳолда, қоровулга посбонларни танлашдан олдин улар билан тайёргарлик машғулотлари ўтказилади.

– Қоровулга тушишдан олдин посбонлар уч босқичдан ўтишади, – дейди офицер Бектимир Раббимов. – Биринчи босқичда уларни саралаб оламиз. Бунда посбоннинг жисмоний, руҳий ва маънавий жиҳатларига эътибор қаратамиз. Иккинчи босқичда саралаб олинганлар билан қоровулларни тайёрлаш хонасида назарий машғулот олиб борамиз. Учинчи босқичда қоровуллар шаҳарчасида жанговар қуролдан фойдаланиш, қўл жанги машқлари, ёнғин содир бўлганда ишлатиладиган асбоб ва ёнғинга қарши воситаларни ишлатиш, постда алмашиш, ҳаракат қилиш, қай ҳолларда қуролни ишлатиш каби машқларни амалий тарзда ўтамиз. Бу машғулотлар қоровуллар шаҳарчасида тажрибали офицерлар томонидан олиб борилади. Машқларни юксак савияда ўтказиш учун шаҳарчада низом талаблари асосида барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган.

Ҳа, сергаклик ва ҳушёрлик аскар қуроли. Бу бежизга эмас, албатта. Туну кун постда сергак турган соқчи ўз вазифасини низом қоидалари асосида, сидқидилдан бажарса, юрт осойишта, фуқаро эса тинч ухлайди.

Қоровулхонага кирар эканмиз, тартибли, озода хоналар диққатимизни тортди. Қоровулларнинг дам олишлари, овқатланишлари учун зарур шароитлар яратилган. Дам олиш хонасида шашка, шахмат, шунингдек, газета ва журналлар тартиб билан жойлаштирилган. Қоровулхона олдида турган соқчи низом қоидаларига амал қилган ҳолда қоровул бошлиғига келаётганлар ҳақида ахборот бериб турибди. Бу посбонларнинг қоровул хизмати қоидаларини жуда яхши ва пухта ўзлаштирганликларини кўрсатади.

– Мен анча йиллардан буён шартнома бўйича хизмат қилиб келаяпман, – дейди қоровул бошлиғи ёрдамчиси сержант Анвар Юнусов. – Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб юрган кезларимда ҳам кўп бора қоровулга тушганман. Қоровул ва соқчининг вазифаларини яхши биламан. Шундай бўлса ҳам қоровулга тушишдан олдин низом қоидаларини ўқиб, билимимни янада бойитиб бораяпман.

... Қоровул бошлиғининг «Қоровул қуроллан, постда ёнғин» деган буйруғи янгради. Қоровуллар тезкорлик ва аниқлик билан қуролларини олиб, каска ва ўқ ўтишидан сақловчи воситаларни кийиб, ёнғинга қарши восита ва жиҳозларни олишиб, тартиб бўйича сафга тизилишди ва қоровул бошлиғининг кўрсатмаси асосида тегишли вазифани бажаришга киришди.

Қоровулхонада дам олувчи қоровуллар билан бу каби ўқув машғулотлари кўп бора ўтказилиб турилади. Шунинг учун ҳам ҳар бир қоровул ва соқчи бундай ҳолатларда қандай ҳаракат қилиш лозимлигини жуда яхши билади.

Қоровул бошлиғининг таъкидлашича, кичик сержантлар – Дониёр Юнусов, Ўрал Боймуродов, Даврон Дониёров, Икром Тошев, шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Рустам Полвонов кабилар қоровул хизматини аъло тарзда ўтаётган посбонлардан ҳисобланишади.

Қоровул бошлиғининг ёрдамчиси сержант А.Юнусов навбатдаги қоровулларнинг постга бориш учун тайёргарлик кўришларини айтди. Қоровуллар ўз вазифаларини ўташга шай бўлганларида қоровул бошлиғи яна бир бор уларга соқчининг вазифаси ва мажбуриятлари ҳақида эслатиб ўтди. Шундан сўнг улар қоровул бошлиғининг назорати остида қуролларини ўқладилар.

Ёрдамчи саф олдида ҳаракат қилиб, қоровулларни пост томон олиб кетди. Улардаги ўзларига бўлган ишончни, қатъиятни ҳис қилар эканмиз, юртимиз тинчлиги, осойишталиги ишончли қўлларда эканлигига яна бир бор амин бўлдик.

Кичик сержант Нозим ШУКУРУЛЛАЕВ.
Муаллиф суратга олган.

МАРДЛАР ИЧРА ЎЗ ЎРНИ БОР

Бугун миллий армиямизда офицерларнинг энг яқин кўмакчилари бўлган кичик командирларга катта эътибор қаратилаётгани барчага маълум. Улар ҳам ўз навбатида бундай эътиборни юксак қадрлаб, аъло ва намунали хизматлари билан оқлашга интилмоқдалар. Ана шундай посбонлардан бири кичик сержант Муроджон Шариповдир. У ҳақида командири офицер Анваржон Эгамқулов шундай дейди:

– Интизомли, касб сирларини мукаммал эгаллаган, билимли посбонларимиздан бири. Ҳар томонлама сафдошларига ўрнак бўлиб келмоқда. У каби йигитлар ҳарбий жамоанинг ҳамиша етакчилар сафида бўлишини таъминлайдилар.

Дарҳақиқат, Муроджон ҳар қандай вазиятда ҳам берилган топшириқларни бекаму кўст уддалаб келади. Бундан ташқари тажрибали ҳайдовчи сифатида ўз ёрдамини сафдошларидан аямайди. Жамоада кўпчиликнинг ҳурматини қозонишига сабаб ҳам унинг ана шундай беминнат ёрдамини ҳеч кимдан аямаслигида бўлса керак.

У Чуст шаҳрида ўсиб-улғайган. Туғилиб ўсган маҳалласида ҳам уни барча ҳурмат қилади. Ёшлар у каби шарафли касб эгаси бўлишга интиладилар. Муроджон ҳарбий хизматга қадар тумандаги иккинчи касб-ҳунар коллежида таҳсил олган. Ўқишдан ажралмаган ҳолда Чуст спорт мактабида ҳам ишлаган. Мазкур мактабда эркин кураш сирларидан болаларга сабоқ берган. Унинг ўзи ҳам спорт устасига номзод.

Ёш бўлишига қарамасдан болалар кўнглига маҳорат билан йўл топа олди. Шуни мамнуният билан айтиш мумкинки, унинг шогирдлари орасида шарафли касбни танлаганлари ҳам талайгина. Шогирдлар ичида алоҳида иқтидор эгаси бўлган Нозимбек, Умиджонлар айни кунда олий ҳарбий билим юртларида таҳсил олишмоқда. Бундан спорт мактабининг собиқ мураббийи ҳам беҳад мамнун.

Муддатли ҳарбий хизмат унинг ҳаётида муҳим аҳамият касб этди. Айнан шу даврда у ўз ҳаётини армия билан боғлашга аҳд қилди. Жисмонан бақувват, дунёқараши кенг, яхши тарбия кўрган аскар йигитнинг бу қарорини командирлари ҳам қўллаб-қувватлаганлари табиий. Муроджон каби йигитлар миллий армиямизнинг суянчи ва таянчи деган юксак эътирофни ҳар томонлама оқлай оладилар.

Орадан қарийб ўн йилга яқин фурсат ўтди. Ўтган йиллар давомида жанговар санъат сирларини, ҳарб илмини мукаммал эгаллади. Тажрибали посбон сифатида эътибор қозонди. Айни кунда Қуролли Кучларимизнинг энг илғор кичик командирларидан бири сифатида тилга олинади. Унинг фидокорона хизматлари қисм қўмондонлиги томонидан бир неча бор рағбатлантирилди. Булар ўз навбатида кичик сержант Муроджон Шариповни янада сидқидилдан хизмат қилишга руҳлантирди.

– Биз посбонларга яратилган шарт-шароитлар ҳамиша сидқидилдан хизмат қилишга ундаб туради, – дейди мақоламиз қаҳрамони. – Менга спорт билан шуғулланиш жуда ёқади. Бу борада яратилган қулайликлардан барчамиз хурсандмиз. Ҳар бир посбоннинг севимли спорт тури бор ҳамда шуғулланишлари учун ҳам имконият мавжуд. Ҳарбий хизматни спортсиз тасаввур қила олмайман.

Мана, бир неча йилдирки, у сафдошлари кичик сержантлар Берик Абдукаримов, Суннатилло Мамадалиевлар билан елкама-елка туриб хизмат қилиб келмоқда. Ҳа, уларнинг ҳар бири улуғ мақсад билан шарафли бурчларини садоқат билан ўтамоқдалар.

Юксак савияда ташкиллаштирилган ўқув машғулотлари жанговар шайликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Назорат-синов машғулотларида посбонлар эришган муваффақият, юқори кўрсаткичлар ўтган ўқув машғулотларининг савияси талаблар даражасида эканлигини яққол намойиш этди. Муроджоннинг жанговар машинаси шу пайтгача бирор марта ҳам панд бермаган. Бунда албатта, ўзига ишониб топширилган жанговар техникани асраб-авайлаб, носозлик юз бермаслиги учун олдиндан эҳтиёт чораларини қўллаши сабабдир.

Шу кунларда қишки тайёргарлик ишлари ҳам ниҳоясига етказилди. Кичик сержант Шарипов ҳам ўзига бириктирилган жанговар техникани қишки шароитда фойдаланиш учун шай ҳолатга келтирди. Шундан ҳам кўринниб турибдики, у ҳамиша ўз бурчига масъулият билан ёндашиб, шарафли вазифасини шараф-ла ўтаб келмоқда.

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

МАҲОРАТ

Ватан мукофотига сазовор бўлганлар

ЮРТ ҚАДРЛАР, МАРД ЎҒЛОНЛАРИНИ

Катта сержант Маннон Бадалбоев муддатли ҳарбий хизматни ўтаб юрган чоғидаёқ келгусида ҳарбийлик касбини танлашни мақсад қилган эди. У муддатли ҳарбий хизматдан сўнг коллежда ўқиб ўрта махсус маълумотга эга бўлди. Шундан кейин бор диққат-эътиборини орзусини амалга оширишга қаратди. Бунинг учун анча изланди, жисмонан чиниқди, маънан камол топди. Натижада у Қоровул қўшинларига қарашли ҳарбий қисмда шартнома асосида хизматини бошлади.

– Бу кун ҳаётимдаги энг қувончли онлардан бири бўлиб қолган, – дейди лавҳамиз қаҳрамони. – Чунки муддатли ҳарбий хизмат қалбимда ҳарбийлик касбига ҳавас уйғотиб, юрт посбони бўлишдек шарафли ишга иштиёқимни оширди. Шу сабаб, орзуимга эришиш мақсадида бор имкониятларимни ишга солиб, ҳаракат қилдим. Мана, Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётганимга ҳам йигирма йилга яқинлашиб қолди. Шу вақт мобайнида соҳам бўйича билимларни пухта ўзлаштириб, қўл остимдагиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга интилаяпман.

Қаҳрамонимиз ҳарбийликка кучли ҳавас ва қизиқиш билан кириб келганлиги боис қисқа фурсат ичида ўзини ҳар томонлама кўрсатиб, командирлар эътиборига тушди, сафдошлари ҳурматига сазовор бўлди. Ҳозирда катта сержант Бадалбоев катта йўриқчи вазифасида хизмат қилиб, аскарларни она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаб, уларнинг комил инсон бўлиб камол топишларида муносиб ҳисса қўшиб келаяпти. Тарбиявий ишларни юксак савияда ташкиллаштирганлиги натижасида взвод ўтган ўқув йили якуний натижасига кўра қисмда илғорлар сафидан жой эгаллади.

Сафдошлари катта сержантлар Темур Қурбонов ва Бахтиёр Бобомуродовлар унинг эришган ютуқлардан доимо хурсанд бўлишиб, фахрланиб юришади.

Офицер Улуғбек Юсупов катта сержант М. Бадалбоев ҳақида гап кетганда, «Маннон ҳарбий қисмимизнинг фахри, энг илғор кичик командирларимиздан бири», – дейди фахр билан.

Профессионаллик сари дадил одимлаётган ўғлоннинг юрт тинчлиги, осойишталигини асрашдаги хизматлари юксак баҳоланиб, яқинда, яъни ички ишлар идоралари ходимлари куни муносабати билан Президентимиз Фармонига кўра «Содиқ хизматлари учун» медали билан тақдирланди.

– Қайси соҳада бўлмасин юртимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлашда ўз ҳиссаларини қўшиб келаётган юртдошларимизнинг камтарона меҳнатлари ҳукуматимиз раҳбарияти томонидан муносиб тақдирланиб келинмоқда. Ички ишлар идоралари ходимлари куни байрами арафасида мукофотланганлар орасида менинг ҳам борлигим қалбимни фахрифтихорга тўлдирди. Бу эътибор менга янада масъулият юклайди. Осойишталигимизни таъминлаш йўлидаги муҳим ишларга руҳлантиради, – дейди қаҳрамонимиз биз билан суҳбатда.

Маннон нафақат ҳарбий хизматда ҳурмат топган, балки оилада ҳам меҳрибон ота ва оила бошлиғи сифатида қадрли инсон. Турмуш ўртоғи Лобархон билан қизлари Диёра, Маржона ва Севинчларни тарбиялаб, вояга етказишмоқда. Кичик командирнинг бундан кейин ҳам қатор ютуқларга эришиб, кўрсатилган юксак эътиборни шараф билан оқлашига ишонамиз.

Катта сержант Баҳриддин ЛУТФУЛЛАЕВ.



В ТЕСНОМ ВЗАИМОДЕЙСТВИИ



Как отметил в своем Обращении, посвященном 17-летию образования Вооруженных Сил Узбекистана, Президент Республики Узбекистан Ислам Каримов: «Ни для кого не секрет, что военно-политическая ситуация в Центральноазиатском регионе в связи с продолжающейся вот уже 30 лет войной в Афганистане и активизацией за последнее время террористической и экстремистской деятельности, все более расширяющимися масштабами наркоагрессии продолжает оставаться напряженной».

Усилия штабов родов войск и видов Вооруженных Сил, как указывал Президент, должны быть направлены на обеспечение тесного взаимодействия по своевременному выявлению и прикрытию уязвимых мест в системе обороны страны, охраны государственной границы, которыми могут воспользоваться деструктивные силы, диверсионно-террористические группы для совершения преступных акций.

Анализ современных войн и военных конфликтов показывает, что сегодня Вооруженные Силы должны быть готовы прежде всего к ведению совместных действий всех силовых ведомств. Эффективное противодействие незаконным вооруженным формированиям и диверсионно-террористическим группам возможно только при привлечении подразделений всех силовых структур. Ведь экстремисты и террористы могут использовать самые различные формы и методы осуществления вооруженных акций, направленных на нанесение существенного ущерба экономике, объектам жизнеобеспечения страны, жизни и здоровью ни в чем не повинных людей.

На основе всесторонне продуманной Программы реформирования армии, глубокого изучения внешних и внутренних вызовов и угроз безопасности в нашей стране сформирована принципиально новая система построения и управления Вооруженными Силами, создан связанный единой целью и задачами оборонный комплекс страны. В ходе совместных занятий и учений наработан солидный опыт совместных действий, который приносит свои плоды.

Так, на недавних совместных учениях Памятным знаком начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил Республики Узбекистан был награжден начальник пограничного подразделения лейтенант Акмаль Перметов. Эта награда – свидетельство успешной совместной работы подразделений Министерства обороны и Пограничных войск по обеспечению надежности границ независимого Узбекистана.

Владимир КАЛОШИН.

Для вас, офицеры-артиллеристы!

ЗАДАЧИ ЗАКЛЮЧИТЕЛЬНОЙ 8-Й СЕРИИ

ЗАДАЧА № 1

Стрельба ведется по ДЗОС, размеры которого по фронту 6 м и в глубину 5 м. Определить процент попадания в ДЗОС, если Вд=30 м, Вб=4 м и средняя траектория проходит через центр ДЗОС.

ЗАДАЧА № 2

Подавить укрытую живую силу противника, цель 101-я, батареей 122-мм гаубиц Д-30 (шестиорудийного состава), позывной «Град». Дтц=7020 м, Диц=6800 м. Доворот цели исчисленный ОН левее 1–20. уровень 30–04, Дк=2800 м. ПС=2–90, ОП слева, заряд полный, Фц=0–40. (пристрелка по НЗР на рикошетах).

Наблюдения:

1. Л 30, воздушный;
2. Л 10, воздушный;
3. П2, минус;
4. плюс;
5. Л6, плюс;
6. П7, все недолеты, Фр 0–50, преобладание воздушных;
7. Цель подавленна.

ЗАДАЧА № 3

Определить длину колонны противника, если измерена дальность до колонны с помощью дальномера 1200 м. С помощью компаса определены азимуты до левого и правого края колонны 237 градусов и 255 градусов.

ЗАДАЧА № 4

Вычислить координаты точки Р, если координаты точки АХ=73114 У=20330 точки ВХ=69985,2 У=23982,2 угол А=33 градуса 08,1 минута, угол Р=29 градусов 21,4 минуты.

Расстояние между точками АР=8709.

ОТВЕТЫ НА ЗАДАЧИ 7-Й СЕРИИ

ЗАДАЧА № 1

Срединная ошибка среднего результата равна 10 м.

ЗАДАЧА № 2

1. Удлинение зарядных камор орудий после сострела 1-го орудия 23 мм; 2-го орудия 41 мм; 3-го орудия 15 мм; 4-го орудия 14 мм.

2. Отклонение начальной скорости снарядов из-за свойств партии зарядов 1-го орудия –0,5%; 2-го орудия –0,8%; 3-го орудия –0,5%; 4-го орудия –0,8%.

3. Среднее значение отклонения начальной скорости снарядов из-за свойств партии зарядов –0,7.

4. Для каждого орудия уточненное значение отклонения начальной скорости снарядов из-за износа канала ствола 1-го орудия –0,9%; 2-го орудия –2,1%; 3-го орудия –0,6%; 4-го орудия –0,8% и уточняющую поправку к данным ПЗК 1-го орудия +0,2%; 2-го орудия –0,1%; 3-го орудия +0,2%; 4-го орудия –0,1%.

5. Поправка на разнобой орудий батареи относительно основного орудия 1-го орудия +1,2%; 2-го орудия 0; 3-го орудия +1,5%; 4-го орудия +1,3%.

ЗАДАЧА № 3

Длина маршрута на местности без учета поправочного коэффициента составляет 264 км. Фактическая протяженность маршрута составляет 303,6км. Время, затраченное колонной на преодоление маршрута, 8 часов 40 минут.

ЗАДАЧА № 4

«Лочин». Обслужить пристрелку цели 101-й, дирекционный 47–78, дальность 4150, Полетное – 33.

1. Стрелять батарее, цель 101-я, пехота укрытая, взрыватель фугасный. Заряд второй. Прицел исчисленный 451, уровень 30–04, доворот исчисленный +1–77, веер 0–06. Основному 1 снаряд. Огонь. «Лочин» засечь 1 разрыв. Выстрел.

2. Прицел 478, +0–04. Огонь. «Лочин» засечь 1 разрыв. Выстрел.

3. Прицел 493, +0–06, скачок 7, по 2 снаряда беглым. Огонь. «Лочин» засечь центр группы разрывов. Выстрел.

4. Прицел 511, -0–04, батарее по 4 снаряда беглым. Огонь. «Лочин» засечь центр группы разрывов. Выстрел.

5. Батарея стой. Записать цель 101-я, пехота укрытая, расход 110.

Верность долгу

ОТ РЯДОВОГО ДО ПОЛКОВНИКА

Стремителен бег времени... Кажется, что-то значимое или интересное в жизни человека только что произошло, а, оказывается, на деле прошли уже месяцы, годы. У людей, посвятивших свою жизнь военной службе, время, которое они порой и не замечают, проходит еще быстрее, потому что они постоянно в делах и заботах. И вдруг... наступает (у большинства, как правило, неожиданно) момент ухода человека на заслуженный отдых.

На днях такое время настало и для заместителя командира одной из частей Караульных войск МВД полковника Попова Николая Михайловича, отдавшего воинской службе более тридцати лет.

Профессионал военного дела, умелый организатор боевой службы, обучения и воспитания личного состава, офицер, до тонкостей знающий и умеющий организовать боевую учебу военнослужащих различных категорий, требовательный и заботливый командир – таково единодушное мнение многих офицеров и военнослужащих по контракту, хорошо знающие его.

– Он многому научил меня, – говорит офицер В. Холим-зада. – Как правильно планировать боевую подготовку, составлять расписание занятий, писать конспекты, методически верно проводить занятия, эффективно использовать учебно-материальную базу. И даже, когда я стал служить в другой части, в необходимых случаях обращался к нему за советом и всегда получал нужную помощь.

Для Николая Попова воинская служба началась тридцать два года назад, когда после окончания средней школы он был призван в армию. После года солдатской службы, которая пришлась ему по душе, Николай успешно сдает вступительные экзамены и поступает в Ташкентское высшее общевойсковое командное училище.

Офицерская служба Н. Попова проходила далеко от отчего дома: был командиром взвода, начальником штаба батальона, командиром батальона в мотострелковых частях. После обретения Узбекистаном независимости он возвратился в родные места и был назначен командиром батальона Внутренних войск МВД. А завершил службу заместителем командира части Караульных войск.

Высокое старание и трудолюбие Николая Михайловича, приобретенные им знания и накопленный за годы службы практический опыт, помогали ему всегда успешно выполнять возложенные служебные обязанности, правильно организовывать и проводить командирскую подготовку офицеров и боевую учебу военнослужащих, командно-штабные учения, тренировки, показные занятия.

Конечно, еще долго ему будет сниться воинская служба, но он, безусловно, не останется в стороне от своего воинского коллектива, от тех, с кем служил многие годы. И как ветеран, обладающий богатейшим опытом воинской службы, будет оказывать необходимую помощь и принимать участие в обучении и патриотическом воспитании воинов.

Николай ЧУРСИНОВ.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

ҲАЁТ ГЎЗАЛ ЭЗГУЛИК БИЛАН

Ўз касбига меҳр қўйган, касбим – фахрим, дегувчи инсонлар орамизда кўплаб топилади. Ҳаёти давомида ҳаммага яхшилик ва эзгулик нурини улашувчи, бошқалар ҳаёти учун жавобгарлик, бурч ва масъулиятни муҳим вазифа дея ҳис эта олувчи инсонлар одатда, ана шундай эътирофни тез-тез таъкидлашади. Бундай шарафли касб эгалари қаторига биринчилардан бўлиб шифокор ва ҳамшираларни келтириш жоиз бўлса керак.



Қаҳрамонимиз Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий поликлиникаси физиотерапия бўлими катта ҳамшираси – олий тоифали ҳамшира Алла Бўронова ўз соҳасининг устаси бўлган малакали тиббиёт ходимларидан бири. У узоқ йиллардан бери ушбу жамоада хизмат қилиб, беморлар дардига шифо улашиб келаяпти. Одатда, ўз соҳасида узоқ йиллар фаолият кўрсатаётган инсонларни касб билимдони дея тан олишади. Мақоламиз қаҳрамони ҳам ўттан вақт давомида ҳамшираликнинг ўзига хос вазифа ва бурчларини маҳорат билан ўзлаштириб ана шундай номга сазовор бўлганлардан. Буни ҳаттоки, у билан елкама-елка туриб фаолият юритаётган касбдошлари ҳам таъкидлашади. Уларнинг сўзларига бир қулоқ тутиб кўринг-а.

– Алла Бўронова билан кўп йиллардан буён хизмат қилиб келамиз, – дейди биз билан суҳбатда Дилафрўз Рашидова – У ўзига бириктирилган вазифани астойдил бажарадиган, фидойи, ўзгалар соғлиғи учун жавобгарлик ҳиссини устун қўядиган талабчан ҳамшираларимиздан бири. Шу боисдан ҳам жамоа орасида ўз ўрнига эга. Тўғрисини айтганда, инсон яхши фазилатлар эгаси бўлсагина ўзгалар орасида ҳурмат ва обрўга сазовор бўлади. У шу кунга қадар жамоадаги ёш ҳамшираларга йўл-йўриқ кўрсатиб, билмаганини ўргатиб, устозлик қилиб келаяпти. Чунки бошқаларнинг ҳам ўзи каби малакага эга бўлишини истайди. У бизнинг фахримиз.

– Алла опани ўз касбининг билимдони сифатида жуда ҳурмат қиламиз, – дейди Раъно Кулбаева. – Бир жамоада хизмат қилаётганимга кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин инсоннинг қандайлигини билиш учун бир сониянинг ўзи кифоя қилади, дейишади. Шу боисдан ҳам мен ушбу жамоада фаолият юритаётган илк кунимданоқ унинг ҳар томонлама билимдон, шижоатли, ғайратли аёл эканлигини кашф қилганман. Алла опа жуда жонкуяр ҳамшира. Бу эса касбдошларига ўрнак бўларли фазилатларининг энг муҳими, деб ўйлайман. Зеро, қилинаётган самарали меҳнат ҳам кишини юксакликка олиб чиқади.

Алла Бўронованинг ҳамширалик касбини ардоқлаб, бу касбда садоқат билан хизмат қилаётганига ўн тўрт йилдан ошиқ вақт бўлди. Ўн тўрт йил... Бу йиллар давомида инсон ниманаларга эришиши мумкин. Кимнингдир бу вақт ичида фарзанди камол топиб, балоғат ёшига қадам қўяди. Кимдир умр пиллапояларидан юксак орзулари сари кўтарилади. Чамалаб кўрдингизми, ўтган ўн тўрт йиллик умрнинг ҳисобини. Қаҳрамонимиз ҳам ҳар доим ўтган умрини сарҳисоб қилиб кўради. У нималарга эришди? Нимани топди-ю, нимани йўқотди? Қувонарлиси, у инсон учун энг қадрли бўлган нарсаларга эришди. Оила қурди, фарзандли бўлди, обрў эътибор топди, ҳурмат топди... Бугун фарзандлари балоғат ёшида.


Орадан шунча вақт ўтган бўлса-да, Алла опа илк иш фаолиятини бошлаган ўша ҳаяжонли кунларни худди кечагидек ёдга олади.

– Илк фаолиятимни болалар шифохонасида бошлаганман. Эндигина тиббиёт билим юртини тамомлаб келган ёш ва тажрибасиз қиз учун бу даргоҳ катта тажриба мактаби бўлди, десам янглишмайман. 1995 йилдан бери эса ҳарбийлар саломатлигини сақлаш йўлида хизмат қилиб келаяпман. Ҳарбий жамоада фаолият юритаётган дастлабки кунларда юрагимда бириктирилган вазифанинг уддасидан чиқа оламанми, деган ҳадик бор эди. Чунки ўзгалар саломатлигига жавобгарлик масъулияти ҳар доим сиздан вазифангизга талабчанлик билан ёндашишни талаб этади. Устозлар ўгити, улар кўрсатган йўл-йўриқлар, қўллаб-қувватлашлар эндигина иш бошлаган ҳар бир соҳа киши учун мадад бўлар экан. Менда ҳам шундай бўлди. Ушбу масъулиятли вазифанинг уддасидан чиқишимда ёрдам берган жамоамни миннатдорлик билан эслайман. Иш фаолиятимнинг дастлабки кунларида олган ўгитлар бутун фаолиятим давомида менга дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Биласизми, касбига чексиз меҳр қўйган инсон учун соҳа қийинчиликлари кўзга кўринмайди. Шу боисдан ҳам вазифамни мароқ билан бажараман. Посбонлар соғлиғини сақлашда озгина бўлса-да ўз ҳиссамни қўшаётганимдан хурсандман. Чунки улар бизнинг тинчлигимиз, осойишталигимиз қўриқчилари. Посбонлар соғсаломат бўлса, тинчлигимиз мустаҳкам бўлади, элда хотиржамлик ҳукм суради.

Ҳаётни эзгулик билан гўзал дейишади. Мен унга қўшимча қилиб, ҳаёт эзгулик ва ўзгаларга эзгулик улашаётган инсонлар билан гўзал дегим келди. Ҳа, ҳаёт бир-биримизга илинган яхшилигимиз, кўрсатган оқибатимиз билан ширин ва мароқли. Шундагина умрнинг қадрига етади инсон. Ниятимиз, одамлар бир-бирини асраб- авайлашни, бир-бирига ҳурмат ва иззат кўрсатишни билишсин. Тан-сиҳатлик, тотли меҳр-муҳаббат ҳар бир инсон ҳаётининг мазмунига айлансин.

Гулнора МУРОДОВА.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

ОТА КАСБИНИ ДАВОМ ЭТТИРИБ



Эътибор берган бўлсангиз болалар учун оталарининг касби барча касбларнинг аълоси сифатида қадрлидир. Бу ҳолат кўплаб болалар каби ёш Сайдуллога ҳам хос. Унинг ота касбига қизиқиши болалик ҳаваси бўлибгина қолмай бугунги кунда кўпчилик ўртасида ҳурмат-эътибор қозонишига ҳам сабаб бўлди. Бу қандай касб экан, дейсизми? Оддийгина, аммо ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайдиган – ошпазлик.

Кичик сержант Сайдулло Ботировнинг Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётганига ҳам ўн йилга яқинлашиб қолди. Бу анчагина салмоқли фурсат. Айни кунда уни тажрибали ошпаз сифатида кўпчилик яхши билади.

Биз юқорида ошпазлик унга ота касб эканлиги ҳақида айтиб ўтган эдик. Дарҳақиқат, посбон йигитнинг отаси уста ошпаз Ботир акани Асака туманида танимайдиган одам кам топилса керак. Сайдулло ҳам ота изидан бориб кам бўлмади. У ҳарбий хизматга қадар Хонобод озиқ-овқат билим юртида таҳсил олди. Бу ерда олган сабоқлари ҳарбий хизматда ҳам унга анчагина қўл келди. Муддатли ҳарбий хизмат давомида унинг маълумоти эътиборга олиниб, кичик мутахассислар тайёрлаш курсига ўқишга юборилди. Ёш аскарда аввалдан ошпазлик маҳорати шаклланиб келгани боис қисқа ўқув жараёнида посбонларга хизмат кўрсатишни ҳам тезда ўзлаштириб олди.

У муддатли ҳарбий хизматдан сўнг бирмунча вақт бошқа соҳада фаолият юритди. Бу иш бироз енгилроқ, масъулияти ҳам камроқ бўлса-да йигитни қониқтирмади. У ҳарбий хизматни шартнома асосида давом эттиришга аҳд қилди. Армия ҳаёти қанчалик мураккаб бўлмасин, Сайдуллони ўзига оҳанрабо каби тортарди.

Унинг маҳорати, тажрибасига тан берсалар-да, у ўз устида тинимсиз ишлаш ва изланишдан тўхтаган эмас. Мана бир неча йилдирки, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик муҳандислик билим юртида ошпазлар малакасини ошириш курси фаолият юритиб келмоқда. Посбонларга хизмат кўрсатиш оддий хўрандаларга хизмат кўрсатишдан тубдан фарқ қилади, албатта. Айниқса, дала-ўқув машғулотлари жараёнида хизмат кўрсатиш ошпаздан юксак тайёргарлик ва алоҳида маҳорат талаб қилади. Бу ерда ана шундай хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва янада такомиллаштириш сирлари ўргатилади. Шунингдек, турли тантаналар, байрамлар ҳарбий хизматчилар учун ҳам бегона эмас. Ана шундай кунлар учун чиройли дастурхонлар ясатиш, дастурхонга байрамона тус бера олиш ошпазнинг билим ва маҳоратига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, ошпазлар қисқа малака ошириш курсида ҳар қандай шароитда ҳам юксак савияда хизмат кўрсатиш маҳоратини эгаллайдилар. Кичик сержант Сайдулло Ботиров ҳам ана шу таълим даргоҳида малакасини оширган.

Бугунги кундаги хизмат фаолиятида ана шу даргоҳда олган сабоқлари акс этиб туради. У ошпазлик ишида энг муҳим ҳисобланган тозаликка алоҳида эътибор беради. Келинг, у тайёрлаган мазали таомлар, хизмат кўрсатиш маданияти, маҳорати ҳақида посбонлар гапирсин.

Сержант Лазиз РАҲМОНОВ:

– Бугун посбон дастурхони сабзавот, полиз маҳсулотлари, мева-чевалар билан янада бойиган. Айниқса, миллий таомлар тайёрлашнинг йўлга қўйилгани айни муддао бўлди. Миллий таомлар тайёрлашда ошпазимиз кичик сержант Сайдулло Ботировнинг олдига тушадигани топилмаса керак.

Сержант Қобил ЭРГАШЕВ:

– Турли тантаналар, байрамлар муносабати билан ёзиладиган дастурхонлар кишини завқлантириб юборади. Бундай ишларнинг ташкилотчиси ҳам, ижрочиси ҳам ошпаз Сайдулло Ботиров бўлади. Унинг юксак дид ва фаросатга йўғрилган хизматидан барчамиз мамнунмиз.

Ҳа, посбон йигит ўз ҳунарининг орқасидан барчанинг кўнглига йўл топиб келмоқда. Унинг моҳирона хизматидан ҳамма мамнун. Эндиликда унинг ҳам шогирдлари бор. Кичик сержант Таалайбек Мирзабеков, шартнома бўйича хизмат оддий аскари Жонибек Шарипов, Қуролли Кучлар хизматчиси Маъруфжон Сатторовлар ундан мазкур ҳунар сирларини ўрганиб, ўз жамоаларида эътибор топмоқдалар. Мазали, тўйимли миллий таомлар тайёрлашда устозларидан ўзишга интилмоқдалар.

– Отамнинг касбини танлаганимдан ҳеч қачон афсусланмайман, – дейди кичик сержант Сайдулло Ботиров. – Бу касб кишидан ўз ишига ижодкорона ёндашишни талаб қилади. Мен тайёрлаган таомлар посбонларга ёқса, миннатдор бўлганларини эшитсам янада руҳланиб кетаман, ўз ишимга янада завқ билан киришиб кетаман.

Касбини меҳр билан давом эттираётган посбон йигитнинг саъй-ҳаракатлари эътироф этилиб, бир неча бор қисм қўмондонлиги томонидан рағбатлантирилди. Табийки, бундай эътирофлар унинг кучига куч қўшиб, янада масъулият ва ғайрат билан ишлашга даъват этиб туради.

Назокат НОДИРШОҲОВА.

МУВАФФАҚИЯТ ВА РЕЖАЛАР

Куз йиғим-терим палласи. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш бўлинмалари ҳам мўл ҳосил жамғардилар. Қарийб барча бўлинмалар белгиланган режани ортиғи билан бажардилар. Бу борада Шарқий ҳарбий округи қишлоқ хўжалиги бўлими миришкорлари етакчилик қилдилар. Бу ерда ўндан зиёд бўлинмалар фаолият кўрсатади. Ҳар бирида ўз ишининг устаси бўлган, ер илмини чуқур билган инсонлар меҳнат қилишади.

– Барча ишлар пухта ўйланган режа асосида амалга оширилди, – дейди округ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш бўлимининг бошлиғи, Қуролли Кучлар хизматчиси Толиб Раҳмонов. – Деҳқончиликнинг ҳам ўзига яраша мураккаб томонлари кўп. Табиат инжиқликларини енгиб ўтишга тўғри келади. Миришкорларимиз деҳқончилик маҳсулотларининг бир неча ўнлаб турларини етиштирдилар. Аскар дастурхонининг сервитамин сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан янада бойишига катта ҳисса қўшдилар. Фақат шу билан чегараланиб қолмасдан байрамлар арафасида ҳарбий шаҳарчаларда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ярмаркалари ташкил қилинди. Бундан шаҳарчалар аҳолиси ҳам мамнун бўлдилар.

Ҳа, кейинги йилларда ички таъминот бўлинмаларининг фаолияти сезиларли даражада яхшиланди. Мазкур бўлинмалар фаолиятининг яхшиланиши ҳарбий хизматчилар ва оилаларининг яшаш даражасини янада ўсишига ҳисса қўшиши шубҳасиз.

Юқорида айтиб ўтилганидек ташкил қилинган қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотлари ярмаркаларида маҳсулотлар бозор нархидан ўттиз фоиз арзонлаштирилган баҳоларда ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларига сотилди. Бунда маҳсулотларнинг сифатига ҳам катта эътибор берилди.

Жорий йилда ўтган йиллардагига қараганда анча мўл ҳосил етиштирилди. Бу албатта, ўз-ўзидан бўлиб қолган эмас. Эрта баҳордан ишларнинг тўғри тақсимланганлиги, пухта режалар тузилганлиги, бўлинмаларда деҳқончилик илмини чуқур билган фидойиларнинг фаолият юритаётганлиги ана шундай ютуқлар омили бўлди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш хизмати ички таъминот бўлинмаларида айни кунларда ҳам ишлар қизғин. Экинлардан бўшаган далаларни кейинги йил учун тайёрлаш, чорва моллари қишлаши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, аскар дастурхонида қишда ҳам ёздагидек сабзавот маҳсулотлари бўлиши учун иссиқхоналар ишини тўғри йўлга қўйиш каби юмушлар айни кунниинг талабидир.

2009 йилни муваффақият билан якунлаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш хизмати яна бир қатор вазифаларни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Булар келажакда боғдорчилик маҳсулотлари учун кичик цехлар барпо этиш, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сутни қайта ишловчи кичик корхоналар фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқдир. Ҳа, ҳали олдинда ҳал қилиниши, бажарилиши лозим бўлган вазифалар талайгина. Жорий йилнинг муваффақиятли якуни кейинги йилларнинг бундан-да ютуқларга бой бўлишига асос бўлаверади, деб умид қиламиз.

Назокат ЗАКАРИЁЕВА.

КОНСТИТУЦИЯ

ИСТИҚЛОЛНИНГ, ОСОЙИШТАЛИКНИНГ ИШОНЧЛИ КАФОЛАТИ

«Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади».
(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 125-модда).

Давлатчиликда ўз эрки, озодлигини ҳимоя қилолмайдиган миллат кимгадир итоат этиш, бўйин эгишга мажбур бўлиши билан боғлиқ ҳақиқат бор. Биз ўз кучимиз, қудратимизга таяниб, ўзимиз истаган жамиятни қуриш, ҳеч кимга қарам бўлмаслик ҳуқуқини қўлга киритган эканмиз, табиийки бу ҳуқуқимизни ҳимоялашимиз лозим эди. Ахир, истиқлолга эришган дастлабки кунларданоқ Ватанимизни кўз қорачиғидек асраш, ҳар қандай хавф-хатарни бартараф этишга тайёр туриш, ёвуз ният билан кўз олайтирадиганларга зарба бериш учун қудратли Қуролли Кучларга эга бўлиш заруратини ҳаётнинг ўзи олдимизга қўйди.

Президентимиз Ислом Каримов «Миллат бор экан, миллий давлат бор экан, унинг мустақиллиги ва эркинлигига, анъана ва урф-одатларига таҳдид соладиган, уни ўз таъсирига олиш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш, унинг бойликларидан ўз манфаати йўлида фойдаланишга қаратилган интилиш ва ҳаракатлар доимий хавф сифатида сақланиб қолиши муқаррар», дейди. Демакки, биз орзу, ниятларимизни, танлаган йўлимизни, миллий ғоямиз, миллий истиқлол ғоямизни ҳимоялашимиз лозим, дегани бу.

Бугун дунё хавфсизлигига икки қутблилик ёки икки улкан мафкуранинг беаёв курашидек таҳдид соя ташламаяпти. Аммо жаҳон саҳнига янги-янги можаролар «балқиб» чиқди. Тарихий, этник, сиёсий, диний ва бошқа сабабларга эга бўлган можаролар кескинлашди. Бундайин кескинлик минтақавий барқарорлигимиз, миллий хавфсизлигимизга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Негаки, ҳар қандай можаро, у миллий, минтақавий доирада бўладими муайян чегаралар доирасида қолиб кетмаслиги аниқ.

Мустақиллигимизнинг илк онлариданоқ Президентимиз раҳнамолигида миллий армиямизни тузишга, шакллантиришга ҳаракат қилинди. Давлатимиз, давлатчилигимиз, тузумимизни ҳимоя қилиш учун ўз Қуролли Кучларимизни шакллантиришга эътибор қаратдик.

Миллий армиямиз шаклланувининг салкам 18 йиллик даврида улкан довонларни ортда қолдирдик. Бу борадаги ислоҳотлар ҳам ўзимизга хос ва мос йўлимиз борлигини кўрсатди. Келинг, яхшиси сўнгги йиллардаги айрим янгиланишлардан сўз очайлик.

Бир йилча муқаддам, аниқроғи 2008 йил 20 ноябрида Президентимизнинг «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Яхши биламиз, мазкур муҳим ҳужжат аввало фуқароларни Қуролли Кучларда муддатли ҳарбий хизматга йилига бир марта – февраль-март ойларида чақириш, белгиланган муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари захирасига март-апрель ойларида бўшатиш армияга чақиришнинг совет тизимидан қолган одатига таянган мавжуд амалиётини янгилади. Қолаверса, Фармон асосида муддатли ҳарбий хизматни ўташ даврида ҳарбий хизматчиларнинг жанговар тайёргарлик дастурларини, ҳарбий ихтисосликларни сифатли ўзлаштириб олишини, шунингдек, ахборот-компьютер технологияларига асосланган таълимнинг замонавий шакл ва услубларини кенг жорий этишни, муддатли ҳарбий хизматдаги ҳарбий хизматчиларни, сафарбарлик чақируви захираси хизматчиларини жисмоний ва маънавий камол топтиришга, уларда Ватанга муҳаббат ва унинг ҳимоясига шай туриш руҳига асосланган мукаммал характерни, қатъий ҳаётий дунёқарашни шакллантиришга йўналтирилган маънавий-ахлоқий ҳамда ватанпарварлик тарбияси тизимининг самарадорлигини янада оширишни таъминлашга эътибор қаратилди.

Қолаверса, мудофаа ишлари бошқармалари чақирув пунктлари, қўшинлар ўқув пунктлари инфратузилмасини такомиллаштириш, уларни моддий-техник ашёлар, тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш, Қуролли Кучларни замонавий талабларга мос кийим-кечак ва озиқ-овқат билан таъминлаш масалаларини ҳал этишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширишдек муҳим вазифалар ҳам Фармонда белгилаб берилгандики, бу муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Ана шу мисолнинг ўзидан ҳам кўриниб турибдики, миллий армиямизни ислоҳ қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз Қуролли Кучларимизни халқимизнинг, миллатимизнинг минг йиллар давомида шаклланган асл қиёфаси, азалий қадриятлари ва хислатларини ўзида мужассам этиб, матонатнинг, садоқатнинг, демакки, ватанпарварликнинг мактабига айлантиришга қаратилган.

Бугун бунинг самарасини Қуролли Кучларимизнинг жанговар куч ва имкониятлари сезиларли даражада ошиб, армиямизнинг қиёфаси тубдан ўзгарганида, Ватан ҳимоячиси бўлиш том маънода шон-шараф ишига айланганида кўрар экансиз, кўнгилда фахр, ғурур туйғулари жўш уради.

Подполковник А. САФАРОВ.

САЛОҲИЯТЛИ ВА ЕТУК ПОСБОНЛАР

«Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда кўрсатилган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар».
Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 52-моддаси.

Ватан осойишталигини асраш, уни ҳимоя қилиш шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир фуқаронинг зиммасидаги юксак вазифа саналади. Ҳар бир ўғлон муддатли ҳарбий хизматни адо этаркан, аввало Ватани ва халқи олдидаги ана шу юксак конституциявий бурчини адо этади. Бундан у ҳам фахр-ифтихор туяди, ҳам ўзи учун керакли кўпгина ҳаётий билимларни олади. Зеро эр йигитнинг камолга етишида армия ўзига хос шаклланиш босқичи, ҳаёт мактаби саналади. Бу ерда ёшларимиз нафақат ҳарбий билимларни, балки кенг ҳаётий билимларни ҳам пухта ўрганишаётгани, дунёқарашлари кенгайиб, Ватан тақдирига масъул инсонлар сифатида камолга етаётгани ҳам ҳақиқатдир. Қуйида ана шундай етук салоҳиятли посбонлар – муддатли ҳарбий хизматни қўриқлаш взводи таркибида ўтаётган илғор аскарлар хизмат фаолиятлари ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

...Вақт ярим кечадан ошиб, қоронғулик қуюқлашган пайт. Кун бўйи ўқиш, иш, бунёдкорлик, ижод ва изланишлар билан банд бўлган юртдошларимиз ором оғушида. Фақатгина сарҳадларимиз дахлсизлиги ва ҳудудий яхлитлигимизни кўз қорачиғидай асраш ҳамда ана шу осуда ҳаёт бардавомлигини таъминлашга масъул ҳарбий хизматчилар ўз постларида ҳушёр туришибди. Белгиланган ҳудуд ҳамда муҳим ҳарбий объектларни қўриқлашга масъул кичик сержант Жамол Турсунов бошлиқ муддатли ҳарбий хизматчилар гуруҳи ҳам ана шундай тарзда ўз вазифаларини адо этишмоқда. Постларни текшириб юрган кичик сержант Турсунов ҳудуд хавфсизлигига масъул посбонлар қаршисида тўхтади. Оддий аскар Мансур Мамадувалиев гуруҳ командирига вазият юзасидан белгиланган тартибда ахборот бераркан, кўнгилсиз ҳодиса юз бермаганини таъкидлади.

– Ҳар дам ана шундай ҳушёр ва огоҳ бўлсаларингиз, кўнгилсиз ҳодисалар асло юз бермайди, – деди кичик сержант посбонларнинг ўз вазифаларига сифатли ёндашишларидан қувониб. Кейин эса аскарларга қоровуллик хизмати тартиб-қоидалари ҳақида қисқача тушунтиришлар бериб, навбатдаги объектларда қўриқчилик қилаётган посбонлардан хабар олгани кетди.

Бу ерда ҳам хизмат кўнгилдагидек олиб борилмоқда. Посбонлар ўзларига бириктирилган объектларда сергаклик билан қўриқчилик қилаяптилар. Буни белгиланган ҳудуддаги осойишталик ва омборхоналар эшикларидаги муҳрларнинг бузилмагани ҳам кўрсатиб турарди.

Шу тариқа жанговар навбатчилик мукаммал адо этилди. Бу ҳол посбонларнинг ўз вазифаларини яхши билишларини ва Умумҳарбий низомлар талабларини пухта ўрганганликларини, шунингдек, Ҳарбий қасамёдга содиқликларини, хизматга юксак иштиёқ билан келиб, уни сифатли ўтаётганликларини англатади.

– Аскарларимизда интилиш ва иштиёқ жуда кучли, – дейди кичик сержант Комил Исанов. – Улар орасида келажакда ҳарбий соҳада фаолият юритишни истаётганлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Бу ўринда ҳарбий хизмат жозибаси, қатъий тартиб-интизом, юксак салоҳият ва ҳамиша жанговар шайлик каби ўзига хос томонлар шунқорлар қалбида соҳага ҳавас уйғотаётганини эътироф этишимиз мумкин. Шунингдек, кўплаб аскарлар хизматни аъло натижалар билан якунлаганларга бериладиган тавсияномани қўлга киритиб, келажакда олий ўқув юртларида таҳсил олишни ва шу билан юртимиз ривожига ўз ҳиссаларини қўшишни кўзлаган. Бу ҳол уларнинг мустақил фикрга эгаликларини ва улкан мақсадларни кўзлаб, унга интилиб яшаётганликларини кўрсатади. Взводимиз илғорларидан бўлган муддатли ҳарбий хизматчилар Мансур Мамадувалиев, Астонқул Алиназаров, Ўлмасбек Буважонов, Бекзод Мамажонов, Қодирхон Назиров ва Ғайрат Алижоновлар ана шундайлар сирасидандир. Улар машғулотларда ҳамиша фаол ва тиришқоқ, шунингдек, зиммаларидаги вазифани сифатли адо этишлари билан ҳам барча сафдошларига ўрнак бўлиб келишмоқда.

– Мен муддатли ҳарбий хизматни адо этиб, кейин шартнома асосида хизматда қолмоқчиман, – дейди оддий аскар Ўлмасбек Буважонов. – Муддатли ҳарбий хизматни адо этиш давомида бу соҳага қизиқишим ошди. Бу соҳада асл мардлар, Ватан тақдирига масъул чинакам фидойи инсонлар фаолият юритишини билиб олдим ва ўзим ҳам улар каби юрт корига камарбаста бўлмоқчиман. Зеро эр йигит учун бундан ҳам улуғроқ ва шарафлироқ касб бўлмаса керак.

– Мен ҳам ҳаётимда ҳарбий хизмат муҳим ўрин тутишига ишонаман, – дейди оддий аскар Астонқул Алиназаров. – Армиядан сўнг Тошкент ахборот технологиялари университетининг Фарғона филиалига ўқишга кириш ниятим. Шу боис ҳозир тинмай билим ва малакамни ошириб келмоқдаман. Бунинг учун қисмимизда шароит ва имкониятлар етарли. Ҳарб илми сабоқларини мавсумий ўқув машғулотларида маҳоратли офицерлар Отабек Абдураҳмонов, Асрор Мамараупов ҳамда сержантлар Жамол Турсунов, Комил Исанов кабилардан ўрганаяпмиз. Менга айниқса, ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотлари кўпроқ ёқади. Билим ва малакамизни оширадиган интеллектуал ўйинлар, турли мусобақалар эса ҳар жиҳатдан шаклланишимизда асқотмоқда.

Ҳа, бугун сафларда ана шундай мард ва жасур, фидойи ва салоҳиятли ўғлонлар хизмат қилишаяпти. Ёшларимизнинг ҳарбий хизматга пухта кўрик-танлов ҳамда чуқур синовлар асосида қабул қилиниши ана шундай юксак натижаларга эришишда муҳим омил бўлмоқда.

Капитан Ёшин ҲАКИМОВ.
«Ватанпарвар» мухбири.
Муаллиф суратга олган.









КОНСТИТУЦИЯ

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ БОШ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади.

(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 17-модда)

Мамлакат мустақиллиги нима? У қандай пойдевор асосига қурилади?

Мустақиллик, аввало, ҳуқуқдир. Халқнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи.

Давлат мустақиллиги, мамлакат суверенитетининг асосий рамзларидан бири бўлган Конституция ана шундай ҳуқуқларнинг асосидир.

Конституциямиз мамлакатни тараққий эттириш, аҳоли фаровонлигини ошириш баробарида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни қарор топтириш ва ривожлантиришга оид ҳуқуқларимизни рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда.

Бугун Ўзбекистон 124 давлат билан дипломатия муносабатларини ўрнатган. Тошкентда 42 мамлакатнинг элчихонаси, йигирмага яқин халқаро ташкилот ва молиявий муассаса ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Хорижий давлатларда, халқаро ташкилотлар ҳузурида Ўзбекистоннинг 46 дипломатик ва консуллик ваколатхоналари очилган. Мамлакатимиз БМТ, ШҲТ, МДҲ, Ислом конференцияси ташкилоти каби ўнлаб халқаро ва минтақавий тузилмаларга аъзо. Давлатимизнинг Европа Иттифоқи, НАТО, АСЕАН, Араб давлатлари лигаси каби тузилмалар билан ҳамкорлиги ривожланмоқда.

Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин, деб таъкидланган мамлакатимиз Конституциясининг 17- моддасида.

Ўзбекистон ташқи сиёсати миллий манфаатларнинг устуворлиги, халқаро ҳуқуқ меъёрларига риоя этиш, баҳсли масалаларни тинч йўл билан ҳал қилиш тамойилларига асосланади. Хорижий давлатлар билан ҳамкорликни ўзаро ишонч, ҳурмат, тенглик, манфаатдорлик тамойиллари асосига қуради. Бу тамойилларга қатъий содиқлик, шунингдек, дунё миқёсида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, халқаро гуманитар-маданий ҳамкорликни ривожлантириш, экологик муаммоларнинг олдини олиш борасидаги саъй-ҳаракатлари боис бугун мамлакатимиз жаҳон сиёсат майдонидаги муҳим субъектлардан бирига айланди.

Аввало, Президент Ислом Каримов мустақилликнинг илк йилларида БМТ минбаридан туриб, дунё аҳлининг эътиборини Афғонистон можароси ва Орол муаммосига қаратганини таъкидлаш жоиз. Мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Афғонистонга қўшни давлатлар ҳамда Россия ва АҚШдан иборат «6+2» мулоқот гуруҳи тузилди, Марказий Осиё давлатлари иштирокида Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсис этилди.

Ҳозир дунёда сиёсий ва экологик вазият шиддат билан ўзгармоқда. Мамлакатимиз раҳбари НАТОнинг 2008 йилги Бухарест саммитида Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича «6+2» мулоқот гуруҳини унга Шимолий Атлантика альянсини қўшган ҳолда «6+3» мулоқот гуруҳига айлантириш таклифини илгари сурди. Бу таклиф кўплаб мамлакатларда қизғин кутиб олинди. Айни пайтда Ўзбекистон ҳудуди орқали Афғонистондаги халқаро коалиция кучлари учун ноҳарбий ва гуманитар юклар ташилмоқда.

2008 йили БМТ Бош ассамблеясида Оролни қутқариш халқаро жамғармасига кузатувчи мақоми берилди. Бу эса жамғарманинг глобал миқёсда фаолият кўрсатиши учун янги имкониятлар очди. Оролни қутқариш халқаро жамғармасига эътибор кучайгани туфайли Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, турли халқаро ташкилотлар ва айрим мамлакатларнинг фаол ёрдами ва иштирокида Оролбўйи аҳолиси генофондига хавф солаётган нохуш вазиятни соғломлаштириш бўйича қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ўтган йили ушбу муаммога бағишлаб пойтахтимизда ўтказилган халқаро конференцияда Тошкент декларацияси ҳамда Орол ҳалокатининг оғир оқибатларини юмшатиш учун умумий қиймати қарийб 1,5 миллиард АҚШ долларига тенг бир неча лойиҳани ўзида мужассам этган ҳаракат режаси қабул қилинди.

Ўзбекистон раҳбарининг халқаро майдонда қизғин кутиб олинган ташаббусларидан яна бири Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш ғояси бўлди. 2006 йил 8 сентябрда Қозоғистоннинг Семипалатинск шаҳрида минтақамизнинг беш мамлакати томонидан шу тўғридаги шартнома имзоланди, жорий йилнинг 21 мартида ушбу ҳужжат кучга кирди. Ядро қуролидан холи зоналар Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартнома доирасида барпо этилади ва мазкур шартномани ҳаётга татбиқ этишнинг асосий механизмларидан бири саналади. Ўзбекистоннинг ташаббуси билан Марказий Осиё давлатлари глобал ядровий хавфсизликни таъминлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Минтақамиз мамлакатлари ядро қуролини ишлаб чиқариш, харид қилиш ва жойлаштиришни тақиқлаш мажбуриятини ўз зиммасига олди.

Ўзбекистон наркотикларнинг ноқонуний савдосига қарши курашнинг ҳам фаол иштирокчиларидан. Мамлакатимизда «қора дори» етиштириш, наркотик моддалар ва психотроп воситаларни ғайриқонуний равишда ишлаб чиқариш, сақлаш, сотиш қонун билан тақиқланган. Ўзбекистон БМТнинг бу борадаги конвенцияларига қўшилган ва ўз мажбуриятларини изчил бажариб келмоқда. Мамлакатимиз вакиллари кўплаб халқаро операцияларда муваффақиятли иштирок этмоқда.

Хорижий давлатлар билан ҳамкорлик борасида Ўзбекистон, аввало, МДҲ мамлакатлари билан алоқалар кўламини кенгайтираётганини таъкидлаш жоиз. Зеро, муайян минтақанинг тинчлиги, хавфсиз ва барқарор бўлиши шу минтақанинг фаровонлиги, ундаги интеграция жараёнларининг нечоғли чуқур ва фаоллигига боғлиқдир. Айни пайтда Европа, Америка, Жанубий-Шарқий Осиё, Осиё-Тинч океани минтақаси ва араб дунёси билан муносабатларимиз ривожланмоқда. Европада ҳам, Осиёда ҳам, уммон ортида ҳам Ўзбекистон билан муносабатларни стратегик шериклик даражасига кўтариш тўғрисида ҳужжат имзолаган давлатлар талайгина.

Мамлакатимизнинг халқаро миқёсда гуманитар-маданий ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлари диққатга сазовор. Қатор тарихий шаҳарларимиздаги меъморий обидалар, аждодларимиздан қолган ёзма ва оғзаки ижодий мерос ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси дурдоналари рўйхатига киритилган. Бу халқаро ҳамжамиятнинг ўзбек халқининг миллий-маданий қадриятларига ҳурмати ва айни пайтда бундай қадриятларни тиклаш, асраб-авайлаш, ўрганиш, тарғиб этиш, келгуси авлодларга етказиш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларга берилган муносиб баҳодир.

Ўзбекистон раҳбарига кўплаб мамлакатлар нуфузли олий ўқув юртларининг фахрий доктори унвони берилган. Бу эътибор – юртимизда ёш авлод таълим-тарбиясини яхшилаш, фарзандларимизни ҳар томонлама камол топган шахс этиб вояга етказиш йўлида Ислом Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган ислоҳотлар, хусусан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, "Таълим тўғрисида"ги қонун самараларининг халқаро эътирофи.

Бугунги мустақил ҳаётимиз билан эски тузум давридаги турмушимизни халқаро муносабатлар нуқтаи назаридан қиёсласак, осмон билан ерча фарқ борлиги намоён бўлади. У замонлар «халқаро муносабатлар» тушунчасининг ўзи биз учун ғоят мавҳум эди.

Чет эл сафарини олайлик. Биргина мисол: самолёт Тошкентдан Деҳлига икки соатда етиб боради. Лекин Деҳлига бориш учун аввал тўрт соат Москвага учиш керак эди. Ўёқда визани расмийлаштириб, Москва–Деҳли самолётига чиқиларди. Энг мантиқсиз жиҳати шуки, бу самолёт Тошкентда тўхтаб ўтарди ва йўловчилар техник хизмат тугагунга қадар салонда азият чекишга мажбур бўларди. Умуман олганда, чет эл сафарини орзу ҳам қилиб бўлмасди. Нари борса, Болгария ёки Венгрияни кўрганлар коннотга учгандек, ҳаммани оғзига қаратиб юрарди. Ундан ортиғи хаёлот эди. Бугун дунёнинг исталган мамлакатига бориб келиш одатий ҳол бўлиб қолди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг замонавий самолётлари Афина, Бангкок, Дубай, Деҳли, Франкфурт, Куала-Лумпур, Лондон, Нью-Йорк, Токио, Осака, Париж, Пекин, Рим, Сеул, Истанбул, Тель-Авив, Шаржа ва бошқа ўнлаб йирик шаҳарларга парвоз қилмоқда. Буюк Британия, Вьетнам, Германия, Греция, Ҳиндистон, Исроил, Италия, Хитой, Жанубий Корея, Латвия, Малайзия, Бирлашган Араб Амирликлари, Покистон ва Саудия Арабистони сингари кўплаб мамлакатларда авиакомпаниямизнинг ваколатхоналари очилган.

Тарихан жуда қисқа давр – 18 йил давомида эришган ютуқларимизнинг барчаси учун Конституциямиз бош ҳуқуқий асосдир. 17 йил аввал қабул қилинган Бош қомусимиз бизни янги-янги зафарлар сари чорлаб, янги эзгу ва хайрли ғоялар билан илҳомлантираверади.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Сўраган экансиз

САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИДА

Сайловчилар ўртасида ташвиқот ишларини олиб борганда масаланинг қонун билан тақиқланадиган жиҳатлари ҳам бўладими?

Катта лейтенант
Х. БОБОМУРОДОВ.

Саволга «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 27-моддасидан жавоб топиш мумкин. Унда жумладан шундай ёзилган:

«Сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади.

Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади. Оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби Марказий сайлов комиссияси томонидан сиёсий партиялар билан келишилган ҳолда белгиланади. Сайловчиларнинг йиғилишлари сиёсий партиялар томонидан мустақил равишда ўтказилади. Сайловчиларнинг йиғилишлари ўтказиладиган жой ва вақт, қоида тариқасида, участка сайлов комиссиялари билан келишиб олинади. Маҳаллий ҳокимият органлари ва жамоат бирлашмалари, шунингдек, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари депутатликка номзодларга йиғилишлар ўтказиш учун жиҳозланган хоналар ажратишлари, уларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказишни ташкил этишда, зарур маълумот ва ахборот материалларини олишда ёрдам кўрсатишлари шарт. Йиғилишлар ва учрашувларнинг ўтказиладиган жой ҳамда вақти ҳақида сайловчиларга олдиндан хабар қилинади.

Сиёсий партияларга ўзининг келгуси фаолият дастури билан чиқиш ҳуқуқи берилади.

Ташвиқотнинг сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматлари бундан мустасно), шунингдек, пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб борилиши тақиқланади. Сайлов куни ташвиқот юритишга йўл қўйилмайди».

НОМЗОДНИНГ ИШОНЧЛИ ВАКИЛИ

Депутатликка номзоднинг нечтагача ишончли вакили бўлиши мумкин?

Кичик сержант
Н. НОРМАМАТОВ.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 28-моддасида депутатликка номзод ўн нафарга қадар ишончли вакилга эга бўлиши мумкинлиги белгиланган.

Шуни айтиш лозимки, ишончли вакиллар номзод депутат этиб сайланиши учун ташвиқот юритадилар, давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг органлари, сайловчилар билан ўзаро муносабатларда, шунингдек, сайлов комиссияларида номзоднинг манфаатларини ҳимоя қиладилар.

Депутатликка номзод рўйхатга олинганидан кейин ўз ишончли вакилларини ўзи белгилайди ва бу ҳақда округ сайлов комиссиясига маълум қилади. Сайлов комиссияси ишончли вакилларни рўйхатга олади ва уларга гувоҳнома беради.

Депутатликка номзод округ сайлов комиссиясига маълум қилган ҳолда сайловга қадар ўз ишончли вакилини истаган вақтда ваколатидан маҳрум қилиши ва уни бошқаси билан алмаштириши мумкин. Ишончли вакил истаган вақтда ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилишга ҳақли.

Ишончли вакил сайлов комиссиясига аъзо бўлиши мумкин эмас.

Саволларга адлия подполковниги
Б. МИРМАҲМУДОВ жавоб берди.

ТУРМУШ ЧОРРАҲАСИ

ЮРАККА КЎМИЛГАН МУҲАББАТ



Кексалик енгиб, ҳолсиз бўлиб қолган Ҳанифа момо мана уч кундирки, ёстиқдан бош кўтаргани йўқ. Қўшни маҳаллага тушган қизи Арофат опа онасининг аҳволини эшитиб, дарҳол етиб келди. Саксонга бориб қолган кекса онахон ҳаётининг сўнгги кунларини яшаётганлигини ҳис қилиб турарди. Шу сабабли қизини ёнига чақириб, васиятини аста-секинлик ила айта бошлади:

– Қизим, қазойим етганга ўхшайди. Ҳаётда кўп азоб тортганим учун бу қадар узоқ умр кўраман, деб ўйламагандим.

– Онажон, ёмон ният қилмасангиз-чи. Кексалигингиз учун бир оз толиққансиз. Дори-дармон қилсак, ҳаммаси ўтиб кетади, – унинг сўзини бўлиб, сочларини силади Арофат опа. – Ҳали акамда, менда қанча невара тўйлар турибди. Ҳаммасига ўзингиз бош бўласиз.

– Айтганинг келсин, илоҳим. Шундай бўлса ҳам сўзимга қулоқ сол, – меҳрибончилик ила куюниб гапираётган қизининг юзига термулди момо ва чуқур нафас ростлаганча, қуруқшаган лаблари билан дилидагини ёрди:

– Сандиқни очсанг, ўнг бурчагида атлас қийиққа тугилган қизил ғижим бахмал бор. Ўшани сўнгги манзилимга кетаётганимда тобутим устига ёпинглар. Шу гапим асло ёдингдан кўтарилмасин.

Арофат опа онасининг гапидан сергак тортди. Унга сандиқ ичидаги нарсалар ёд бўлиб кетган. Чунки бу латта-путталарнинг кўпларини унинг ўзи момонинг илтимоси билан бозордан олиб келган. «Оламдан ўтганимдан кейин расм-русумларимга ишлатасизлар», дея йиғиб қўйган бу матоларни у неча бор тахлаб, тартибга солган. Қизиқ, онаси бу қизил ғижим бахмални қачон, қаердан олди экан? Ахир унинг ҳар битта ҳаракатидан хабардор эди-ку. Ёки акасининг хотини Маҳбуба опа олиб келиб берганмикан? Арофат опа мана шундай ўйлар гирдобида онасининг имоси билан сандиқ устини кўрпалардан бўшатиб, уни очди. Атрофига ранго-ранг ипак билан қуюқ қилиб гул тикилган атлас тугунчани ҳайрат билан қўлига олди. Қийиқнинг ўзгача услубда тикилган ипак гуллари унинг узоқ йиллар асралганидан, тўғрироғи, чевар момоларнинг қўли текканидан дарак бериб турарди. Тугунчани ечган заҳоти оловдек ловуллаб турган қизил бахмал кўзга ташланди.

Қизининг ҳаракатларини кузатиб ётган Ҳанифа момо бахмалга нигоҳи тушган заҳоти чиройи очилди. Уни қўллари билан силагиси келди. Савол назари билан ҳайратомуз тикилиб турган жигарпорасининг нима демоқчи эканлигини ҳис қилдию, хаёллар гирдобига чўкди...

Уруш тугаган дастлабки йиллар. Фашизм балосига қарши қишлоқдан фронтга отланган йигитларнинг аксарият қисми ортга қайтмади. Қайтганларининг ҳам кўплари ногирон. Ҳанифанинг дадаси Икромжон ака эса жанг суронларида дом-дараксиз йўқолди. Кимсан Зарифбой ҳожидек юртга таниқли инсоннинг катта хонадони шу тариқа таназзулга юз тутди. Яъни шўролар даврининг қатағон йилларида диний ва дунёвий илм соҳиби бўлган Зарифбой ҳожи истибдод зулмининг қурбонига айланган бўлса, катта хонадоннинг ёлғиз умиди Икромжон ака уруш майдонларида хат-хабарсиз узлатга чекинди. Ҳувиллаган кенг ҳовлида Ҳожар хола икки қизи – Ҳанифа ва Ҳувайдо билан ёлғиз қолди. Қатағон давридаги тала-тўп йилларда ҳовлидаги ҳашаматли иморатларга шўро аскарлари ўт қўйиб, култепага айлантиргани сабаб, хонадон аҳли пастқамгина қурилган икки хонали уйда истиқомат қилишарди.

Уруш тугаган бўлса-да, юртдан ҳали унинг заҳми кетмаган. Қишлоқ аҳли ночорликда умр кечирар, Ҳанифаларнинг оиласи ҳам эплаб кун кўришарди. Шу орада ўн беш ёшли синглиси Ҳувайдо бедаво дардга чалиндию ҳаётдан бевақт кўз юмди. Ўн битта ўғил-қиз кўриб, тўққиз нафарини тупроққа қўйган Ҳожар хола эрининг айрилиғидан сўнг бу қайғуга дош беролмади, беҳуш аёлга айланди. Катта ҳовли, рўзғор ва онани эплаш Ҳанифанинг зиммасига юкланди. У ўшанда ўн саккиз ёшда эди. Шунингдек, ўз навбатида колхознинг энг илғор ишчиси ҳам эди. Уй юмушларини тинчитиб, онасини овқатлантириб, тонг саҳардан далага отланган қиз тушликда онаси қошига етиб келар, унга ғамхўрлик кўрсатарди. Ҳожар хола эса аслига қайтай демас, ҳамон ўзининг девона дунёси билан яшарди.

Бу орада унинг тенгқурлари бирин-кетин турмушга чиқа бошлашди. Оқ юзли, қомати тик, қош-кўзлари қора, хушрўй Ҳанифани ҳам яқин-йироқдан сўраганлар бўлди. Аммо оилавий шароити сабаб, унга уйланиб, онасига ҳам ғамхўрлик қилувчи бирорта мард топилмасди.

Шундай кунлардан бирида... Пахта эгатида берилиб чопиқ қилаётган қиз «Ҳорманг, синглим», деган товушдан сергак тортиб, қад ростлади. Новчадан келган, буғдойранг, қошкўзлари қуюқ, истарали йигит ёнида колхоз раиси ва бригада бошлиғи билан унга яқинлашишди.

– Чарчамаяпсанми, қизим? Пахта чопиғида ҳам илғорликни қўлдан бермаётганлигинг кўриниб турибди. Қара, дугоналаринг сендан қанча ортда қолиб кетибди, – меҳрибончилик ила ундан ҳол сўраб, тумандан келган ҳоким вакилига «Энг илғор аъзоларимиздан», дея Ҳанифани таништирди раис. Чуқур хаёлга берилиб, чопиқ қилаётганлиги боис, уч эркак ёнига яқинлашгунга қадар ҳам сезмагани учун қизариб, кўзларини ерга қадаб турган Ҳанифа уларга аста салом берди.

– Энг илғор қизга энг яхши совғани тақдим этарканмизда бугун, – тортиниб турган қизга жилмайиб қаради ҳоким вакили.

– Ҳа, бугун тушликда шу ерда бўлгин. Онангдан кейин хабар олиб келарсан. Тумандан санъаткорлар келишган. Тушлик маҳали сизларга хизмат қилишади. Илғорларга эса совғалар берилади, – вазиятни тушунтирди бригада бошлиғи.

Улар гўзаларни кўздан кечириб, Ҳанифадан йироқлашишар экан, унинг оиласи ҳақида раиснинг йигитга нималарнидир гапириб бераётгани узуқ-юлуқ қулоғига чалинди.

Шу куни Ҳанифага шоҳи кийимлик тақдим этилди. Бу мато келин бўлишни орзу қилиб юрган қиз учун чиндан-да қимматбаҳо совға эди. Уни тумандан колхозга боғланган вакил – Фарҳоджон топширди.

Ҳанифа совғани олган заҳоти санъаткорларнинг куй-қўшиғини ҳам унутиб, онаси ёнига шошилди. Унинг севинчи ичига сиғмасди. Ҳожар хола қизининг нималарнидир тўлиб-тошиб гапираётган шодон чеҳрасига маъносиз тикилиб турди-да, у олдига қўйган шоҳи матони силаб: «Буни Ҳувайдога тикиб берамизми?» деди кўзлари жовдираб. Ҳанифанинг қувончи бир зумда сўнди-ю онасини бағрига босиб, йиғлаб юборди...

Типиб-тинчимас, ғайратли Ҳанифа ҳар галгидек бригаданинг энг илғор аъзоларидан. Бироқ у бошқа қизлар каби шўх-шодон ўйнаб-кулмас, ҳазил-ҳузул қилмас, доимо хаёл оғушида ўйчан юрарди. Колхоз далаларини айланиб, буларнинг бригадасига ҳам тез-тез келиб турадиган Фарҳод ҳар гал бригада аъзоларининг меҳнати билан танишганда Ҳанифа билан имкон қадар кўпроқ суҳбатлашишни истар, оҳудек ҳуркак, тортинчоқ бу қиз оила қуриш остонасида турган йигит юрагини секин-аста забт этиб бораётганлигини ҳис қилиб турарди у. Ҳаёти давомида қанча гўзал қизларга дуч келмасин, муҳаббат нелигини туймаган йигит усти юпун, офтобда юзлари қизарган, қадоқ қўлларини яширишга ҳаракат қилиб турадиган содда қиз асири эди, бугун.

Орадан маълум вақт ўтиб, Фарҳод қалб туйғусини Ҳанифага билдиришга журъат этди. Унга уйланмоқчи эканлигини ҳам яширмади. Даладаги қизу жувонларнинг йигитнинг уни ёқтириши ҳақидаги ҳазил-ҳузулларига эътиборсиз кулиб қўядиган қиз бу кўнгил изҳоридан бир оз довдираб қолди. Тўғри, у Фарҳод ҳар гал ёнига келганда ўзига нисбатан бефарқ эмаслигини сезарди, аммо ота-онаси ўқимишли, дадаси катта лавозимда хизмат қиладиган бадавлат оила фарзанди водийнинг чекка қишлоғида, ёлғиз дардманд онаси билан ночорликда кун кечираётган қизга уйланиш истаги борлигини асло кутмаганди.

Шу дақиқадан бошлаб қизнинг ҳаётида янги саҳифа очилди. Маҳзун чеҳрасига кулгу, ўксик юрагига шодлик югурди. Келажак орзу-умидлари янада сайқалланиб гўзаллашди. Севилиш бахтининг нақадар тотли эканлигини илк бора ҳис қилиб турарди у. Одатда севиб, севилган чеҳраларда ўзгача нур, гўзаллик барқ уриб туради. Чақноқ нигоҳларида дунё шодлигини туясиз. Фақат муҳаббат сеҳригина қодир, бундай қудратга. Ҳанифанинг гулгун чеҳрасида ҳам мана шу бахт бор гўзаллиги билан бўй кўрсатиб турарди.

Бу қувончини гоҳо ҳушига келганда ёлғизгина қизига бахт тилаб ўтирадиган онажонисига айттиси, сирлашгиси келди. Ҳожар хола жигарпорасининг минг истиҳола ила ийманиб, юзлари қизариб, аммо шодликдан кўзлари порлаб сўзлаётган эртакнамо гапларини эшитдию, чуқур уҳ тортди.

– Оҳ, қизим-а, катта даргоҳ деганларинг бизни писанд қиларминкан? Қани энди олдинги даврларимиз бўлганда. Ўғлининг суйгани ростдир, аммо ота-онаси-чи?

Ҳанифа ҳам бу ҳақда кўп ўйларди. Бироқ Фарҳод оиласи зиёли, замонавий бўлиб, ота-онаси фарзандларининг кўнглига қараши, ўзлари кўнгил қўйган инсон билан оила қуришларига албатта рози бўлишларини ишонч билан таъкидларди. Шунингдек, Ҳанифанинг орзуларини инобатга олиб, онасини даволатиб, аждодлари ўтган ота жойини обод қилиш борасида ҳам меҳр билан сўзларди.

Йигит сўзида туриб, уларникига совчи юборди. Қиз ўзида йўқ бахтиёр, лекин юрагининг бир жойида қўрқинч, ҳадик ётарди. Кўни-кўшнилар Ҳожар холанинг беморлигини билдирмай, ҳар томонлама ўртага олиб, совчиларни яхши кутиб олишга ҳаракат қилишган бўлса-да, туман марказидаги замонавий уйларда истиқомат қилаётган бу инсонларга уларнинг мискин гўшаси ҳароба бўлиб кўриниши аниқ эди. Кўп ўтмай Ҳанифанинг бу гумони ўз исботини топди.

(Давоми бор.)

Зулфия ЮНУСОВА.

ТУРФА ОЛАМ

ҲАВО АВТОМОБИЛИ ЯРАТИЛДИ

Маълумки, уяли телефоннинг кичик экранида маълумотларни ўқиш, бунинг устига фильм томоша қилиш одатда қийинчиликларни келтириб чиқаради. Катта экранлисини эса ёнингизда олиб юриш ноқулай.

Ғоя муаллифларининг айтишича, дисплейга ўрнатиладиган линза фойдаланувчига 50 сантиметрдан 1 метргача бўлган масофадан туриб ҳам қийналмасдан маълумотлар билан танишиш имконини яратади.

КЎЧИБ ЮРАДИГАН МЕҲМОНХОНА



Дунё сайёҳлигида янгича хизмат тури – вақтинчалик ва ҳаракатланувчи меҳмонхоналар ривожланяпти. Уларни «pop-up hotel» деб номлашмоқда.

Бу хусусда Лондонда бўлиб ўтган «World Travel Market» сайёҳлик кўргазмасида ҳам таъкидланди.

Бугунги иқтисодий вазият компанияларни меҳмонхоналар бўйича ишга янгича ёндашувга ундамоқда. Яъни доимо сайёҳлар гавжум бўлавермайдиган жойларда меҳмонхоналарни қуриб қўйиш самара беравермайди.

«Travelodge» тармоғи ўтган йил Лондонда илк «pop-up hotel»ни очди. 2020 йилгача эса компания мамлакатда уларнинг сонини қирқтагача етказишни режалаштирган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

САЙЁРАМИЗ САДОСИ САЙЁРАМИЗ САДОСИ САЙЁРАМИЗ САДОСИ САЙЁРАМИЗ

САЙЁРАМИЗ САДОСИ



Сув ости кемаси шимолий қутбда

Бортида атом кучланиш қурилмаси бўлган «Виржиния» типидаги энг янги зарбдор сувости кемаси биринчи марта қалин муз қатламини ёриб, Шимолий қутбга яқин жойда сузиб чиқди. АҚШнинг Тинч океани флоти томонидан матбуот учун тарқатилган хабарга мувофиқ, бу Texas русумли сувости кемасининг Гротондан (Коннектикут штати) доимий базаси бўлган Перл-Харборга (Гавайя штати) сузиб ўтиши вақтида содир бўлган. Музни ёриб чиққан кема 24 соат давомида юзаликда бўлган. Ҳарорат Цельсий бўйича минус 15 даража бўлишига қарамай, экипажнинг энг матонатли аъзолари муз устида Америка футболи бўйича кичик ўйин ҳам ўтказишган.



Агар ҳаракат бир томонлама бўлса...

Агар фаластинликлар ўз давлатларининг яратилиши ҳақида бир томонлама баёнот берадиган бўлсалар, Исроил «бир қатор жойларни босиб олиш ҳақида қонун қабул қилиши» керак, деди мамлакат атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазири Гилад Эрдан Исроил радиосига берган интервьюсида. Бир қатор бошқа вазирлар ҳам у билан ҳамфикр эканликларини билдиришган. Исроил бош вазири Биньямин Нетаньяху бир томонлама қўйилган ҳар қандай қадамлар Осло битимини бузиши ва қарама-қарши жавоб ҳаракатларига олиб келиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирди.



Ишсизлик даражаси ошиб боради

Ғарбий Европада ишсизлик даражаси ҳатто иқтисодий юксалиш шароитларида ҳам 2011 йилгача ошиб боришда давом этади, деди Европа Марказий банки бошқарув кенгаши аъзоси Нут Веллинк. «Ўйлашимча, биз билан қўшни бўлган барча давлатларда иқтисодиёт тикланиб бориши билан бирга ишсизлик даражаси ортиб боради. Бу 2011 йилгача давом этади», деди у Buitenhof теледастуридаги иштироки вақтида. Шуни таъкидлаб ўтиш мумкинки, евро ҳудудидаги мамлакатларда ишсизлик август ойида 9,6 фоизга ошган, бу эса сўнгги 10 йил ичидаги энг юқори даражадир.



Автобус сувга қулади

Хитойда сайёҳларни олиб кетаётган автобус кўприкдан сувга қулаган. Ушбу фожеа натижасида 13 киши қурбон бўлган. Автоҳалокат вақтида автобусда ҳайдовчини ҳам қўшиб ҳисоблаганда 22 киши бўлган. Тўққиз кишини қутқаришга муваффақ бўлинган, деб хабар беради Associated Press агентлиги маҳаллий қутқарув хизмати маълумотига таянган ҳолда. Жабрланганлар муздек сувдан чиқариб олинган, уларнинг икки нафари жонлантириш бўлимига ётқизилган, бошқа тирик қолганларнинг умумий ҳолати врачларда ташвиш туғдирмаган. Сирпанчиқ ва ҳўл йўл қопламаси автоҳалокатга сабаб бўлган, деб тахмин қилинмоқда.



Олтин қазиб олиш камаяди

Олтин нархининг рекорд даражада – бир унцияси 1100 доллардан ошганига қарамай, дунёнинг етакчи олтин қазиб олувчи компаниялари келаси йилларда қимматбаҳо металлни глобал ишлаб чиқаришда узоқ муддатли пасайиш юзага келиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирмоқдалар, деб ёзади BFM.ru портали Financial Times нашрида берилган маълумотга таяниб. Олтин бозоридаги нархнинг ҳозирги тарихий максимумгача ошиши (1 унция – 1129 доллар) долларнинг заифлашуви ва товар бозори фондига капиталнинг катта миқдорда кириб келиши билан боғлиқ бўлганлиги эътироф этилмоқда.



Швейцария ёшлари – жаҳон чемпионати ғолиби

Футбол бўйича Швейцария терма жамоаси 17 ёшдан катта бўлмаган футболчилари ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионати олтин медалларини қўлга киритиб, ўз тарихида биринчи марта жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди. Нигерияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатининг финал учрашувида швейцариялик ёшлар майдон эгаларини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Шуниси диққатга сазоворки, Швейцария биринчи марта шу ёшдаги футболчилар ўртасидаги жаҳон чемпионатида иштирок этди ва биринчи уринишдаёқ юксак унвонга сазовор бўлди. Учинчи ўринни Колумбия терма жамоасини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратган Испания ёшлари эгаллади.

(www.NEWSru.com).

МАЪРИФАТ

ИЛМ-ФАН – ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг доимий эътибори туфайли Ўзбекистон илм-фани юксак натижаларга эришмоқда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китобида корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш мамлакатимизда амалга оширилаётган Инқирозга қарши чоралар дастурининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Ушбу вазифани муваффақиятли ҳал этишда илм-фан муҳим ўрин тутади.


Илм-фан – ҳар қандай давлатнинг бугуни ва келажагини кўп жиҳатдан ҳал қиладиган бебаҳо бойликдир. Бугунги кунда тадқиқотлар натижаларини илмий жиҳатдан таҳлил қилмасдан ва ўзлаштирмасдан ривожланиши мумкин бўлган иқтисодиётнинг бирор бир тармоғи, жамият ҳаётининг бирор соҳаси йўқ. Дунёнинг аксарият мамлакатлари молиявий-иқтисодий инқирозни бошдан кечираётган бир пайтда Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни илғор технологиялар асосида модернизация қилиш, илмий-техника салоҳиятидан самарали фойдаланиш, иқтисодиётимизни ривожлантиришда инновация йўлига ўтиш муҳим стратегик аҳамият касб этмоқда. Фақат инновация фаолиятигина фундаментал ва илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиёт билан боғлаши мумкин. Бу эса жадал технологик ўзгаришларнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистонда илмий-техника бўйича давлат сиёсати илмталаб ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга қаратилган. Бу эса ўз навбатида, мамлакатимиз реал сектори тармоқлари ва умуман, иқтисодиётимизни ривожлантиришга ёрдам беради.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан фундаментал ва амалий тадқиқотлар илмий-техник дастурларини ҳамда инновация ишларини амалга оширишда иштирок этаётган илмий-тадқиқот муассасалари илмий ходимларининг базавий мансаб маошлари миқдорининг оширилиши олимлар ишларини фаоллаштиришда муҳим рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилмоқда. 2009 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Илмий ходимлар меҳнатини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги тегишли қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида академия ва унинг илмий муассасалари тизимли асосда таркибий қайта ташкил этилмоқда, уларнинг илмий фаолияти комплекс равишда баҳоланмоқда, истиқболли қисқа ва узоқ муддатли илмий дастурлар тартибга солинмоқда, илм-фаннинг муҳим тармоқлари бўйича юқори малакали илмий кадрлар тайёрланмоқда. Натижада фундаментал илм-фан мустаҳкамланиб, уни грант асосида молиялаш имкониятлари кенгаймоқда, инновация тадқиқотларига эътибор кучаймоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, республикамизда ҳар йили инновация ғоялари, технологиялари ва лойиҳалари ярмаркаларини ўтказиш анъанага айланди. Бу ярмаркалар инновация ғоялари, технологиялари ва лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этишни жадаллаштириш, илм-фан ҳамда ишлаб чиқариш ўртасида мустаҳкам алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришга ёрдам бераётир. Иқтисодиёт вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Фанлар академияси томонидан мамлакатимиз олимлари ва ихтирочиларининг 600 дан ортиқ истиқболли инновация ғоялари, лойиҳалари, технологиялари ҳамда услубларини ўз ичига олган каталог тузилди.



Ўзбекистонлик олимлар илм-фаннинг, жумладан ядро физикаси, астрономия, қаттиқ жисмлар физикаси, гелиотехника, табиий бирикмалар кимёси, пахта биологияси, биотехнологиялар, археология, шарқшунослик каби кўплаб йўналишлари бўйича етакчи ўринни эгаллайди. Шундай бўлса-да, фундаментал ва амалий илм-фанни янада ривожлантириш учун илмий муассасалар ихтиёридаги техник база ва ноёб мосламалардан янада самаралироқ фойдаланиш зарур.

Бугун Ўзбекистон Фанлар академияси олдида кўплаб стратегик вазифалар турибди. Мамлакатимиз ишлаб чиқаришини ривожлантириш учун юқори технологиялар, шу жумладан, био ва нанотехнологияларни ишлаб чиқиш, маҳаллий хомашёдан маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича энергия тежовчи, экологик тоза технологияларни яратиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш концепциясини ишлаб чиқиш, экологик аҳволни яхшилаш, фундаментал илмий тадқиқотларни олдиндан белгилаш ва узоқ муддатга режалаштириш, фан, таълим ҳамда ишлаб чиқаришнинг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш шулар жумласидандир. Бу борада узоқ, ўрта ва қисқа муддатга асосланган илмий тадқиқотларни режалаштиришни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Ушбу вазифаларнинг ҳал этилиши, ўз навбатида, юқори малакали илмий кадрларни тайёрлашни кучайтиришни тақозо этади. Зеро, бозор иқтисодиёти шароитида уларнинг чуқур билим, иқтидор ва маҳоратига талаб янада ортиб бормоқда. Бу айниқса, техник ва муҳандислик йўналишидаги мутахассисликларга тааллуқлидир. Жаҳон тажрибаси илмий фаолиятда 25-40 ёшдаги тадқиқотчилар катта ютуқларга эришаётганидан далолат беради. Шу сабабли мамлакатимизда илм-фанга иқтидорли ёшларни жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Келажакка йўналтирилган юқори технологиялар билан шуғулланишда Ўзбекистон илм-фанининг бугунги тараққиётига жаҳон цивилизациясини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган буюк аждодларимиз асос солганини унутмаслик даркор. Мамлакатимиз Президентининг ташаббуси билан Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Хоразмий, Мирзо Улуғбек ва бошқа кўплаб жаҳонга машҳур олимларнинг илмий анъаналари мустақиллик йилларида янги, янада чуқур аҳамият ва мазмун касб этди. Уларни ривожлантириш ва давом эттириш Ўзбекистон илм-фани мамлакатимизни иқтисодий жиҳатдан янада юксалтириш, жамиятимизни модернизациялаш ва ривожлантиришни таъминлайдиган муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Машҳура МАВЛОНИЙ,
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси академиги,
Фанлар академияси Микробиология
институтининг Саноат
микробиологияси лабораторияси мудири.
(ЎзА).

"ЎЗЭКСПОМАРКАЗ"ДА ЯНГИ КЎРГАЗМАЛАР

"Ўзэкспомарказ"да "Қурилиш, қурилиш техникаси ва материаллари – ExpoConstruction Uzbekistan 2009" халқаро қурилиш ва "Фармацевтика маҳсулотлари – PharmExpo Uzbekistan 2009" халқаро ихтисослашган фармацевтика кўргазмалари бўлиб ўтди.

Тадбирлар "ZarExpo" кўргазма компанияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, "Дори-дармон" акциядорлик компанияси, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Архитекторлар уюшмаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги каби ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида иқтисодиётнинг барча тармоқлари, жумладан, қурилиш ва фармацевтика соҳаларини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётгани алоҳида таъкидланди. Яратилган қулай сармоявий муҳит хорижий давлатлар билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш, замонавий технологияларни жалб этиш ва ўзлаштириш, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашишда муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 1 июнда қабул қилинган "2007–2011 йиллардаги даврда қурилиш материаллари саноати корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида"ги қарорига биноан қурилиш материаллари саноати корхоналарини сифатли, рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий, илғор машина-ускуналар билан жиҳозлаш орқали модернизациялашни жадаллаштириш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш ишлари амалга оширилмоқда.

"ExpoConstruction Uzbekistan 2009" кўргазмасида Ўзбекистон, Россия, Хитой, Қозоғистон, Германия, Бирлашган Араб Амирликлари, Италия, Испания, Люксембург, Швейцария, Бельгия, Беларусь ва Туркия каби йигирмага яқин мамлакатдан ўнлаб фирма ва компаниялар ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан иштирок этди.

Кўргазмага қўйилган қурилиш материаллари ва таклиф этилган хизмат турлари жуда хилма-хил. Айниқса, қурилиш материаллари ва ускуналари, йўл-қурилиш техникаси, иситиш ва вентиляция тизимлари, эшик-ром, лок-бўёқ, том ёпиш материаллари, пол қопламалари, сопол ва пардозлаш тошлари, электроника ва ёритиш техникаси сингари маҳсулотлар кўпчилик эътиборини ўзига жалб этди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда экспортга йўналтирилган рақобатбардош фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, аҳолининг дори воситалари ва тиббиёт буюмларига эҳтиёжини тўла қондиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 19 ноябрда қабул қилинган "2011 йилгача бўлган даврда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида"ги қарори муҳим дастуриламал бўлаётир.

Ички ва ташқи бозорда Ўзбекистонда тайёрланган фармацевтика маҳсулотларига талаб ошиб бораётгани мамлакатимизда мазкур соҳа изчил равнақ топаётганидан далолатдир. Айни вақтда юртимизда дори-дармон ишлаб чиқарувчи юздан зиёд корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар чиқараётган ўттиздан зиёд дори воситаси мамлакатимиз олимлари томонидан яратилган.

Фармацевтика саноатининг барча замонавий йўналишларини ўзида мужассам этган "PharmExpo Uzbekistan 2009" кўргазмасида фармацевтика техникаси ва технологиялари, ишлаб чиқариш ускуналари, минерал қўшимчалар ва витаминлар, дори-дармонларга оид маҳсулотлар намойиш этилди.

Тадбирларда қурилиш ва фармацевтика саноатида эришилган ютуқ ва натижалар сарҳисоб этилиб, соҳа мутахассислари фикр ва тажриба алмашди, ўзаро манфаатли шартномалар имзолади.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎзА мухбири.

МАЪНАВИЯТ

БИРДАМЛИК – ЮРТ РАВНАҚИ ВА ТАРАҚҚИЁТИ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида шундай дейилади: “Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади”.

Ўзбекистон 130 дан зиёд миллат ва элат вакилларини ўз бағрига олган диёр. Унинг тақдири, келажаги кўп миллатли халқининг бирлиги, ўзаро тотувлиги ва ҳамжиҳатлигига, маънавий юксалишига боғлиқдир. Зеро, бирдамликдан кўзлаган ягона мақсадимиз бор. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, миллий истиқлол ғояси, мафкураси юртимизда яшаётган барча кишиларнинг маънавий бойлигига, дунёқарашининг негизига айланишига эришиш биз учун энг асосий мақсаддир.

Миллий ва диний бағрикенглик жаҳонда доимо долзарб аҳамият касб этган. Айниқса, сўнгги йилларда унинг долзарблиги янада ошмоқда. Халқаро ташкилотларнинг бу йўналишдаги фаолияти йил сайин кенгайиб бораётгани ҳам шундан. 1995 йилда БМТнинг 50 йиллиги муносабати билан ЮНЕСКО томонидан 16 ноябрь – Халқаро бағрикенглик куни деб эълон қилинганидан хабардорсиз, албатта. Бағрикенглик (толерантлик) жаҳон миқёсида диний экстремизмнинг олдини олувчи воситалардан бирига айланди. ЮНЕСКО бу борадаги саъй-ҳаракатлар кўламини кенгайтириб, турли мамлакатларда 1994-1995 йилларнинг ўзидагина бағрикенглик ва диний тоқатлик масалаларига қаратилган 50 дан зиёд халқаро илмий-амалий анжуманлар ўтказди. Шу ўринда Тошкентда бўлиб ўтган ана шундай жаҳон миқёсидаги форумлардан бири “Бир заминда биргаликда яшаш” деб номланган эди. 2000 йил эса ЮНЕСКО томонидан Толерантлик йили деб эълон қилиниб, бунга доир дастур бўйича тегишли халқаро ташкилотлар ҳамжиҳатлигида 1000 дан зиёд тадбирлар ўтказилди.

Миллатлараро муносабатлар ва диний бағрикенгликни йўлга қўйишда Ўзбекистон ўзига хос бой тажрибага эга. Ҳатто, бу фазилат ўзбек тийнати, маданиятининг ажралмас қисмига айланган десак, муболаға бўлмайди. Шу боис Ўзбекистоннинг бу борадаги нуфузи йил сайин ортмоқда. Ислом конференциясининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича тузилмаси - АЙСЕСКО томонидан 2007 йилда Тошкент – “Ислом маданияти пойтахти” деб эълон қилиниши ҳам бағрикенглигимиз эътирофидир. Дарҳақиқат, айни кунда Ўзбекистонда 16 та диний конфессия, 150 дан зиёд миллий маданий марказ фаолият кўрсатмоқда. Республикамиз бугунги кунгача глобал маданий толерантликни шакллантиришга хизмат қилувчи, халқаро интеграцияни чуқурлаштирувчи 90 дан зиёд конвенция, пакт, шартномага қўшилган. Шунингдек, 1995 йилда ЮНЕСКО Бош конференциясида қабул қилинган “Толерантлик тамойиллари декларацияси”га 185 давлат қаторида Ўзбекистон ҳам қатъий амал қилиб келмоқда. Бу ва бошқа соҳадаги ютуқлари учун Ўзбекистон ЮНЕСКО Бош конференциясининг Парижда бўлиб ўтган 35-сессиясида кўпчилик овоз билан 2009–2013 йилларга ушбу халқаро ташкилот Ижроия кенгашининг аъзоси этиб сайланди. Ижроия кенгаш таркибидаги 27 давлат қаторида энди Ўзбекистон ҳам ўз овозига эгалиги бизни жуда тўлқинлантиради.

Дарҳақиқат, ўзбекона миллий қадриятларимиз негизини ифодаловчи эзгу фазилатларимиз ҳар қандай толерантлик йўналишининг асосини таъминлашига шубҳа йўқ. Ҳатто, давлатимиз мадҳиясида ҳам халқимиз бағрикенглиги улуғланган. Шунингдек, юртимизда истиқомат қилаётган турли миллат вакиллари Ўзбекистонни ўз ватани дея, айни дамда миллий маданияти, қадриятлари, диний муносабатлари ва эътиқодига собит ҳолда ҳаёт кечирмоқдалар, ўзлигини намойиш этишда улар кенг имкониятларга эгалар.

Мустақиллик бу йўналишда ҳам янги босқични бошлаб берди. Биргина Республика Байналмилал маданият маркази фаолияти мисолида сўзимизнинг исботини кўришимиз мумкин.

–Истиқлолга эришганимиздан сўнг оз фурсат ўтиб, 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ушбу ташкилот тузилди, – дейди Республика Байналмилал маданият маркази раҳбари ўринбосари Муножотхон Нурматова. – Бунинг ўзига хос маъноси бор. Кўп миллатли республикамизда ўзаро тотувлик, ҳамжиҳатликни таъминлашнинг биринчи шарти – уларнинг бу юртда ўзини бегона ҳис этмай, эмин-эркин яшаши учун шароит яратиш эди. Қардош миллатларнинг қадриятлари, тили, маданияти, урф-одатлари – жамики эҳтиёжларини қондириш мақсадида ушбу марказ ташкил этилгани айни муддао бўлди. Эътибор беринг-а, 1989–1990 йилларда номигагина 5–6 та миллий маданият марказлари бўлган бўлса, бугунги кунга келиб, республика миқёсида 150 та миллий маданият марказлари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг Низомида бошқа миллатларнинг ўзлигини асраш баробарида, буюк неъмат – мустақилликни мустаҳкамлаш, юртимиз тараққиётига салмоқли ҳисса қўшиш ҳам кўзда тутилган. Давлатимиз раҳбарининг фармони билан ташкилотимизнинг 10 йиллиги, 15 йиллиги жуда катта тантаналар билан нишонланди. Шуни фахр билан эътироф этаманки, мустақиллик шарофати билан бутун дунёга ўрнак бўла оладиган дўстлик ва бағрикенглик намунасини кўрсата олдик. Йил сайин марказимиз фаолиятига янада кенг йўл очилмоқда. Яқин йиллардан миллий маданият марказларида етишиб чиқаётган истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг иқтидорини намоён этиш мақсадида, “Ўзбекистон – умумий уйимиз” шиори остида дўстлик ва маданият фестивали ўтказиб келинмоқда. Бу йил ҳам Асосий қонунимиз – Конституция қабул қилинган кун арафасида ўтказиладиган III-фестиваль дўстлик, биродарлик, қардошлик ва санъат байрамига айланиши кутилмоқда. Бунинг боиси бор, албатта. Айнан Конституциямизнинг 4, 8, 18, 31-моддаларида юртимизда истиқомат қилаётган қардош миллатларга тегишли ҳуқуқлар белгиланган. Яъни тили, миллати, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, бошқа миллат вакиллари Ўзбекистоннинг тенг ҳуқуқли фуқаролари экани кафолатланган. Уларнинг миллат сифатида сақланиб қолишлари, эмин-эркин ҳаёт кечиришлари учун ҳуқуқий асослар бор. Шу боис Мустақиллик байрами, Бош қомусимиз қабул қилинган кун, гўзал Наврўз айёмлари миллий маданий марказларимиз томонидан алоҳида тайёргарлик, ўзгача кўтаринкилик билан нишонланади. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Маънавият тарғибот маркази, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Маҳалла” жамғармаси, Бадиий академия ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда мунтазам равишда “Қудратимиз бирлик ва ҳамжиҳатликда!”, “Миллий ғоя –бизнинг ғоя”, “Шу азиз Ватан – барчамизники”, “Мақсад бир, ғоя бир, Ватан ягона!” мавзуларида анжуманлар, давра суҳбатлари, очиқ мулоқотлар, учрашувлар ўтказиб келяпмиз. Бундайин йиғинлар албатта, ҳарбий қисмларда ҳам бўлиб ўтади. Ана шундай давра суҳбатларида ватанимиз посбонларининг минбардан айтилаётган ҳар бир сўзга катта қизиқишини, маънавиятга, шеъриятга муҳаббати ва эътиборининг гувоҳи бўлдим. Уларнинг самимий ва қизғин мулоқотлари мени фахр, ифтихорга тўлдирди. Маънавият бор жойда юксалиш, тараққиёт, тинчлик, осойишталик бор. Тинчтотувликнинг ўзи юксак маънавият белгиси.

Юртимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминловчи аскарларимиздаги маънавиятга интилишнинг гувоҳи бўлиб, эртамиздан кўнглимиз тўқ, дегим келади. Ўз ўрнида, биз ҳам улар билан мулоқотларни орзиқиб кутамиз, ҳарбий қисмлардаги йигитларнинг ўзларидан фикрлар эшитсак, уларни қизиқтирган саволларга жавоблар берсак, шу мақсадда доимий ҳаракатдаги семинарлар ташкил этилса, деган умидда Мудофаа вазирлиги билан келгусидаги ҳамкорлик режаси устида ишлаяпмиз.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафида бугун турли миллат ва элат вакиллари ҳарбий хизматни ўтамоқда. Умумҳарбий Низомда ҳам миллатлараро дўстлик ва биродарликка, жипсликка даъват этилган. 16 ноябрь – Халқаро бағрикенглик куни ҳам бу тизимда беэътибор қолмади. Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маърифат маркази томонидан офицер А.Эргашев хизмат қилаётган ҳарбий қисмда «Диний ақидапарастлик ва фундаментализмнинг салбий оқибатлари» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Республика Маънавият тарғибот маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита вакиллари иштирок этишди. Тадбирда миллий ва диний бағрикенгликнинг бугунги аҳамияти, юртимизда бу борада қўлга киритилаётган ютуқлар, диний ақидапарастлик ва фундаментализмнинг халқ бирлигига етказаётган зарарлари, оқибатлари ҳақида фикр юритилди. Шунингдек, диний бағрикенглик аввало юксак маънавият омили экани, бу восита асл қадриятларни миллийликдан умуминсонийлик даражасига кўтариши эътироф этилди. Динлараро бағрикенглик тамойили миллий ғоямизнинг асосий таркибий қисми экани, кўп миллатли халқимизнинг бирлиги, жипслиги энг катта ва бебаҳо бойлигимиз, бунинг қадрига етиш ва турли ёт ғояларга қарши доимо огоҳ, сергак бўлиш, осойишталигимизни кўз қорачиғидек асрашга барча бурчли ва дахлдор экани борасидаги фикрлар билдирилди.

Тадбир якунида савол-жавоблар бўлиб, ҳарбий хизматчиларга мавзу доирасида кенг қамровли маълумотлар етказилди.

Ҳар бир миллат, халқ учун бирдамлик, ҳамжиҳатлик, ўзаро тотувлик унинг келгусидаги равнақи ва тараққиётини белгилаб берувчи энг муҳим омилдир. Шу жиҳатдан халқаро бағрикенглик куни муносабати билан жойларда ўтказиладиган бу каби тадбирларнинг аҳамияти катта, миллатлараро дўстлик ва бағрикенглик, бирдамлик ҳамда тотувлик эса халқимизнинг энг катта бойлигидир.

Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маърифат маркази илмий-услубий бўлими.

Долзарб мавзу

БОЛАНИНГ БЕГОНАСИ БЎЛМАЙДИ

Айрим интернет-кафелар фаолияти ҳақида баъзи мулоҳазалар

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлод тарбиясига доимий эътибор қаратилиб, уларнинг ҳар томонлама баркамол, Ватан равнақи учун муносиб ҳисса қўша оладиган юксак маънавият ва тафаккур соҳиблари сифатида вояга етиши, келажакда ўз ўрнига эга етук мутахассислар бўлиб шаклланиши борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, таълим муассасаларининг замонавий компьютерлар билан жиҳозланиб, интернетга улангани ёшларимизга ўз билимини бойитиш учун зарур маълумотларни олиш имконини бермоқда. Эндиликда уларнинг чет эллардаги таълим муассасалари билан алоқа ўрнатиши, хориждаги маориф жараёни билан танишиши ва у ерда ўқиётган тенгдошлари билан ўзаро виртуал фикр алмашиши оддий ҳолга айланди. Юртимизнинг барча ҳудудларида интернет клублари ташкил этилгани аҳоли, айниқса, ёшларимизнинг мазкур тизимдан фойдаланиши учун қулай шароит туғдирди.

Аммо кейинги пайтларда интернет-кафелар компьютер хизматларини – глобал тармоқдан маълумот олиш, матн териш, нусха кўпайтириш, фотосурат чиқариш каби кўплаб қулайликларни ўзида мужассамлаштиргани ҳолда, айрим учар тужжорлар учун мўмай даромад манбаига айланаётгани ҳам сир эмас. Шу ўринда табиий савол туғилади: бири тоғдан, иккинчиси боғдан ҳикоя қиладиган, коса тагида нимкосаси бўлган ахборотлар, беҳаёлик, ваҳшийлик, жангариликни тарғиб қиладиган турфа ўйинлар, ахлоқсиз фильм ва клиплар билан тўлдирилган сайтлар ёшларимизнинг онгини заҳарламаслигига ким кафолат бера олади?

Очиғи, оддий мижоз сифатида пойтахтимиздаги бир қатор интернет-кафелар фаолияти билан бевосита танишув жараёнида, улардаги ёшларнинг хатти-ҳаракати кузатилганда кишини ранжитадиган ҳолатлар кўзга ташланди.

Интернет-кафелар, компьютер клублари одам гавжум жойларда, яъни ўқув муассасалари, савдо мажмуалари ва бозорлар атрофида жойлашган, мижозларнинг аксариятини 10-25 ёшдаги йигит-қизлар ташкил этади.


Биз кўрган интернет-кафеларда ўндан ўттиztагача компьютер ўрнатилган бўлиб, куннинг қай вақтида келманг, уларнинг бўш турганини кўрмайсиз. Айрим компьютер клублари йигирма тўрт соат давомида ишлаб, ярим тундан ошганда нархларни арзонлаштирадики, бу ёшларни ўзига янада кўпроқ жалб қилмоқда. Ачинарлиси, мижозларнинг кўпчилиги интернет орқали фойдали маълумотлар олиш ўрнига, халқимизнинг ибо-иффат, меҳр-оқибат каби фазилатларига мутлақо зид, навқирон авлоднинг онг-шуурини заҳарловчи, кишида ваҳшийликни, қонхўрликни шакллантиришга туртки берадиган ўйинларни ўйнаш, беҳаёлик, зўравонлик саҳналари мавжуд фильм ва клиплар томоша қилиш билан банд.

– Дарсдан бўш пайтлари келиб компьютер ўйнайман. Жуда қизиқаман. Бошқа болалар билан жамоа бўлиб, Counter Strike сингари ўйинларни кўп ўйнаймиз, – дейди Global system service интернет клубининг чамаси 15-17 яшар мижози. – Баъзида ўйинга қизиқиб, тўрт-беш соат қандай ўтиб кетганини билмай қоламан.

Counter Strike – ваҳшиёна отишмалар, аёвсиз қон тўкишлар билан ғалабага эришиладиган ўйинлардан бири.

Ёшлар, айниқса, болалар узлуксиз равишда узоқ вақт компьютер олдида ўтириши уларнинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатибгина қолмай, соғлигига жиддий зиён етказишидан интернет клублари эгаларининг ҳаммаси ҳам бехабар, десак, нотўғри бўлади. Балки уларни “компьютер синдроми”, “игромания” деб аталган касалликлар аниқ ташхис сифатида бутун дунё тиббиётчилари томонидан эътироф этилганини билмасликда айблаш ноўриндир. Лекин улар ўзининг фарзанди бир қўлида сигарет, иккинчисида пиво билан ярим тунда шу ерда ўтиришига қандай қараркин? Саволга жавоб тайин. Шундай экан, нима учун бошқанинг фарзандига буни раво кўрасиз?! Бир болага етти маҳалла ота-она, деган гап наҳот хаёлингиздан кўтарилган бўлса?! Қолаверса, боланинг бегонаси бўлмайди.

Касални даволагандан кўра олдини олган маъқул, яъни ўсиб келаётган ёш авлодга қизиқиши кучли нарсани таъқиқлагандан кўра, унга ваҳшийликка даъват этувчи ўйинларни ўйнаш, беҳаёлик ва зўравонликни тарғиб қилувчи фильм ва клипларни томоша қилишнинг зарарли оқибатларини тўла тушунтириб, маънавий, тарбиявий иммунитетини болалигидан шакллантириб, мустаҳкамлаб бормоқ керак. Фарзандларимизнинг ёшига мос, ақлини чархлайдиган ўйинлар ҳам кўп-ку. Уларнинг бўш вақтларини мазмунли ва фойдали ўтказишини ташкил этиш зарур.




Келажагимиз эгалари бўлган ёшларнинг тўғри таълим-тарбия олишига, ҳар томонлама соғлом ва баркамол, юксак маънавият ва ахлоқ эгалари бўлиб етишишига ҳар биримиз масъулмиз.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎзА мухбири.

ХОТИРА

УНИ “АЯ” ДЕР ЭДИЛАР...

(Ўзбекистон халқ артисти Лутфихоним Саримсоқова портретига чизгилар)



Четан деворли ҳовли. Пойдевори омонат чорхари уй. Булоқбошида аксарият кулбалар ана шундай аянчли тарзда кўзга ташланади... Ҳовлида нима биландир куймаланиб юрган Ойимқиз эгнида увадаси чиққан чопонда дилдираб турган мурғак қизалоқни бағрига босади-ю, ўкириб юбормаслик учун ўзини зўрға қўлга олади. Сўнгра:

– Ҳаёт деганлари бу қадар бешафқат бўлмаса, қизим, – дейди ўксиниб, – отангдан ҳам ажралиб қолдинг... Ҳали замон маъракаларини ўтказишимиз керак. Қайси бойваччадан қарз кўтарсак экан-а?!

Қизалоқ Ойимқиз холанинг гапларидаги маъно-мантиқни тушунмайди. Аммо “отангдан ҳам ажралиб қолдинг”, деган гапнинг замирида аллақандай нохуш аломат борлигини мурғак қалби билан ҳис этади. Бироздан сўнг азбаройи арзандалик туфайли эмас, табиий эҳтиёж сабабли:

– Хо-л-а... зоғора нон б-е-р-и-нг, қорним очди, – дейди.

Ойимқиз кўз ёшларини артаркан, қизалоқни бағридан бўшатмайди.

– Ҳозир, болам, ҳозир, – дея уйдан бир бурда зоғора нон олиб чиқиб, қалоқ қўллари билан қизалоққа тутқазади: – Ма, она қизим, еб ол. Кечки овқатни ҳам бир нави қилармиз.

...Ўзбекистон халқ артисти, ўзбек кино ва театр санъатининг дарғаларидан бири Лутфихоним Саримсоқова болаликнинг ўша оғир, олис кечмишларини баъзида чексиз ҳасрат, баъзида лабида нимтабассум билан хотирлар экан: “Ойимқиз холамнинг сиймоси ҳамон кўз ўнгимда. Болажонликни дастлаб, ўша юзларидан файз ёғилиб турган меҳрли, мулойим онамдан ўрганганман”, дейишни канда қилмасди. Ойимқиз хола Лутфихонимнинг чин онаси эмасди. Тўғрироғи, икки ёшидаёқ онасидан, кейинроқ отасидан ажралган қизалоқнинг тақдирига бефарқ бўлолмаган Ойимқиз дугонасининг суюкли қизчасини ўз қарамоғига олганди. Замон оғир эди. Боз устига кулфат бир келса, қўша келади, деганларидек, энди олти ёшга тўлган Лутфи меҳрибон холасидан ажралиб қолди. Ойимқиз ўлим чанг солаётган сўнгги лаҳзаларда турмуш ўртоғи Мирвали акага: “Лутфини эҳтиёт қилинг”, деди-ю, ҳаёт билан мангуга видолашди.

Йиллар елдирим шамолдек ўтиб борарди. Гарчанд Мирвали аканинг меҳру муҳаббати марҳума аёли каби энёда бўлмаса ҳам Лутфига бўлган эътиборини бир баҳяга ҳам камайтирмади: ота-онасидан эрта етим қолган гўдакни ўкситмасликка ҳаракат қилди. Аммо шундай бўлса-да, Лутфидан бир неча ёш катта опасининг:

– Мирвали ака, синглимни менга берсангиз. Уйимда гард юқтирмасдан катта қилардим, – деган таклифини ҳам рад қила олмади.

Лутфихон поччасининг хонадонидаги таомилга, турмуш-турмушга тезгина кўникиб кетди. Табиатан меҳнатсевар, тинибтинчимайдиган қиз тез орада поччасининг меҳрини ҳам қозонди. “Қиз бола бировнинг хасми, жойи чиқса, турмушга берган яхши” деган ҳаётий хулосага таяниб иш кўрадиган почча тез орада уни тезроқ турмушга бериш пайига тушиб қолади... Лутфи уйга таъриф буюрган аёлларнинг нима сабабдан келганидан бехабар эди. Фақат опасининг:

– У ёқдан-бу ёққа қилпиллаб ўтаверма, совчилар айб қилади-я, – деганидан сўнгтина вазиятга тушуниб етди.

– Вой, мени турмушга бермоқчисизларми? – деди у ҳайратини яшира олмай. – Ахир бор-йўғи ўн учга тўлдим-ку?!

– Билмадим, – деди Қумриниса ёзғириб, – поччанг шундай деб туриб олган бўлса, мен нима қила олардим.

1909 йилнинг кузаги. Эндигина келин бўлиб тушган Лутфи оиласий бахт нималигини билмади. Чунки қайнота билан қайнона, қайноға ва ҳатто, эри ҳам унга ўзи билганича муомала қилади. Сабаб-бесабаб таҳқирлар, инсоний шаънига отилган ҳақорат тошлари Лутфининг юрагида бу оилага нисбатан чексиз нафрат кўзғай бошлади. Лутфининг қийинчиликлар гирдобида ҳаёт кечираётганидан хабар топган акаси уни келинлик уйидан олиб кетади. Ўша кезлар у ўзини зиндондан қутилгандек эркин, озод ҳис қилади.

– Бизникига юр, – дейди акаси меҳри товланиб, – кеннойинг, жиянчаларинг билан бирга яшайсан.

Лутфи акасининг таклифига ўйлаб ҳам ўтирмай аниқ жавоб қайтаради:

– Меҳрибончилигингиз учун раҳмат ака, лекин сизга оғир юк бўлишни истамайман. Мени зимистон ҳаётдан қутқазганингиз учун сиздан бир умрга қарздорман. Агар ижозат берсангиз ўз йўлимни ўзим топсам, дегандим.

Синглисининг кўзларидаги чигал тақдир йўллари қолдирган изларни пайқаган ака розилик беришдан ўзга чора топа олмайди... Лутфи шу кетганича анча вақт кўринмайди. Уни кўрган-билганлар эса:

– Қўқоннинг Дегрез маҳалласида истиқомат қилувчи Қамбар исмлик аёл билан она-бола тутинибди. Ҳозир уникида яшаётган эмиш, – деган гап тарқатишади.

Улар ҳақ эди. Қамбар опа унга ўз қизидек қарайди. Лутфи бу нозиктаъб аёлдан дўппи, қийиққа гул тикиш сирларини ўрганиб олади. Унинг қизи Турсуной Лутфига худди туғишган сингилдек муносабатда бўлади. Вақт – ҳар қандай дардга даво дейдилар. Мурғаклигиданоқ ҳаётнинг аччиқ-чучугини, иссиқ-совуғини бошқалардан кўра кўпроқ татиган Лутфи бу оилада яйраб яшай бошлайди. Ҳадя, Карометхон, Турғуной, Мукаррамхон исмли бир қанча дугоналар орттирди. Уларнинг болаликдаги аянчли қисмати Лутфиникидан асло кам эмасди.

БУЛОҚ КЎЗ ОЧГАНДА

1924 йилга келиб Қўқондаги Тароқчилик маҳалласида шаҳар хотин-қизлар клуби очилади. Унинг қошида ташкил этилган каштачилик, мусиқа, хор, савод чиқариш сингари тўгараклар маҳалла аёлларининг дунё ҳақидаги тасаввурлари кенгайишида катта имконият яратади. Лутфихон айни шу ерда дастлабки саводни – алифбени, ўқиш, ёзишни ўрганади. У айниқса, 1926 йилнинг кўкламини яхши эслайди. Ўшанда бу маърифат масканига Ҳамза ташриф буюрган. Ўзининг ёрқин истеъдоди билан бошқалардан алоҳида ажралиб турадиган Лутфихонга санъат, саҳна сирлари ҳақида жўяли маслаҳатлар берганди.

Лутфихон Саримсоқованинг айни шу йилларда куртак ота бошлаган истеъдоди Қўқон, Андижон, Тошкент театрларида янада сайқалланиб борди. Кези келганда шуни таъкидлаш керакки, “Ая”нинг 1940 йилдан 1973 йилгача давом этган 33 йиллик ижодий фаолиятининг салмоқли қисми Муқимий номидаги мусиқали драма театри билан чамбарчас боғлиқ. У мазкур даргоҳда кўплаб устозлардан сабоқ олди, уларнинг маслаҳатига оғишмай амал қилди ва вақти келиб, ўзи ҳам бир қанча шогирдларга устозлик қилди.

“Ая”нинг суюкли шогирдларидан бири Ўзбекистон халқ артисти Фароғат Раҳматова шундай хотираларни баён қилади:

– Театрга биринчи келганимдаёқ Лутфихон ая кутиб олганди. Ўшандан бошлаб аямга шогирд тушдим. Фарзандларимнинг тарбиясида ҳам у кишининг катта хизматлари бор. Ҳатто ўғлим Азимжон қирқ кунлик чақалоқ пайтида аяжонимга қолдириб, гастролларга чиқиб кетганман. Аяжоним овози бор актрисаларни жуда яхши кўрарди. Овоздан қандай фойдаланиш кераклигини бизларга ўргатарди. Айниқса, “Нурхон”даги Кимё роли менга маъқул келган. Айни шу ролни кейинчалик у кишининг оқ фотиҳасини олиб ижро этганман. Урушдан кейин Тошсовет театри Муқимий театрига бириктирилди. Ўша кундан бошлаб “Ана, болам келди” десалар, қучоғига отилардим. Назаримда худди онам тирилиб келгандек бўларди.

КИНО: ИСТЕЪДОДНИНГ ЁРҚИН РАНГЛАРИ

Ўзбек кино санъатининг тамал тоши Комил Ёрматов, Наби Ғаниев сингари истеъдодли режиссёрлар, Шукур Бурҳонов, Раҳим Пирмуҳамедов, Ҳамза Умаров каби санъат дарғалари томонидан қўйилган. Улар қаторида Лутфихоним Саримсоқованинг ҳам борлиги кишини беҳад қувонтиради. Лутфихон ая дастлабки ўзбек фильмларида меҳрибон, мунис, жафокаш волидалар образини катта маҳорат билан яратди.

Албатта, кино мухлисларининг кўз ўнгида Лутфихоним Саримсоқова деганда Шуҳрат Аббосовнинг “Маҳаллада дувдув гап” фильмидаги хокисор она Меҳриниса она образи келади. Унда аёл қалбининг нозик товланишлари, феъл-атвори, руҳияти ниҳоятда табиий бўёқларда ифодаланган бўлса, айни шу режиссёрнинг яна бир фильми “Сен етим эмассан”даги Фотима она образида ўн тўрт нафар турли миллатли болаларни ўз бағрига олиб, тарбиялаган ўзбек аёлининг меҳри, матонати, куюнчаклик ва иродасини сезиш, ҳис этиш қийин эмас.

Бадиият ихлосмандлари бир пайтлар Пушкин, Лермонтов насрининг шеъриятдан асло кам эмаслигидан ҳаяжонланган бўлсалар, Лутфихон аянинг актриса сифатидаги истеъдоди чинакам ҳофизалиги билан уйғунлашиб кетганлигини айтишимиз мумкин. Айниқса, “Қулинг”, “Ўзганча”, “Ёр-ёр”, “Ҳакалакам ўйнасам ман”, “Жамбилхон”, “Ёргинам”, “Омон бўлайлик”, “Қилпиллама” сингари қўшиқ ва лапарлар ўзбек мумтоз мусиқасининг энг нодир намуналаридан бири саналади.

Белинский ўз чиқишларининг бирида Шекспир даҳосининг улуғворлиги ҳақида гапира туриб, “унинг ёнига фақат Шекспирнинг номини ёзиш мумкин”, деган эди. Муқояса шуки, Лутфихоним Саримсоқова аталмиш улкан санъат юлдузининг довруғи, шукуҳи, салобати фақат унинг ўзигагина хос бўлиб қолаверади.

Хидирали ПАНЖИЕВ.

ЧАҚИРИҚҚАЧА ТАЙЁРГАРЛИК

ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ







Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 17 йиллик байрамига бағишланган Мурожаатида «Муддатли ҳарбий хизматга бир йилда бир марта чақириш тизимига ўтиш, ёшларнинг ҳарбий чақириқдан олдинги тайёргарлик даражасига талабларнинг ортиши, шу билан бирга, армияда шартнома асосида хизмат қилишнинг кенгайиши мудофаа ишлари бўйича бўлинмалар ва бошқармалар фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқишни талаб этади», дея таъкидланган. Ушбу устувор вазифаларнинг бажарилиши учун ўз навбатида академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» жараёнини янада такомиллаштиришни талаб этади.

Маълумки, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» жараёни бевосита соҳага тааллуқли ҳужжатлар талаблари асосида амалга оширилиб, уларда ватанпарварлик тарбиясига алоҳида эътибор қаратилади. Бу ўринда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Таълим тўғрисида»ги ҳамда «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» фани ўқув дастури ишлаб чиқилиб, 2005 йилдан буён таълим муассасаларида фойдаланиб келинаётгани муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими, Соғлиқни сақлаш, Фавқулодда вазиятлар, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари томонидан тасдиқланган бўлиб, унда «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» фанининг асосий вазифаси келажак ворисларимизни Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилишга тайёрлаш ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашдан иборатлиги белгиланган.

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида назарий машғулотлар қатори синфдан ташқари ишларнинг ҳам йўлга қўйилиши ҳамда тарбиявий ишлар самарадорлигини янада ошириш учун қуйидаги асосий мавзу ва йўналишлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

– Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги, буюк ҳарбий саркардалар – Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Жалолиддин Мангуберди, Темур Маликлар ҳақида маъруза, суҳбатлар ташкил қилиш;

– уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашувлар ўтказиш;

– муҳим саналарга бағишланган тадбирлар;

– ҳарбий ватанпарварлик мавзуларида анжуманлар;

– ҳарбий қисмларга ва олий ҳарбий билим юртларига саёҳатлар;

– маданий муассасалар (музейлар, кино ва театрлар, кутубхоналар, галереялар) га саёҳатлар;

– маданий меъморий ёдгорликлар ва муқаддас қадамжоларга саёҳатлар;

– тўгараклар, ҳарбий спорт ўйинларида иштирок этиш;

– ҳарбий мавзуга бағишланган ижодий ишлар (иншо, тасвирий санъат, ҳаваскорлик каби) кўргазмаси ва танловлар ташкил этиш.

Бунда аввало, ушбу йўналишлар бўйича тадбирлар режаси тузиб чиқилади ва режага мувофиқ тарбиявий ишлар ташкил этилади. Бундай тадбирлар талабаларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида ва маънавий-ахлоқий томондан ҳам тарбиялашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Бу борада илмий-услубий жиҳатдан тўғри ташкил этилган маърузалар (суҳбатлар) катта аҳамиятга эга.

Мавзулар мушоҳада, мулоҳаза юритишга ундайдиган бўлиши, ёшлар диққатини жалб этиши билан муҳим саналади. Шу боис ҳарбий таълим-тарбияда қуйидаги мавзуларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ: «Ҳарбий хизмат нимаси билан ёш йигитлар эътиборини тортади?», «Юксак интизом – муваффақият гарови», «Аждодлар жасорати», «Тўмарис издошлари», «Ўзбекистон қаҳрамонлари», «Мустақиллик – азалий орзу», «Миллий гоя тарғиботи ва ёшлар тарбияси», «Маънавий-ахлоқий тарбиянинг миллий асослари», «Амир Темурнинг ҳарбий ўгитлари», «Заҳириддин Муҳаммад Бобур – шоир, олим, саркарда». Масалан, «Мустақиллик – азалий орзу» мавзусидаги маърузада қуйидаги масалаларга эътибор қаратилиши муҳим:

1. Ҳозирги даврда халқаро аҳвол (дунёда юз бераётган турли урушлар, терроризм ва хавфсизликка қаратилган турли таҳдидлар).

2. Мустақиллик учун кечган курашлар.

3. Ўзбекистон Қуролли Кучлари.

4. Миллий армиянинг тарихий илдизлари.

Албатта, маърузага тайёрланиш жараёнида зарур материалларни тўплаш ва умумлаштириш муҳимдир. Маърузага миллий истиқлол ғояси концепцияси, Президентимиз асарларидаги тарбия ҳақидаги фикрлар, бадиий асарлар, журнал ва газеталар материаллари, энг муҳими ўтмишда ҳарбий тарбияга, ёшлар ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг маънавий-ахлоқий жиҳатларига эътибор масалалари асос қилиб олинади. Маъруза ўқилганда эса нотиқ нутқи равон, тушунарли, далилларга бойлиги билан талабалар диққатини тортиши ҳамда билимларни кенгайтириш билан бир қаторда шахс онгини ривожлантиришда маънавий қадриятлардан фойдаланишга йўллаши билан муҳимдир.

Ёшларни чақирувга қадар бошланғич тайёрлаш жараёнида тарбиявий тадбирларнинг энг муҳимларидан яна бири бу – муқаддас қадамжоларга саёҳатлар. Бу ўқув жараёнининг давоми бўлиб, синфдан ташқари вақтларда ўтказилади.

Пойтахтимиздаги «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи ва хотира майдонлари ана шундай муҳим тарбия масканларидан саналади. Бундайин масканларга саёҳатлардан мақсад ўзбек халқининг ватанпарвар ва фидойи фарзандлари қаҳрамонона ҳаёти ва жасоратларини, шонли анъаналарни ўрганиш ва келгуси авлодларга етказишдан иборатдир.

Тарихий ва маданий ёдгорликларни ўрганишда эса имкониятлар ғоят кенг эканини эътироф этиш жоиз. Масалан, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон каби йирик шаҳарларимиз қадимдан улкан маданият ўчоқларидан бўлиб, музей-шаҳар сифатида ўрганишга лойиқдир.

Тарбиявий ишлар жараёнида учрашувларнинг самараси беқиёс. Масалан, мушоиралар ўтказиш, ҳарбий мавзуда ёзилган шеърлар ва насрий асарларни йиғиш, ҳарбий қўшиқлар танловларини ўтказиш, тарихий мавзуларда кинофильмларни томоша қилиш, музейларда шоир, ёзувчи, тасвирий санъат намояндалари билан учрашувлар ташкил этиш ижобий натижа беради. Бундай учрашувларда ҳарбий мутахассислар, асарлар муаллифларининг чиқишлари ўқувчиларни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, ватанпарварлик тарбиясини шакллантиришда кино санъати ҳам беқиёс кучга эга. Айниқса, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур ҳақидаги видеофильмлар ва кинофильмлар кўплаб томошабинлар эътиборини тортади. «Сардор», «Остона», «Ватан», «18-квадрат» каби фильмлар ҳақиқий ватанпарварлик намунаси бўлиши билан эътиборлидир.

Кино ёрдамида ёшларни тарбиялашда унга жамоа билан боришни ташкил этиш, кўрилган фильмларни муҳокама қилиш, актёрлар, фильм қаҳрамонлари билан учрашувлар ўтказиш ва ниҳоят, ўз фикрларини ёзма ишларда баён этишларига эришиш муҳим.

Шу ўринда ҳарбий ватанпарварлик ҳамда маънавий-ахлоқий тарбияни шакллантиришда музейларнинг ҳам ўрни катта эканини таъкидламасдан бўлмайди. Айниқса, уларда сақланаётган қадриятларимиз тимсоли бўлган экспонатлар ўқувчилар қалбида ўзи туғилиб ўсган юрт, замин билан фахрланиш ҳиссини кучайтиради. Шунга кўра музейларга ташрифни тартибга солиш, тизимлаштириш учун режага асосан иш олиб борилиши шарт. Чунки музейлар ўқувчиларнинг ҳарбий ватанпарварлик ва ахлоқий тарбиясида бой манба саналади.

Ёшларни чақирувга қадар бошланғич тайёрлашда айниқса, оммавий спорт мусобақаларининг роли катта. Бунда ўқувчиларнинг спорт тўгаракларига жалб этилиши, қадриятларимиз сирасидан ўрин олган Наврўз, Меҳржон каби халқ байрамларида ҳарбий спорт ўйинлари кўрикларининг ташкил этилиши жамоавий жипслик, ўзаро мусобақадошлик ва курашувчанлик туйғуларини мустаҳкамлайди.

Хулоса қилиб айтганда, чинакам ватанпарвар ёшларни шакллантириш учун дастурда белгиланган ва аудиториядан ташқари ташкил этиладиган барча тадбирларни маълум бир режа асосида тизимли ташкил этиш катта самара беради.

Подполковник Муҳиддин САЪДУЛЛАЕВ.
Абдулҳошим СОТВОЛДИЕВ.
Суратлар таҳририят архивидан олинган.

ТАРАҚҚИЁТ

Инқирозга қарши чоралар дастури – амалда

ЎЗБЕКИСТОН БАНК ТИЗИМИНИНГ МУСТАҲКАМЛИК ДАРАЖАСИ ЮҚОРИ

Жаҳонда давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида банк-молия тизимининг барқарорлиги барча мамлакатлар учун долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастурининг самараси ўлароқ мамлакатимиз дунё молиявий инқирозининг салбий оқибатларидан ҳимояланиш, иқтисодий ривожланишнинг юқори суръатларини ва банк-молия тизими барқарорлигини янада мустаҳкамлашга муваффақ бўлмоқда.

Банк тизими барқарорлигини мустаҳкамлаш, тижорат банкларининг ресурс базасини ва инвестиция фаоллигини кенгайтириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида иқтисодиётнинг реал секторида тижорат банкларининг жами сармояси жорий йилнинг 9 ойида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 41,2 фоиз, банк активлари – 30 фоиз ошди, аҳоли ва юридик шахслар депозитлари 50,9 фоиз, шу жумладан, аҳолининг кредит ташкилотларидаги депозитлари 68,8 фоиз кўпайди.

«Moody's Investors Service» агентлиги томонидан ўтказилган "МДҲ давлатлари банклари муаммолари ва таваккалчиликларини бошқариш амалиёти" мавзуидаги тадқиқотда МДҲ мамлакатлари банк-молия тизимларининг барқарорлиги қиёсий таҳлил қилинган. Агентлик томонидан Россия, Украина, Қозоғистоннинг 30 та банкида таваккалчиликни бошқариш амалиётини ўрганиш жарёнида, таваккалчиликларни бошқариш сифатини баҳолаш услубиятига мувофиқ, жами тўртта мезон – таваккалчиликларни бошқаришнинг ташкилий тузилиши, таваккалчиликларни баҳолаш ва уларни бошқариш усуллари, шунингдек, фойдаланиладиган инфратузилма ва ахборот тизимлари бўйича асосий камчиликлар кўрсатиб берилди.

«Moody's» агентлиги тадқиқотлари шуни кўрсатадики, ушбу мамлакатларнинг қатор банклари ўзлари қўллаётган таваккалчиликларни аниқ тушунмайди ва кўпинча уни банк директорлар кенгаши ҳамда раҳбариятининг таваккалчиликларни бошқариш соҳасидаги роли билан чалкаштириб юборади. Бу эса кенгашнинг таваккалчиликлар устидан назорат қилиш даражасига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон банкларида ички аудит хизматини ташкил этиш ва банк кенгаши олдида ҳар чоракда кредит, инвестиция ва амалиётга оид сиёсатни амалга ошириш бўйича ҳисобот бериш тартибига оид талаблар жорий қилинган.

Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш ва мамлакатимиз молия тизимини янада эркинлаштириш жараёнида кўрилган чора-тадбирлар туфайли Ўзбекистон банк тизими кўрсаткичлари халқаро стандартлар талабларига жавоб беришгина қолмасдан, бир қатор меъёрлар бўйича барқарор кўрсаткичларга эга эканлигини намоён қилмоқда.

2009 йилнинг 9 ойи якунларига кўра, Ўзбекистон банклари капиталининг етарлилик даражаси 23,4 фоизни ташкил этди. Бу эса, ўз навбатида, Базель қўмитаси томонидан қабул қилинган стандартлардан уч баравар (8 фоиз) ортиқдир.

Барқарорликнинг асосий омилларидан бири банк тизимининг жорий ликвидлиги ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичнинг ҳам етарли даражада сақланаётгани Ўзбекистон банкларини халқаро миқёсдаги энг ишончли ва барқарор шериклар қаторидан мустаҳкам жой олишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу кўрсаткич доллар эквивалентида 1,7 миллиард доллардан ошади ва ташқи тўловлар бўйича банкларнинг мажбуриятларидан 10 баравар кўпдир. Шунингдек, бу кўрсаткич мазкур тизим барқарорлигининг юқори даражасидан далолатдир. Бундан ташқари, банк тизимининг «хавфсизлик захираси» 1 триллион 485 миллиард сўмни (Марказий банк курси бўйича қарийб 1 миллиард долларни) ташкил этади.

Шу билан бирга, халқаро стандартларга асосланган самарали банк назоратининг юритилиши, активларнинг ликвидлиги ва сифати устидан доимий мониторинг ўтказилиши Ўзбекистоннинг тижорат банкларига етакчи рейтинг агентликлари томонидан ижобий баҳо берилишига хизмат қилмоқда. Ҳозирги пайтда 14 та тижорат банкига (уларнинг жами активлари банк тизимининг 90 фоизини ташкил этади) «Moody's», «Fitch», «Standard & Poor's» каби етакчи халқаро рейтинг компаниялари томонидан «барқарор» рейтинг баҳоси берилган.

Ўзбекистонда тижорат банкларида халқаро стандартлар ва ҳуқуқий меъёрларга мос корпоратив бошқарувни институционал мустаҳкамлаш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш дастурларининг устувор йўналишларидандир. Банк бошқарувида акциядорлар ва Кенгашнинг ролини кучайтириш, акциядорлар манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда капиталлашув даражасини мустаҳкамлаш мақсадида банкларда замонавий корпоратив бошқарув тизими жорий қилинган.

Шуниси эътиборга моликки, Ўзбекистон банк сектори ривожланишининг асосини ресурсларнинг ички манбалари – акциядорлар маблағлари, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар депозитлари ташкил этади. 2009 йилнинг 9 ойи якунларига кўра, тижорат банклари умумий ресурс базасида ташқи қарзлар улуши 6,6 фоиздан ошмади. Бу эса мажбуриятларнинг сифат кўрсаткичларига таъсир этмайди. Айни пайтда, ташқи қарзлар узоқ муддатли асосда фақат иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш дастурларига киритилган инвестициявий лойиҳаларни молиялаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга жалб этилмоқда.

Ўзбекистон банк тизимининг деярли бир хил ривожланиш даражасида бўлган бошқа мамлакатлар банк тизимидан энг муҳим фарқли жиҳати ҳам шундадир. Бу эса Ўзбекистон банкларининг ташқи инқирозлардан ҳимоя қилувчи юқори «иммуниет»га эга экани билан изоҳланади.

Халқаро валюта жамғармаси ижрочи директорлари миссияси ҳам 2009 йилнинг 14 октябрида Ўзбекистонга ташрифи якунлари бўйича мамлакатимизнинг иқтисодий сиёсатига юксак баҳо берди: «Ўзбекистон ҳукумати жаҳон иқтисодий инқирози шароитида иқтисодий ўсишни таъминлаш учун зарур бўлган кўплаб ресурсларни жамлаган ҳолда жаҳон молия бозорларида оқилона сиёсат олиб борди. Бундай пухта ўйланган сиёсат мамлакатнинг глобал иқтисодий инқироз таъсирига самарали қарши тура олишида муҳим омил бўлди».

(ЎзА).

ҲУКУМАТЛАРАРО ҚЎШМА КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 12 ноябрь куни Иқтисодиёт, саноат ва фан-техника соҳаларида ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Латвия ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, сармоя, илм-фан, ахборот технологиялари, фармацевтика, тўқимачилик, суғурта, сайёҳлик, транспорт ва транспорт коммуникациялари, озиқ-овқат саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби соҳаларда фаолият кўрсатаётган қатор вазирлик ва идоралари, фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг биринчи ўринбосари, комиссия ҳамраиси Н.Нажимов мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон билан Латвия ўртасида мазкур соҳалардаги ҳамкорликнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси мавжуд. Турли соҳалар бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланган. Савдо алоқалари борасида Ўзбекистон билан Латвия ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган.

Мамлакатларимиз савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасида улкан салоҳиятга эга. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми мунтазам ошмоқда. 2008 йили ушбу кўрсаткич 256,8 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистонда Латвия сармояси иштирокида тузилган йигирмата қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар мебелсозлик, тўқимачилик, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, нефтни қайта ишлаш саноати, улгуржи савдо ва хизмат кўрсатиш каби соҳаларга ихтисослашган. Юртимизда мазкур мамлакатнинг ўн олти етакчи компанияси ўз ваколатхонасини очган.

Ўзбекистон ва Латвия икки томонлама савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасида транзит юк ташиш борасида ҳам яқин ҳамкорлик қилиб келади. Шунингдек, Буюк ипак йўлининг марказида жойлашган Ўзбекистон Латвия учун бутун Марказий Осиё минтақаси билан ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

– Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор ривожланаётир, – деди Латвия Республикаси транспорт алоқаси вазири, комиссия ҳамраиси Каспарс Герхардс. – Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани диққатга сазовор. Дунёда глобал иқтисодий бўҳрон ҳукм сураётганига қарамай, Ўзбекистон билан Латвия ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлар жадал тараққий этмоқда, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми муттасил ошиб бормоқда. Бу мамлакатларимизнинг ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга интилишлари муштарак эканидан далолатдир.

Мажлисда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган бўлса-да, мамлакатимиздаги мустаҳкам ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорлик ҳамда инқирозга қарши чоралар ўз вақтида амалга оширилгани боис Ўзбекистон юксак иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига эришаётгани, бу хорижий сармоядорларнинг мамлакатимиз билан ҳамкорликка қизиқишини тобора ошираётгани қайд этилди.

Тадбирда ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини янада ошириш, қўшма корхоналар сонини ва ўзаро савдодаги маҳсулотлар турини кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ишбилармонларнинг бевосита ҳамкорлигини қўллаб-қувватлаш учун банк-молия муассасалари алоқаларини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш соҳасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Ирода УМАРОВА,
ЎзА мухбири.

Рақамлар – тараққиётдан сўзлар

УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ – ЮРТ ОБОДЛИГИДАН

«Қишлоқ жойлардаги инфратузилма тармоқларини – бу уй-жой қурилиши бўладими, табиий газ, тоза ичимлик суви, электр энергияси таъминоти бўладими, йўлларнинг ҳолати, транспорт ва коммуникация хизматлари масаласи бўладими – буларнинг барчасини янада ривожлантириш, бир сўз билан айтганда, қишлоқ ҳаётининг савияси ва маданиятини янги погонага кўтаришга устувор аҳамият беришимиз даркор», деган эди Президентимиз Конституциямиз қабул қилинганининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида. Дарҳақиқат, қишлоқ тараққий топса, юртимиз янада обод, фаровон бўлади. Келинг, шу ўринда Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси берган маълумотларга асосан жорий йилнинг ортда қолган 9 ойи мобайнида бу борада қилинган ишларни рақамларда кўриб чиқайлик.

«Республиканинг барча ҳудудларида қишлоқ қурилишини кенгайтириш мақсадида «Қишлоқ қурилиш банк» очиқ акциядорлик-тижорат банки ва «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компаниясининг бўлимлари ташкил этилди. Намунавий лойиҳалар асосида қурилишни кредитлаш ва амалга ошириш механизмлари ишлаб чиқилди, қишлоқ қурилишида фойдаланиш учун якка тартибдаги уй-жойлар ва ижтимоий-маданий объектлар намунавий лойиҳаларининг республика кўргазмаси ўтказилди. Жорий йилда қишлоқ жойларда турар-жойнинг 22 та намунавий лойиҳаси бўйича комплекс уй-жой қурилиши ва ижтимоий-маданий объектларнинг 16 та лойиҳасини барпо этиш учун 42 масив белгиланди.

«Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси шафеълигида деворбоп ва бошқа қурилиш материалларини ишлаб чиқариш бўйича янги саноат корхоналари ташкил этилмоқда», дейилади жумладан статистик маълумотларда.

Қувонарлиси шундаки, уй-жой қурилиши кўламини кенгайтириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида ҳисобот даврида уй-жой фонди объектларини тайёр ҳолда топшириш шарти билан қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари билан шуғулланадиган кўплаб ташкилотларга асос солинди. Аниқроғи 1012 та ана шундай ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари ташкил этилганини таъкидлаш жоиз. Бу эса ўз навбатида 13,6 минг қўшимча янги иш ўринлари яратилишини таъминлади. Ўз навбатида бундайин ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари томонидан умумий қиймати 72,8 миллиард сўмлик қурилиш ишларини амалга оширишга доир 1370 та шартнома тузилди.

Рақамлар жорий йилнинг 9 ойи мобайнида 6361 минг квадрат метр, шу жумладан, қишлоқ жойларида 4728,8 минг квадрат метр турар-жой фойдаланишга топширилганидан далолат бермоқда.

Амалга оширилаётган бу муҳим ишлар нафақат жаҳон иқтисодий инқирозининг оқибатларини бартараф этиш, балки инқироздан кейинги давр, аниқроғи эртанги кунимизни, келажагимизни ўйлаб собитқадамлик билан олға интилаётганимизни кўрсатади.


И. ҚУРБОНОВ.



ЁШЛАР

«ЯНГИ АВЛОД» КАШФ ЭТАЁТГАН ИСТЕЪДОДЛАР

Ёш ижодкорларнинг санъат соҳасидаги қизиқишларини ривожлантириш, уларнинг иқтидорини тўлиқ намоён этиш учун барча имконият ва шароитларни яратиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, келгусидаги янги-янги ижодий парвозлар сари ундаш мақсадида юртимизда ташкил этилаётган турли кўргазмалар, кўрик-танловлар қаторида бир неча йилдан бери ўтказиб келинаётган «Янги авлод» республика болалар ижодиёти фестивалининг ҳам алоҳида ўрни бор. Ушбу танлов фарзандларимизнинг салоҳиятда, иқтидорда ҳам ҳеч кимдан кам эмаслигини намоён этмоқда. Уларни янги-янги изланишларга, Ватан равнақи, тараққиёти йўлидаги улкан ишларга ундамоқда. Анжуман кашф этган истеъдод эгалари бугун нафақат юртимизда, балки хориждаги нуфузли халқаро кўрик-танловларда ҳам муваффақиятли иштирок этишиб, Ватанимиз довруғини дунёга таратаяпти. Бу эса юрагимизга фахр ва ифтихор туйғуларини солади. Бундай эзгу ва улуғвор ишлар истеъдодли ўғил-қизларни кашф этиш борасидаги хайрли юмушларга ҳамоҳанг тарзда амалга оширилаётгани янада эътиборлидир.



«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг «Камалак» болалар ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилган «Янги авлод–2009» болалар ижодиёт фестивали мамлакатимиз ёшлари ўртасида тобора оммалашиб бораётгани билан янада аҳамият касб этмоқда. Шу кунга қадар барча вилоятларда фестивалнинг туман ва вилоят босқичи ўтказилиб, унда ғолибликни қўлга киритган жажжи истеъдод эгалари танловнинг республика босқичига йўлланма олишди. Яқинда пойтахтимиздаги Ёшлар ижодиёт саройида фестивалнинг сўнгги саралаш босқичи ўтказилди. 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган минглаб ўғил-қизлар иштирок этган танловнинг бу йилги якуний босқичи ёшлар учун чинакам санъат, дўстлик, гўзаллик ва нафосат байрамига айланиб кетди. Уч кун давом этган охирги босқичда республикамизнинг барча вилоятларидан келган беш юздан зиёд иқтидор соҳиблари мумтоз мусиқа, миллий чолғу асбоблари ижрочилиги, хонандалик, рақс, тасвирий ва амалий санъат, шеърият, насрий ва саҳна асарлари йўналиши бўйича ўз истеъдодларини намойиш этишди.


Санъат… У шундай кучга эгаки, инсонни севинтиради, йиғлатади, ўйга толдиради, хотираларини жонлантиради. Шу боисдан ҳам унинг ҳаётбахш қудратидан лол қоламиз. Рақс тушаётган, қўшиқ айтаётган ёки бўлмаса куй ижро этаётган санъаткорнинг хатти-ҳаракатларини, сеҳрли овозини эшитиб беихтиёр ўй-хаёлларга бериламиз. Айниқса у болажонлар ижросида бўлса, кайфиятимиз кўтарилади, юрагимиз шавқ-завққа тўлади, кўзимиз қувнайди. Уларнинг иқтидорига, истеъдодига тасаннолар айтамиз, уларга ҳавас қиламиз. Уларга қараб ҳаёт завқини дилдан ҳис қиласан, яшашнинг улар билан сермазмун эканлигига яна бир бор амин бўласан. Айтишадики, санъатни севган, ундан завқ ола билган боладан ёмонлик чиқмайди. Чунки санъат фақат эзгуликни тараннум этади. Эзгулик эса инсонни фақат яхшилик сари ундайди, уни ёмонликдан йироқ қилади. Саҳнада ўз ижодини намойиш этаётган ҳар бир ўғил-қизнинг чиқишларини томоша қилиб хаёлимдан беихтиёр ана шундай фикрлар ўтди. Зеро, моҳир санъаткорларга хос ижро услублари ҳар бир томошабиннинг-да эътиборини қозонгани табиий. Буни залда ўтирганларнинг нигоҳидан ҳам сезиш мумкин. Ўзгача иштиёқ билан қўшиқ айтаётган, рақс тушаётган болажонларнинг ҳаракатларида болаликка хос беғуборлик, ўзгача жозиба уфуриб турганини сезасиз. Ҳа, болалик беғубор олам. Бу олам ўзининг фусункорлиги, гўзаллиги билан ажралиб туради. Шу боисдан ҳам ҳар биримиз бу даврни кўтаринки кайфият, шавқ-завқ билан ёдга оламиз.

Маҳлиё Алимова фестивалнинг ёш иштирокчиларидан бири. У қўшиқ айтишни, рақсга тушишни яхши кўради. Фестивалда у сурхондарёча йўналишдаги миллий рақс ижро этиб, ўз маҳоратини намойиш этди. Томошабинлар бу ёш қизчани гулдурос қарсаклар билан қарши олишди. Маҳлиёни ҳақли равишда фестиваль кашф этган истеъдод эгаси, десак муболаға бўлмайди.

Энг қувонарлиси, фестивалнинг бу йилги саралаш босқичида Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округи офицерлар уйи қошида ташкил этилган, ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларидан иборат «Мерос» ҳамда Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги болалар боғчасининг «Лочин» гуруҳлари ҳам иштирок этишди.

«Мерос» гуруҳининг ташкил топганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин шундай бўлса-да, қисқа вақт ичида катта-кичик тадбирларда ўзларининг халқона чиқишлари билан анча танилиб улгурди. Фестивалга улар катта тайёргарлик кўришди. Гуруҳнинг энг жажжи аъзолари 3 ёшда. Ҳали миттигина болакайлар бўлса-да, уларнинг саҳнада ижро этаётган куй-қўшиқ ва рақсларини кўриб ҳайратланасиз. Гуруҳ аъзоларининг катта саҳнада ўзларини гўёки саҳна сирларини моҳирлик билан ўзлаштирган маҳоратли санъаткорлардек тутишаётгани томошабинлар қатори ҳакамлар ҳайъатининг ҳам эътирофига сазовор бўлди. Уларнинг ижро услуби ҳам ўзига хос: фольклор йўналиш. Яна бир эътиборли жиҳати, уларнинг кийим-кечакларидан тортиб рақсларигача миллийлик уфуриб турибди.

Биз истеъдод соҳибларига ҳавас билан қараймиз. Уларнинг залворли одимларида машаққатли меҳнатнинг маҳсулини кўргандек бўламиз. Лекин энг асосий омиллардан бири иқтидорга ўзи яшаб турган муҳитнинг таъсири ҳам кучли бўлади. Аслида истеъдоднинг камолоти йўлида устоз тарбияси асосий ўринни эгаллайди. Иқтидор



эгасининг салоҳиятли устоз билан рўбарў келишининг ўзи катта омад. Маълумки, қўшиқ ва рақсларнинг биз томоша қиладиган даражага етиши ортида катта машаққат, тинимсиз меҳнат ётади. Айниқса болалар билан ишлаш, улар билан тил топишиш жуда мураккаб вазифа. Чунки ҳар бир боланинг характери, ўй-кечинмалари, шунинг баробарида рақс тушишга бўлган қобилиятлари ҳам турлича бўлади. Гуруҳга раҳбарлик қилиб келаётган Мухлиса Аҳмедова эса мана шундай қийин вазифанинг уддасидан чиқди. У ҳам ҳарбий оила бекаси. Ўзи ҳам санъатга қизиққани, энг асосийси санъат билим юртини тамомлагани учун ҳам гуруҳни бошқаришни ўз зиммасига олган. Унинг бу йўлдаги, яъни ҳарбий шаҳарчада истиқомат қилаётган болажонлар учун қилаётган меҳнати таҳсинга лойиқ. Ҳа, фольклор мураккаб жанр. Халқ бемисл қудрат, теран тафаккур, нозик нафосат соҳиби. Бундай хусусият халқимизнинг ўзи яратган бадиий ижод намуналарида ўз ифодасини топган. Шу боис фольклор асарларни ўрганиш, шу орқали бевосита халқимиз ўтмишини, тарихини, орзу-умидларини, руҳияти ва урф-одатларини ўрганиш имконини беради. Ана шундай буюк тафаккур сарчашмаси бўлган фольклор намуналарини келгуси авлодларга етказиш ҳар доим муҳим вазифалардан бири бўлиб келган. Зеро, фольклор фақат ўтмишнинг акс-садоси бўлиб қолмасдан бугуннинг ҳам янгроқ овози бўлиши керак. Ана шундай эзгу мақсадни кўзлаб ташкил этилган «Мерос» гуруҳи бугун унинг уддасидан чиқди. Дадиллик билан бошланган эзгу иш тез орада ўз самарасини кўрсатди. Бугун улар «Янги авлод–2009» республика болалар ижодиёти фестивалида муваффақиятли иштирок этишиб, ғолибликни қўлга киритишди. Уларнинг ҳар бир вилоятга хос бўлган анъана, маросим ва урф-одатлар асосида саҳналаштирилган халқона рақслари, миллий либосларидан тортиб ўзларининг маҳоратли ижроларигача барчани лол қолдирди. Гуруҳнинг энг кичик аъзоси Фарангиз бошига желак ташлаб қўшиқ айтиб рақс тушганда, Самоил ва Олмосбек кураш тушиб, саҳнада миллий халқ ўйинларини қувноқ рақслар талқини орқали намойиш этишганида ўлмас анъаналаримизнинг боқийлигидан, гўзаллигидан ифтихор туясиз. Жажжи қизалоқларнинг урчуқ кўтариб рақс тушишлари ҳам ўзгача гўзаллик кашф этган. Уларга қараб, улар тимсолида ўзбек аёлларини – меҳнатсевар, яратувчанлик фазилат соҳибаларини кўргандек бўламиз. Ҳа, бу болажонлар бугун қадим қадриятларимиздан баҳра олаяпти, қалблари у билан нурафшон. Улар миллатимиз давомчилари.

– Гуруҳимизда ўн беш нафар иқтидорли ўғил-қиз миллий санъат сирларини эгаллаб келишмоқда. Уларнинг ҳар бирида санъатга ошуфталик бор. Бу ошуфталик болажонлардаги қобилият ва истеъдодни юзага чиқаришга хизмат қилаяпти, деб ўйлайман. Аслида қобилиятсиз инсоннинг ўзи бўлмайди. Фақат уни ўз вақтида англаб, тўғри йўл-йўриқ кўрсатиш керак, холос. Гуруҳдаги ҳар бир ўғил-қиз рақслар ва қўшиқларни ўзгача иштиёқ билан ижро этишади. Уларнинг интилишларини, саъй-ҳаракатларини кузатиб, хурсанд бўламан, – дейди биз билан суҳбатда Мухлиса Аҳмедова. – Энг асосийси, болажонларимиз миллий анъаналаримизни ўзларининг бетакрор ижролари орқали маҳорат билан намойиш қилишмоқда. Аслида ўлмас жанр бўлган фольклор жанрида шу халқнинг, шу миллатнинг турмуш-тарзи, маданияти, маънавияти акс эттирилади. Шу боисдан ҳам аждодлар ҳаётини ўрганишда фольклор жанрининг ўзига хос ўрни мавжуд. Унда халқнинг бекиёс ижодкорлик фазилатлари намоён бўлади. Шунинг учун ҳам ҳар бир миллий куй-қўшиқ ва рақсларимизни халқимизнинг бебаҳо бойлиги деб айтишимиз мумкин. Шундай экан, уларни авайлаб-асраш бизнинг зиммамиздаги энг катта вазифадир. Биз шундай эзгу ишга озгина бўлса-да ҳисса қўшаётган бўлсак, олдимизга қўйган мақсадга эришган бўламиз.

Ибодат Расулова етакчилик қилаётган болалар боғчаси тарбияланувчиларидан иборат «Лочин» гуруҳи ҳам ушбу фестивалнинг туман ва шаҳар босқичида ғолиб чиқишиб, танловнинг саралаш босқичида иштирок этиш имкониятига эга бўлишди. Ушбу гуруҳ ҳам танловга катта тайёргарлик кўриб келди. Улар фестивалда инглизча рақс ижро этишиб, йиғилганларга бир олам завқ улашди. Болажонлар ижро этган ушбу замонавий рақс ҳам танловга ташриф буюрган барча томошабинлар томонидан гулдурос қарсаклар билан кутиб олинди. Уларнинг оҳангга мос ҳаракатлари қарсаклар садосига жўр бўлди.

– Мазкур фестивалда биринчи бор иштирок этаяпмиз, – дейди гуруҳ раҳбари Насиба Умарова. – Шу боисдан ҳам катта иштиёқ билан тайёргарлик кўрдик. Боғчада тарбияланаётган гуруҳлардан иқтидорли ўғил-қизлар танлаб олинди ва улар билан алоҳида машғулотлар олиб борилди. Янги рақс саҳналаштирдик. Ҳозир тарбияланувчиларимизнинг иштиёқини, саҳнада ўзларини тутишларини кўриб, хурсанд бўлдим. Меҳнатларимиз зоя кетмаганидан қувондим.

Ранг-баранг гуллар билан безатилган саҳнада ўз истеъдодини намойиш қилаётган бу болажонларга қараб, юртимиз эртаси ана шундай иқтидорли, санъатсевар авлод қўлида эканлигидан қувондик. Бугун уларнинг ҳар томонлама комил инсонлар бўлиб етишишлари учун барча имкониятлар етарли. Сўзимиз ибтидосида истеъдод ва уни юзага чиқариб, мақсад сари етакловчи ижодий муҳит ҳақида гап очган эдик. Тўғри, ниятлар ушалгани яхши, лекин янада қувончлиси истеъдодни рағбатлантирувчи муҳитнинг қалбда ватанпарварлик туйғусини жўш урдириб, бурчдорлик ҳиссини уйғотаётганидадир. Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтишни жоиз деб биламиз. Фарзандларимиз камолоти учун яратилаётган шарт-шароитларга муносиб тарзда улар албатта юрт учун жон куйдирадиган ватанпарвар ўғил-қизлар бўлиб етишади. Биз бунга ишонамиз!

Шартнома бўйича хизмат олдий аскари
Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА.
Убайдулла ФАЙЗУЛЛАЕВ суратга олган.

СПОРТ

ШЕР БИЛАКЛИ ШЕРАЛИ



Бухоро вилоятининг Олот туманида Камол Муродов, Рустам Тўраев сингари жуда кўплаб таниқли полвон, мураббийлар етишиб чиққан. Ўзбекистон биринчиликларидан тортиб Осиё ва жаҳон чемпионатларида ҳам кўп бора зафар қучган бу ўғлонларни бутун эл яхши билади, ардоқлайди. Шерали ҳам ана шундай полвонларга ҳавас қилиб, спортга меҳр қўйди. Томирида ўзбек қони жўшиб ураётган, талабчан, камтарин, интилувчан бу йигит бугунги кунда элга танилиб улгурган маҳоратли полвонлардан. Интилганга толе ёр, деб шунга айтсалар керак-да!

– Мактабда ўқиб юрган кезларимда ҳам туман миқёсидаги кўпгина мусобақаларда иштирок этиб юрардим – дейди у болалик хотираларини ёдга олиб. – Кейинчалик тумандаги 22-касб-ҳунар билим юртида таҳсил олиш баробарида, ўқишдан сўнг таниқли мураббийлар – спорт усталари Алишер Қўлдошев, Ҳамро Ганжиев, Халил Муродовлар қўл остида ўзбек кураши, тош кўтариш ва дзюдо каби спорт турлари сирларини ўргандим. Аслида ана шундай маҳоратли, соҳанинг ҳақиқий билимдони бўлган инсонларга шогирд бўлганим – энг катта муваффақиятим, десам янглишмайман. Айнан улар берган сабоқлардан ғалаба учун мукаммал тайёргарлик ва охиригача курашиш талаб этилишини, машғулотларда қанча кўп тер тўкилса, мусобақада шунча енгил бўлишини ўргандим. Спорт кишидан тинимсиз шуғулланишни, кучли иродани ва сабр-бардошни талаб этади. Баъзида ютқазиб қўйган вақтларимда ҳам тушкунликка тушмасдан, аввалгидан кўпроқ ўз устимда ишлашга ҳаракат қилдим. Бу эса менда сабот ва ўз кучимга ишонч туйғусининг шаклланишида муҳим омил бўлди.

Ҳа, устозлар ўгитларига амал қилган ўғлон бунинг мевасидан баҳраманд бўлиб келмоқда. Дастлаб туман ва вилоят миқёсида ўсмирлар ўртасида ўтказилган мусобақаларда бир неча бор совринли ўринларни эгаллади, ғолиб бўлди. 2001 йилда эса Жиззахда ўтказилган "Баркамол авлод" мусобақаларида спортнинг белбоғли кураш тури бўйича қатнашиб, ярим финалгача борди ва бронза медалини қўлга киритди. Айнан шу мусобақадаги муваффақияти сабаб, ёш ва умидли спортчи сифатида мутахассислар назарига тушди.

Касб-ҳунар билим юртини битиргач, у Ангрен педагогика коллежида спорт йўналиши бўйича таҳсил ола бошлади. Ўқиш давомида ўрта махсус таълим муассасалари ўқувчилари орасида анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган "Баркамол авлод" мусобақаларида икки бора иштирок этиб, ҳар иккисида ҳам шоҳсупага кўтарилишга муваффақ бўлди. 2003 йилда Андижонда ташкиллаштирилган мусобақаларда учинчи ўринни эгаллаган бўлса, 2005 йилда Чирчиқ шаҳрида ўтказилган "Баркамол авлод"нинг республика босқичида 2-ўринни эгаллаб, кумуш медаль билан тақдирланди. Ўқишни тамомлаб, қўлига етуклик шаҳодатномасини олгач, Ватан олдидаги йигитлик бурчини ўташга қарор қилди.

Шерали муддатли ҳарбий хизмат давомида ҳам намунали хулқи, қисм миқёсида ўтказиладиган турли тадбирлар ва спорт беллашувларидаги фаоллиги, ҳарб илмини ўрганишга интилиши, тиришқоқлиги, спортга бўлган қизиқиши билан ҳамиша сафдошларига ўрнак бўлиб келган. Командирлари ҳам посбоннинг бу жиҳатларини эътироф этиб, ҳарбий хизматчилар ўртасида ўтказиладиган кўплаб нуфузли мусобақаларда қисм шарафини ҳимоя қилишни унга ишониб топширишгани ҳам шундан. Посбоннинг билдирилган ишончни оқлагани таҳсинга сазовор. Жумладан, Мудофаа вазирлиги қўшинларининг ҳарбий-амалий ва Олимпия спорт турлари бўйича Умумармия ўйинларида иштирок этиб, 2006 йил ўзбек кураши бўйича 3-ўринни ҳамда бронза медалини қўлга киритди.

Табиийки, Қуролли Кучларимизда амалга оширилган изчил ислоҳотларга гувоҳ бўлган, давлатимиз томонидан посбонларга қаратилаётган эътибор, кўрсатилаётган ғамхўрликдан баҳраманд бўлган шунқорнинг қалбида шарафли касб эгаси бўлишга ҳавас куртак очди. Шу боис муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатини ўтаб бўлгач, шижоатли ўғлон келажагини армия билан боғлашга қарор қилди. Бугунги кунда Тошкент ҳарбий округидаги ҳарбий қисмлардан бирида шартнома асосида хизмат қилиб келаётган посбон аллақачон маҳоратли спортчи сифатида ном қозониб улгурган. Бу ерда ҳам турли саналар, байрамлар муносабати билан ўтказиладиган мусобақаларда қатнашиб, биринчиликни қўлдан бермай келаётир.

– Шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Шерали Жўраев ҳарбий қисмда ўз ўрнига эга бўлган посбонлардан, – дейди офицер А. Беккиров. – Сафдошимизнинг айниқса, спортга қизиқишини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Спортнинг дзюдо тури бўйича спорт усталигига номзод, кураш бўйича эса спорт устаси, деган мақомга сазовор бу йигит ҳамиша Қуролли Кучлар миқёсидаги мусобақаларда юзимизни ёруғ қилиб келади.

Лавҳамиз қаҳрамони айни пайтда келаси йили бўлиб ўтадиган Умумармия ўйинларида иштирок этиш учун офицер Равшан Мадаминов мураббийлиги остида қизғин тайёргарлик олиб бормоқда. Ишонамизки, малакали устоз ва мураббийлар сабоғини олган, ҳарбий хизматда, спорт машғулотларидан обдон тобланган, ҳар томонлама чиниққан ўғлонга бу баҳсларда ҳам омад кулиб боқади.

Нигора БОБОҚУЛОВА.

Футбол

УЧ ЎЙИНДА УЧ ҒАЛАБА

Пойтахтимиздаги «Жар» стадионида футбол бўйича 2011 йили Қатарда бўлиб ўтадиган навбатдаги Осиё чемпионатининг саралаш учрашуви бўлиб ўтди. Унда «С» гуруҳидан ўрин олган Ўзбекистон ва Малайзия терма жамоалари ўзаро баҳс олиб бордилар.

Ёдингизда бўлса, ушбу саралаш босқичининг 1-тур учрашуви жорий йилнинг январь ойида бўлиб ўтган, унда Ўзбекистон терма жамоаси Бирлашган Араб амирликлари футболчилари меҳмони бўлиб, 1:0 ҳисобидаги ғалаба билан қайтган эди. Мана, орадан тўққиз ой ўтиб, саралаш учрашувлари яна давом эттирилди. Бу сафар ҳамюртларимиз мутахассислар томонидан гуруҳ аутсайдери деб эътироф этилган Малайзия футболчиларини қабул қилишди. Бунгача ушбу терма жамоалар ўзаро уч марта учрашган ва ҳамюртларимиз барча учрашувларда йирик ҳисобда ғалаба қозонган, умумий ҳисоб эса 13:0 кўринишига эга эди.

Албатта, бундай рақиб билан бўладиган учрашувга футболчиларни руҳан тайёрлаш ҳар қандай мураббий учун ҳам қийинчилик туғдиради. Чунки футболчиларга осонгина ғалаба қозониш мумкиндек туюлади ва улар шунга яраша ҳаракат қиладилар. Ушбу учрашувда ҳам шундай ҳолат сезилиб турди. Гарчи умумий устунлик бутун ўйин давомида футболчиларимиз томонида бўлган бўлса-да, ёш малайзиялик футболчилар осонгина таслим бўлиш учун келмаганликларини исботлашга ҳаракат қилдилар. Натижада 45 дақиқа давомида 30 дан ортиқ ҳужум уюштирган футболчиларимиз барибир рақиб дарвозасига йўл топа олмадилар ва 1-бўлим 0:0 ҳисобида якунланди.

Терма жамоамиз бош мураббийи М. Қосимов 2-бўлимда бетоблиги туфайли асосий таркибдан жой олмаган А. Гейнрихни майдонга туширишга мажбур бўлди. Шундан сўнггина ўйинда ўзгариш юз берди. Айнан Гейнрих томонидан ташкил этилган ҳужумдан сўнг С. Жепаров ҳисобни очишга муваффақ бўлди. Кейин эса Гейнрихнинг ўзи узоқ масофадан берилган чиройли ва аниқ зарбалари билан иккита тўп киритиб, ҳисобни 3:0 га етказди. Аммо ҳимояда йўл қўйилган хатоликдан сўнг малайзиялик футболчилар И. Нестеров дарвозасига «тарихий» гол киритишга муваффақ бўлишди. 3:1 ҳисоби ўйин охиригача ўзгармай қолди ва икки ўйинда 6 очко жамғарган Ўзбекистон терма жамоаси «С» гуруҳи пешқадамига айланди.

Саралаш босқичи тақвимига кўра, орадан тўрт кун ўтиб, ушбу терма жамоалар энди Куала-Лумпурда майдонга чиқишди. Учрашув кутилганидек қизиқарли ўтди ва яна 3:1 ҳисобида ҳамюртларимиз ғалабаси билан якунланди. Тўпларга А. Гофуров, Б. Насимов ва Т. Кападзелар муаллифлик қилишди. Уч ўйиндан сўнг 9 очко тўплаган терма жамоамиз Осиё чемпионати йўлланмасини муддатидан аввал қўлга киритди.

МАВСУМ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Ҳаш-паш дегунча олтин куз фаслининг сўнгги ойи ҳам кириб келди. Шу билан биргаликда юртимиз футбол мухлислари учун бироз «зерикарли» давр бошланди. Чунки уларни йил давомида ҳаяжонда ушлаб турган навбатдаги футбол мавсуми ҳам якунига етди. Миллий терма жамоамизнинг 14 ва 18 ноябрь кунлари Малайзия терма жамоасига қарши ўтказган 2011 йилги Осиё чемпионати саралаш босқичи донрасидаги икки ўйини билан халқаро майдондаги расмий учрашувлар, 26-турдан қолдирилган «Машъал» – «Бунёдкор» (0:1) учрашуви билан эса олий лига жамоалари ўртасидаги Ўзбекистон XVIII миллий чемпионати баҳслари ўз ниҳоясига етди.

Терма жамоаларимизнинг турли халқаро мусобақалардаги иштироки алоҳида мавзу бўлгани сабабли, ҳозирча чемпионатимиз якунлари ҳақида қисқача хулоса юритсак. Хўш, бу йилги мавсум ҳақида нималар дейиш мумкин? Умуман олганда, бу йилги чемпионат аввалгиларига қараганда анча қизиқарли ва кескин курашларга бой тарзда ўтди десак, муболаға бўлмайди. Бироқ шуни ҳам тан олиш керакки, чемпион масаласи анча аввал, деярли 1-даврадан сўнг ҳал бўлганди, дейиш ҳам мумкин. Бу йил таркиб борасида анча кучли, бунинг устига бразилиялик машҳур мураббийни таклиф қилган «Бунёдкор» жамоаси чемпионликка асосий даъвогар, деб эътироф этилган эди. Шу билан биргаликда, «Пахтакор»нинг аввалги мавсумда бой берилган чемпионлик унвонини қайтариб олиш учун «Бунёдкор»га кескин қаршилик қилиши ҳам кутилган эди. Аммо 1-даврадан сўнг пахтакорчилар таркибида юз берган ўзгаришлар, яъни З. Тожиев, С. Абдуллаев, А. Клецков, И. Уче, Р. Байрамов, И. Иномов каби тажрибали футболчиларнинг турли жамоаларга ижрага бериб юборилиши жамоа раҳбариятининг бу мавсумда ҳам чемпионликдан умидини узганидан далолат бериб турарди. Тўғри, бунгача «Пахтакор» ўз олдига қўйган асосий вазифалардан бири – Ўзбекистон кубогини қўлга киритиш масаласини ҳал қилиб қўйган эди. Ёдингизда бўлса, финал учрашувида айнан «Бунёдкор»ни 1:0 ҳисобида енган пахтакорчилар бир йиллик танаффусдан сўнг асосий рақибларидан мамлакат кубогини қайтариб олган эдилар. Шу муваффақият жамоа раҳбарлари учун етарли бўлди шекилли, иккинчи даврада жамоа анча бўш ўйин кўрсатди ва кўпгина муҳим очколарни бой берди ва натижада чемпионат охирига келиб ўзининг асосий рақибидан 22 очкога ортда қолиб кетди. Шундай бўлса-да, «Пахтакор» мавсумни 2-ўрин билан якунлашга эришди. Аммо бу осон бўлмади, чунки деярли сўнгги турларгача Қаршининг «Насаф» жамоаси пахтакорчиларга қаршилик кўрсатишга ҳаракат қилди. Айнан ушбу жамоаларнинг Қаршида бўлиб ўтган учрашувида қайд этилган дуранг (0:0) натижадан сўнг «Пахтакор» кумуш, «Насаф» эса бронза медалига сазовор бўлгани аниқланди.

«Бунёдкор» эса кутилганидек кетма-кет иккинчи марта мамлакат чемпиони унвонига сазовор бўлди. Бунинг устига бунёдкорчилар ўтказилган ўттиз учрашувнинг биронтасида ҳам мағлубиятга учрамай (28 ғалаба, 2 та дуранг), ўзига хос рекорд ўрнатишди. Аммо чемпион жамоа ва турнир жадвалида сўнгги ўринларни эгаллаган «Бухоро» ва «Сўғдиёна» жамоалари ўртасидаги фарқ 62 очкони ташкил этганлиги кўпчилик мутахассислар ва мухлисларни ўйлантириб қўйиши табиий. Баъзи жамоалар «Бунёдкор»га қаршилик кўрсатишга уриниб кўришди, аммо уларнинг аксарияти бунёдкорчиларга қарши бўлган учрашувларда майдонга аввалдан мағлуб бўлиш хавотири билан тушгани ҳам сир бўлмаса керак.

«Пахтакор»ни мағлубиятга учратган, «Бунёдкор»дан ҳам очко тортиб олишга муваффақ бўлган «Олмалиқ» жамоаси мавсум кашфиётига айланди ва ўз тарихида илк марта чемпионатда 4-ўринни эгаллади. Республикамизнинг энг кучли жамоаларидан бири, деярли барча чемпионатларда совринли ўринларни эгаллаб келган Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси эса аксинча, бу йил фақат 5-ўрин билан чекланишга мажбур бўлди.

Умуман олганда, келаси мавсумлардан умид қилиш учун бизда етарли асослар бор. Биринчи навбатда, футболимизга кўплаб иқтидорли ёшлар кириб келаётганлиги, бир қатор жамоалар ўйинида сезиларли ўзгаришлар бўлганлиги (бунга мисол қилиб «Олмалиқ», «Андижон», «Локомотив», «Шўртан» жамоаларини айтиш мумкин), келаси мавсум учун кўплаб мураббийлар ҳозирданоқ катта режалар тузаётганлиги бунга далил бўла олади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, «Бухоро» ва «Сўғдиёна» бу мавсумнинг энг омадсиз жамоаларига айланиб, олий лигани тарк этадиган бўлди. Аммо уларнинг ўрнини келаси йили қайси жамоалар эгаллаши эса ҳалигача аниқ эмас. Чунки биринчи лигада пешқадамликни қўлга киритган «Бунёдкор-Кўқон-1912» (Қўқон) ва «Машъал-Спорт» (Муборак) жамоаларидан биринчиси мамлакат чемпионининг фарм-клуби ҳисобланади ва регламентга кўра унга олий лига йўлланмаси берилмайди. Иккинчиси, яъни «Машъал-Спорт» финишга мустақил жамоа сифатида етиб келган бўлса-да, олий лигада Муборак шаҳри шарафини ҳимоя қиладиган «Машъал» жамоаси бор. Бу муаммо қандай ҳал этилиши эса ЎФФ ва ПФЛга боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Қуйида мухлисларимиз эътиборига олий лига жамоалари ўртасида ўтказилган Ўзбекистон XVIII чемпионатининг якуний жадвалини ҳавола қиламиз.


•	Жамоалар	Ў	F	Д	М	Т-Н	О
1	«Бунёдкор»	30	28	2	0	85-13	86
2	«Пахтакор»	30	18	10	2	69-16	64
3	«Насаф»	30	16	7	7	48-27	55
4	«Олмалиқ»	30	15	3	12	50-38	48
5	«Нефтчи»	30	14	4	12	43-38	46
6	«Локомотив»	30	11	9	10	34-40	42
7	«Андижон»	30	10	9	11	47-48	39
8	«Шўртан»	30	11	6	13	36-50	39
9	«Динамо»	30	11	5	14	44-42	38
10	«Хоразм»	30	9	11	10	30-39	38
11	«Қизилқум»	30	10	5	15	33-56	35
12	«Металлург»	30	7	10	13	36-49	31
13	«Машъал»	30	8	6	16	32-43	30
14	«Навбаҳор»	30	7	7	16	21-48	28
15	«Бухоро»	30	6	6	18	40-59	24
16	«Сўғдиёна»	30	6	6	18	24-66	24

М. САЙДИВАЛИЕВ.

МАДАНИЯТ

Нуқтаи назар

САНОАТ ЭМАС, САНЪАТ МУҲИМ



Ишдан ҳориб қайтгансиз. Зангори экранни ёқишингиз билан бирор бир бадиий фильмнинг рекламаси намойиш этилаётган бўлади: “99 фоиз комедия”, “Юракларни титратадиган фильм”, “Кўзни юмгил, кўзга айлансин кўнгил...”

Очиғи, кейинги пайтда киноларни томошабинга тарғиб этишда шундай йўл тутиш урфга кириб бормоқда. Бу – киносаноатдаги тадрижий тараққиёт маҳсулидир, балки. Масаланинг яна бир томони – реклама ролиги матнининг ҳассос овоз соҳиби Санжар Саъдуллаев томонидан ниҳоятда ширали оҳангда ўқилиши мазкур фильмларга бўлган қизиқишнинг яна бир баҳя ортишига сабабчи бўлмоқда. Боз устига номдор санъаткорлар исм-шарифларининг образларни жонлантиришдаги иштироки реклама ролигида таъкидланади-ю, томошабиннинг ҳали намойиш этилмаган фильмга бўлган “ихлоси” ортади.

Ниҳоят, “ҳаяжонли” дақиқалар етиб келади. Салобатли кино саройига кино санъатининг чин ихлосмандлари, мутахассислар жам бўлишади. Саҳнада эса саноқли дақиқалардан сўнг, намойиш этилажак фильмни яратишда иштирок этган актёрлар жамоаси, фильм режиссёри бошчилигида саф тортади. Режиссёр фильмнинг олдига қўйган мақсади, ғоя, талқин ва тасвир уйғунлиги ҳақида ёниб гапиради. Сўнг иштирок этувчи актёрларга навбат берилади... Шу пайт актёрлар ичидаги энг ёшроғининг уяли телефони басма-бас жиринглайди... У томошабинларга “Ана шунақа! Машҳур бўлганингдан кейин, гўзал қизлар ҳолижонингга қўймаскан”, деган маъноли илжайиш билан гўшакни кўтаради. Суҳбатдоши билан баланд овозда (!) нималарнидир суҳбатлашади. Ҳолбуки, айни шу хатти-ҳаракати туфайли томошабинлар, қолаверса, ёнгинасида турган атоқли санъат намоёндаларига ҳурматсизлик қилаётгани, бефаросатлиги қуюшқондан ошиб кетаётганини сезмайди. Ёки сезса ҳам ўзини сезмаганга солади.

Хуллас, актёрлар жамоаси саҳнани тарк этгач, кўпдан бери кутилаётган кино “шедевр”нинг намойиши бошланади... Каттакон экран қорайиб, кейин оқариб, сўнгра сарғаяди... Кейин эса қулоқни қоматга келтирадиган гулдурак овоз янграйди: **“Фалончи фильм намойиш этади!”** Қалби санъатга эш бўлиб ўтирган томошабин сапчиб тушади. “Ё, алҳазар, булар кино қўймоқчими ёки томошабинни қўрқитмоқчими?! Кино санъатнинг бир бўлаги... Санъат эса майин оҳанг, маҳзун сўз, дилкаш ибора, фусункор манзара оғушида кишилар қалбини тарбиялаш, руҳиятига латифлик индириш, дегани эмасми?!” Уни айни шу аснодаги саволлар ўйлатиб қўяди.

Шу ўринда бир лирик чекиниш. Замондошларининг хотирлашича, ҳазрат Алишер Навоийнинг олдига шоирликка иштиёқманд қаламкашлардан бири келибди. Ҳар гал бўлғуси шоирлар шеърларини эринмай тинглаб кўрадиган “Малик улкалом” янги меҳмонга ҳам ижод намуналаридан ёдаки ўқишни илтимос қилибди. Не ажабки, шоирликка даъвогар йигитнинг сатрларида “сочларинг аждарҳо думларига ўхшайди”, “кокилларинг ўргимчакнинг оёқларига...” сингари сийқа қиёслар бот-бот тилга олинибди. Суханбозлик тингач, ҳазрат мутассир бўлибди. Кейин эса ниҳоятда паст, кўнгилга озор бермайдиган алфозда дебди:

– Мавлоно, сиз, ашъор битадирсизму ёки одамларни қўрқитадирсизму?!

Бинобарин, кинолавҳалар бирин-кетин кўз олдингиздан ўта бошлайди. Алалхусус, сюжет линиясидаги манзаралар сизга ниҳоятда таниш туюлади, сўзлари ҳам... Дейлик, йигит қизни севгисига ишонтирмоқчи. Қиз эса кўнмайди. Ўртадаги суҳбат эса шундай кечади:

– Лола, ман сани севаман. Гапларимга тушунвоссамми?!

– Йўқ.

– Агар... Бир оғиз “севаман” деб этсанг, машшу оламми-чи, гулларга тўлдириворардим-де...

– Йўқ!

– Илтимос, бир оғиз севаман деб эт!

Тахминан кўпгина фильмлардаги қаҳрамонлар диалоги шундай кечади. Йигит қизга ўз шевасида севги изҳор қила-қила сочи “оқаради”. Катта ваъдалар беради. Қиз эса баланд дорга осилиб тураверади. Чунки замонавий Мажнун унга нисбатан ночорроқ яшайди. Шўрликнинг бор “айби” шу... Фильм охирида уларнинг тақдир йўллари айро тушади... Ташқарига чиққанингиздан сўнг томошабинлардан бирининг пичинг аралаш сўзи қулоғингизга чалинади:

– Ўлсин, ҳеч бўлмаса, бир кўришлик, деб ўйлагандим, ярим кўришга ҳам арзимаскан...

– Яна оғизларини кўпиртириб мақташларини-чи...

Яна кимдир енгил хўрсиниб қўяди:

– Эссиз вақтим! Ҳозир уйда бўлганимда, дадаси ишдан қайтгунича бир дунё кир ювардим...

Орадан бир ой ўтар-ўтмас кино оламида “чарақлаб” турган фильм қайгадир йўқолади. Унга қайта кўзингиз тушмайди, ҳисоб.

Хўп, энди, дўппини бир четга олиб қўйиб, воқеликка теранроқ назар ташласак.. Қачондан бери қалбнинг туб-тубида сақланадиган, тилга кўчган тақдирда ўзининг латиф оҳорини йўқотадиган СЕВГИ худди бозордаги даллолнинг “Қанча туради бу мол?” деганига ўхшаб, ҳуд-беҳуд истифода этилаверадиган бўлиб қолди?! Ўйлаб кўринг: қилқалам адибимиз Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романида ёки мазкур асар асосида ишланган бадиий фильмда Отабек Кумушбибига: “Сизни севиб қолдим” дейдими?! Йўқ! Лекин ўқувчи ва томошабин ошиқлик дардига гирифтор бўлган бекнинг марғилонлик маҳбубасини қанчалик ардоқлашини, севишини, қадрига етишини унинг сўзларидан, хатти-ҳаракатларидан англаб туради.

Ишқ-муҳаббат масаласини қўя турайлик. Юқорида тилга олганимиз, яъни фильмлардаги ТИЛ масаласининг ниҳоятда оқсоқлиги кишини ажаблантиради. Фильм қаҳрамонларининг аксарият ҳолларда Тошкент шевасига хос бўлган сўзлардан фойдаланиши бадиий асар мақомида тақдим этилаётган кино “асар”нинг нуфузига соя ташлаб қўймайдими?! Бир фильм қаҳрамонининг шундай сўзлари бор: **“Машши тиёлка мани онамми?!”** Бу тарздаги бебурд ёндашув нафақат тилга, балки миллат қиёфасига ҳам нописандликдир.

Кечагина киносаноатга кириб келиб, бугун “юлдуз”лик даъво қилаётган ҳаваскорларни тушунса бўлади. Аммо суяги бутун кинода қотган, неча йиллик иш тажрибасига эга ардоқли санъаткорларимизнинг роль ижроларида шевадан фойдаланаётганига нима дейиш мумкин?

Тўғри, бугунги кунда мазкур соҳа янгиланишлар жараёнини бошидан кечирмоқда. Янгича ёндашув, янгича қарашлар таъсирида жузъий камчиликларга йўл қўйилиши табиий ҳол. Аммо бу тилга эътиборсиз қолиш дегани эмас. Ҳар бир янгилик ўзи билан биргаликда янгича ютуқ олиб келиши, тилимизнинг сайқал топмаган қирраларини янада бойитиши зарур бўлади. Чунки санъат инсонлар руҳиятида юксалиш ясаши билан бир қаторда ижтимоий жараёнларга ҳам дахл этишга ҳақлидир.

Кино саноатимизда яна бир сакталик бу – сюжет масаласи билан узвий боғлиқ. Тўғри, санъатнинг азалий мавзулари ИШҚ, ҲИЖРОН бўлиб келган. Бу мавзуларга бот-бот дахл этавериш уларнинг ҳали очилмаган томонларини кашф этиб, кишилар қалбида ҳаётга рағбат уйғотишга хизмат қилади. Шоир Ҳоди Тоқтош айтмоқчи: “Муҳаббат хўп қадим нарса, лек ҳар бир юрак уни янгарта”. Бироқ бу яратилажак фильмлар “ўлдим-куйдим” асосига қурилади, деган маънога олиб келмаслиги лозим. Ишқ гулзорида унган туйғулар инсоний фазилатлар, кишилар ўртасидаги самимият, оила, жамият ҳаётидаги ўзгаришлар, туғилган юртга бўлган садоқат сингари бир қанча қамровлар доирасида тўйиниши лозим бўлади. Айни шу покиза ҳислар асосида яратилгани учун ҳам “18-квадрат” фильми жамоатчилик томонидан илиқ қарши олинди.

Бир сўз билан айтганда, мақолада айтилажак ягона муддао шу: “Гап эгасини топсин”. Зеро, бугунги шитоб билан ўзгариб бораётган даврда томошабин учун том маънодаги, бадиийликка тўйинган, инсонлар қалбида чуқур из қолдирадиган киноасаргина МАНГУЛИК деб аталмиш беадад сарҳадда ўз ўрнини топа олиши муқаррар.

Ҳумоюн АЛИЕВ.

Обуна–2010

«ВАТАНПАРВАР» — БАРЧАМИЗНИНГ СЕВИМЛИ ГАЗЕТАМИЗ



Мудофаа вазирлиги қисм ва муассасаларида 2010 йил учун газета ва журналларга, шу жумладан, «Ватанпарвар» газетасига жамоавий ва якка тартибда обуна бошланди.

Ижтимоий-сиёсий, ахборот-таҳлилий газета ҳисобланган «Ватанпарвар» ҳафталиги республикамиздаги ягона ҳарбий нашр бўлиб, унинг саҳифалари орқали сиз мамлакатимиз ва жаҳонда рўй бераётган турфа янгилик ва ҳодисалар, миллий истиқлол мафкураси ва ғоясига асосланган долзарб мавзулар, ёшлар масалалари, оила ва маиший ҳаётга оид ибратли воқеалар, одоб-ахлоқ ва буюк аждодларимизнинг бетакрор маънавий-маърифий мерослари, қадриятлари, юртимизда, Қуролли Кучларимизда кечаётган изчил ислоҳотлар, фан, маданият ва спорт борасидаги туркум мақолалардан баҳраманд бўласиз.

Обуна кампаниясини ўтказиш даврида барча даражадаги командирлар, муассасалар бошлиқлари, тарбиявий ишлар органлари офицерлари жойларда ҳарбий хизматчилар, ишчи ва хизматчилар ўртасида «Ватанпарвар» газетасининг шахсий таркибни ахборот билан таъминлаш, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, мамлакатимиз ёшларида юксак маънавий, ахлоқий сифатларни, ватанпарварлик туйғусини шакллантиришдаги аҳамияти борасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориши мақсадга мувофиқ.

Жамоавий ва якка тартибдаги обуна масаласини ҳарбий хизматчилар, ишчи ва хизматчилар кенгашларида, муддатли ҳарбий хизматчилар шахсий таркибининг йиғилишларида кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳарбий округлар қўшинлари қўмондонлари, уларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари, мудофаа ишлари бошқармалари (бўлимлари) бошлиқлари чақирилувчиларнинг ота-оналари, яқинлари, хизматни ўтаётган ва сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақирилаётган фуқаролар ўртасида ҳам «Ватанпарвар» газетасини кенг тарғиб қилиши тавсия этилади.

«Ватанпарвар» газетасига обунани яқин масофада жойлашган почта бўлимларида 6 ойдан кам бўлмаган муддатга нақд пулсиз ҳисоб-китоб орқали расмийлаштириш лозим.

Обуна кампаниясини белгиланган муддатлар ичида ўтказиш ва уни жорий йилнинг 20 декабригача якунлаш тавсия қилинади.

«Ватанпарвар»даги турфа ранглар камалак жилосидек кўзингизни қувонтирса, ранг-баранг мавзулар, мақолалар қалбингизни нурафшон этади.

Нашр кўрсаткичи — 114.

ВАТАНПАРВАР

Муассис — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги | Учредитель — Министерство обороны Республики Узбекистан

МУАССИС КЕНГАШИ: Тоҳир ҲАМРОҚУЛОВ — кенгаш раиси, Рустам НОДИРОВ, Олим ҚЎЧҚОРОВ, Алишер МУИНОВ, Нурмуҳаммад МУЛЛАБОЕВ, Шуҳрат ТЎХТАЕВ, Абдусаттор ЭРГАШЕВ, Қурбон АМИНЖОНОВ, Олимжон ЗАНЖИРОВ.

Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи подполковник А. САФАРОВ.
Шу сонга масъуллар: капитан Ё. ҲАКИМОВ, В. КАЛОШИН.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган. ISSN 2010-5541.

Телефонлар: навбатчи – 260 39 57; Факс: 260 39 45.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: 100140, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 1-уй.

«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида Р. Исхакаев ва З. Хошимов томонидан саҳифаланди.

Газета жума куни чиқади. | Адади 24000.

Нашр кўрсаткичи 114. | Буюртма № J-84-48.